Ж.О.ТОЛИПОВА

# ПЕДАГОГИК КВАЛИМЕТРИЯ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

# ПЕДАГОГИК КВАЛИМЕТРИЯ

**модули бўйича**

## ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi
927272

Тошкент -2017

Ушбу педагогик квалиметриядан тайёрланган ўқув қўлланма ўзида шу модулдан маърузалар матни ва амалий машғулотлар ишланмасини мужассамлаштирган бўлиб, олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курси тингловчилари учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланмада педагогик квалиметрия фанининг мақсади ва вазифалари, илмий-тадқиқот методлари, долзарб муаммолари, таълим-тарбия жараёнида педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиш истиқболлари ва муаммолари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг замонавий модели ва квалиметрик диагностикаси, олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг квалиметрик диагностикаси, ностандарт тест – педагогик квалиметрия назорат ва баҳолаш технологияси сифатида кўриб чиқилган, шунингдек, тест топшириқларнинг турлари ва уларнинг тавсифи, тест топшириғининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий тест топшириқларини тузиш методикаси ёритилган.

Ўқув қўлланмадан олий таълим муассасалари, шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи-изланувчилар ҳам фойдаланиши тавсия этилади.

**Масъул муҳаррир:** Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори, педагогика фанлари доктори, профессор

**Н.А. Муслимов**

**Тақризчилар:** Ўз.Р ХТВ бошқарма бошлиғи, педагогика фанлари доктори

**М. А. Юлдашев**

Низомий номидаги ТДПУ "Умумий педагогика" кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори

**Б. Ходжаев**

Мазкур ўқув қўлланма олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик марказининг 2016 йил 26 августда бўлиб ўтган 3-Илмий-методик кенгаш қарори билан нашрга тавсия этилган.

# СЎЗБОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.06.2015 йилдаги 4732-сонли "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" Фармонида олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг педагогик ва касб даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш, юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш уктирилган.

Мазкур Фармон асосида олий таълим муассасаларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг ўқув режаси янгиланди ва ундан ўрин олган "Педагогик квалиметрия" модулининг ишчи дастури ва ўқув қўлланмаси тайёрланди.

Ушбу ўқув қўлланма олий таълим муассасалари, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги тассаруфидаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи-изланувчиларга мўлжалланган бўлиб, унда педагогик квалиметрия фанининг мақсади ва вазифалари, илмий-тадқиқот методлари, долзарб муаммолари, таълим-тарбия жараёнида педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиш истиқболлари ва муаммолари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг замонавий модели ва квалиметрик диагностикаси, олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг квалиметрик диагностикаси, ностандарт тест – педагогик квалиметрия назорат ва баҳолаш технологияси сифатида кўриб чиқилган, шунингдек, тест топшириқларнинг турлари ва уларнинг тавсифи, тест топшириғининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий тест топшириқларини тузиш методикаси ёритилган.

"Педагогик квалиметрия" модули бўйича тайёрланган ўқув қўлланма илк маротаба чоп этилаётганлиги боис камчилик ва нуқсонлардан холи бўлмаслиги табиий, шу сабабли, ҳамкасблар томонидан билдирилган барча фикр ва мулоҳазалар учун аввалдан миннатдорчилик билдирилади.

Муаллиф

# ПЕДАГОГИК КВАЛИМЕТРИЯ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ, ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

**Режа:**

1. **КВАЛИМЕТРИЯ ФАНИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА.**
2. **ПЕДАГОГИК КВАЛИМЕТРИЯ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.**
3. **ПЕДАГОГИК КВАЛИМЕТРИЯНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ МЕТОДЛАРИ.**
4. **ПЕДАГОГИК КВАЛИМЕТРИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Квалиметрия – табиатдаги барча объектларни ва жамиятда содир бўладиган барча жараёнлар, ишлаб чиқариш соҳасида яратилган маҳсулотларнинг сифатини миқдорий баҳолаш муаммолари ва методологиясини ўрганувчи илмий фан.

Квалиметрия – (лотинча quails-сифат, қадимий юнонча metros- ўлчов) деган маънони англатиб, объект, маҳсулот, жараёнлар сифатини миқдорий баҳолаш методларини ўзида мужассамлаштирган, турли метод ва воситалар ёрдамида эришилган натижани белгиловчи фан тармоғи.

Квалиметрия фан сифатида ўрганилиши ва баҳоланиши лозим бўлган объектнинг сифатини белгиловчи хажм, бирлик, шкала, талаблар ёрдамида мазкур объектнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини аниқлашни белгиланган ва қабул қилинган ўлчов жараёнини амалга ошириш назарияси асосида ўрганади.

Ҳозирги замон нуқтаи назаридан квалиметриянинг сифат кўрсаткичлари иккита йирик гуруҳ: табиий ва ижтимоий кўрсаткичларга ажратиб ўрганилади.

Табиий кўрсаткичлар ўз навбатида: ўрганилаётган объектнинг физикавий, кимёвий ва биологик миқдор кўрсаткичларига ажратилади[1].

Ижтимоий кўрсаткичлар жамият тараққиётининг муайян босқичидаги воқеа-ҳодисалар, ишлаб чиқариш ва истеъмол маҳсулотлари, педагогик жараёнлар, шахснинг ижтимоий ва мустақил ҳаётдаги мавқеи ва ўрни, саводхонлиги, тарбияланганлик даражаси, шахс камолотига қўлланилади.

Квалиметрия юқорида қайд этилган ҳар бир гуруҳнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини яхлитликда ўрганади ва баҳолашнинг умумий тартибини ишлаб чиқади.

Объект ва маҳсулотларнинг сифатини ташхислаш ва миқдорий баҳолаш эрамиздан аввалги XV асрда йўлга қўйилган бўлиб, дастлаб ҳунармандлар ўз маҳсулотлари сифатини белгилайдиган кўрсаткичларни аниқлаган ва сифат белгиларини қўя бошлаганлар. Шу тариқа сифат кўрсаткичларига асосланган товаршунослик вужудга келган ва 1549 йили Италиядаги Падуан университетида дастлабки товаршунослик кафедраси ташкил этилган.

---

[1] Garry G. Azgaldov Alexander V. Kostin Alvaro F. Padilla Omiste. The ABC of Qualimetry. Toolkit for measuring theimmeasurable Ridero 2015. pp 87

XIX-XX асрнинг бошларида АҚШ ва Европа мамлакатларида объект ва маҳсулотларни баллар воситасида баҳолаш ва стандартлаштириш йўлга қўйилди.

Шу тарика бошка мамлакатларда хам сифат кўрсаткичларини аниклаш ва амалиётга қўллаш борасида муайян ишлар амалга оширила бошланди. Бу ҳаракатлар квалиметриянинг илмий фан сифатида майдонга чиқишига ва тадкиқот кўлами кенгайишига туртки бўлди[2].

Квалиметриянинг учта: назарий (умумий), махсус, ва амалий тармоклари мавжуд.

Назарий квалиметрияда аниқ объект лойихаланади (абстракцияланади) ва унинг сифат кўрсаткичларининг умумий қонуниятлари ва математик моделлари ўрганилади. Назарий квалиметриянинг тадкикот объекти жисм, ишлаб чиқариш маҳсулотлари, объект ва субъектларнинг сифатини миқдорий баҳолашнинг фалсафий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш саналади.

Назарий квалиметриянинг амалий соҳаларида турли объект ва жараёнларнинг сифатини баҳолаш методикаси ва назарий асослари умумий хусусиятга эга.

Махсус квалиметрия турли хилдаги ва ҳар хил мақсадда фойдаланиладиган аниқ объектнинг сифатини баҳолашнинг аник методикаси ва математик моделини ишлаб чиқади.

Махсус квалиметриянинг эксперт, эхтимоллик-статистик, индексли, квалиметрик таксономия каби турлари мавжуд.

Амалий квалиметрия – техника, ишлаб чиқариш, инсон мехнати фаолияти, турли лойиҳа ва жараёнларнинг сифатини баҳолашни ишлаб чиқадиган соҳа саналади.

Амалий квалиметриянинг бошка фанлар билан ўзаро богланиб, техник квалиметрия, ижтимоий квалиметрия, педагогик квалиметрия, тиббий квалиметрия, геологик квалиметрия ва ҳоказа тармоклари мавжуд.

Бозор иқтисодиёти даврида маҳсулот (буюм, хизматлар, жараёнлар) нинг рақобатбардошлиги ҳал қилувчи ахамиятга эга.

У ёки бу буюм, хизматлар, жараёнларга эҳтиёж бўлиши учун муайян хусусиятларни ўзида мужассамлаштириш, мақсадга мувофиқ бўлиш, белгиланган вазифаларни бекаму-кўст бажариш каби қийматга эга бўлиши лозим. Ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва жараёнларда мазкур белгиларнинг бўлиши улар сифатининг миқдорий баҳолаш имконини беради[3].

Халқаро тажрибалар буюм, хизматлар, жараёнларнинг юқори сифатли бўлишига эришиш учун уларнинг сифатини аниқлайдиган илмий, техник ва ташкилий мезонлар ишлаб чиқилиши лозимлигини кўрсатди.

Муайян объект ёки жараён бориши, хизматлар, жараёнлар сифати эталон сифатида қабул қилинган моделнинг мезонлари бўйича ўлчаш ва олинган натижаларни таққослаш орқали баҳолаш амалга оширилади.

---

[2] Garry G. Azgaldov Alexander V. Kostin Alvaro E. Padilla Omiste. The ABC of Qualimetry. Toolkit for measuring theimmeasurable Ridero 2015. pp 14.

[3] Garry G. Azgaldov Alexander V. Kostin Alvaro E. Padilla Omiste. The ABC of Qualimetry. Toolkit for measuring theimmeasurable Ridero 2015. pp 17

Хулоса килиб айтганда квалиметрия буюм, хизматлар, жараёнларнинг сифатини баҳолаш масалаларини ўрганади.

Бу жараёнда квалиметриянинг асосий методлари: таҳлил, синтез, қиёслаш ва таққослаш саналади.

Эталон сифатида қабул қилинган моделнинг сифат кўрсаткичлари асосида баҳоланаётган объектнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда унинг сифати аниқланади.

Квалиметриянинг амалий тармоғи бўлган педагогик квалиметрияда кадрларни тайёрлашда малака талаблари эталон сифатида қабул килинган бўлиб, педагогик кадрларнинг касб малакаси ва педагогик маҳорати сифати таққослаш оркали аниқланади.

Рақобатбардош педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнида мазкур жараённи мақсадга мувофик ташкил этиш ва бошқаришни режалаштириш, ўкув жараёнини модернизациялаш, мазкур жараённи методик ва техник жиҳатдан таъминлашни талаб этади.

Педагогик квалиметрия йиллар давомида тўпланган тажрибалар, далиллар асосида вужудга келган ва шаклланган илмий-назарий фан бўлиб, таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган педагогик инновация ва унга боғлик ҳолда укитувчининг педагогик фаолиятини яхлит ўрганади.[4]

Педагогик квалиметрия кўп қиррали педагогик жараён ва унга боғлик ҳолда ўкитувчининг педагогик фаолиятини ўрганиб, педагогика фанлари соҳалари ичида энг муҳим ўрин тутадиган, лекин кам ўрганилган соҳа саналади.

Шуни қайд этиш керакки, педагогик квалиметрия педагогик жараён ва ўкитувчининг педагогик фаолиятининг сифатини белгилайди.

Педагогик квалиметриянинг методологик муаммолари шу кунга қадар илмий тадқиқотчиларнинг диққатидан четда қолган ва бу соҳадаги муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Адабиётлар таҳлили, педагогик квалиметриянинг методологик асослари жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, таълим муассасалари олдига қўйиладиган давлат ва ижтимоий буюртмаларга бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли, унинг методологик асослари юзасидан амалга оширилган ишлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мантиқий бирлиги конунияти асосида ривожланганлигини кўрсатди.

Педагогик квалиметриянинг тадқиқот объекти давлат ва ижтимоий буюртмалар зиммасига юкланган таълим муассасасининг мазкур буюртмаларни бажариш мақсадида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг сифати, таҳсил олувчиларнинг ўкув-билиш фаолиятини ташкил этилиши ва бошқарилиши, ўкитувчи педагогик фаолиятининг мақсадга мувофиқ ташкил этилиши сифатини назорат қилиш ва баҳолаш саналади.

Педагогик квалиметриянинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиш тарихини шартли равишда уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин:

---

[4] Педагогический словарь. М., 2008. 159-бет

1. Антик давр ва ўрта асрларда ривожланиши, яъни ҳали илмий асосланмаган, эмпирик ривожланиш даври.

2. XVI аср ва XIX асрнинг охиригача бўлган давр. таълим-тарбия жараёнининг сифати бўйича дастлабки тасаввурлар пайдо бўлган давр.

3. Педагогик квалиметриянинг янги ва энг янги ривожланиш даври, яъни илмий асосланган, методологик асослари аниқланган, назарий, махсус ва амалий тармоқларига эга илмий ўлчов параметрларига эга даври.

Педагогик квалиметрия ривожланишининг мазкур даврларга ажратилишида жамият, дин ва фан ривожининг таълим-тарбия жараёнига кўрсатган таъсири, шунингдек, диний таълим, диний-дунёвий таълим, дунёвий таълим парадигмалари асосида таълим-тарбиянинг ташкил этилиши назарда тутилган.

Ҳар бир таълим парадигмаси илмий-назарий билиш, таълим-тарбия жараёнининг мақсади ва вазифалари, уларга мос ҳолда таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятидан эришиладиган натижаларни баҳолаш меъёрларига эга бўлган.

**Антик давр ва Ўрта асрларда ривожланиши, яъни ҳали илмий асосланмаган, эмпирик ривожланиш даври** таълим муассасаларининг асосий вазифаси таҳсил олувчиларнинг онгига табиий, фалсафий, шунингдек, диний мазмундаги билимларни етказиш саналган. Асосий эътибор жамиятни барқарорлаштириш, жамият аъзолари томонидан диний саводхонликни эгаллашларига қаратилган. Ўша даврда олий таълим муассасаларининг шаклланиш жараёни бошланишига тўғри келади ва у таълим муассасаларида ихтиёрий равишда 7 та санъат йўналишини ўрганиш йўлга қўйилган.

Мазкур санъат йўналишини ўрганиш жамият аъзоларининг маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний ривожланиши, эстетик дид, экологик қарашларнинг вужудга келишига замин тайёрлаган.

Ўрта асрда яшаган алломалар томонидан ўша даврнинг таълим муассасаларининг таълимий мақсади сифатида таҳсил олувчиларнинг интеллектуал ва жисмоний баркамоллигини таъминлаш, мантиқий фикр юритиш кўникмаларини таркиб топтириш белгилаганликлари боис, таълим-тарбия жараёнида таҳсил олувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш баробарида ўқитиш жараёнида вужудга келтириладиган муаммоли вазиятларда муаммоларни аниқлаш, таҳлил, синтез, таққослаш, қиёслаш, умумлаштириш ва хулоса ясаш каби ақлий операцияларни бажариши кўзда тутилган. Шу тарзда ташкил этилган таълим-тарбия жараёнининг пировард натижаси сифатида жаҳон цивилизациядан муносиб ўрин олган кашфиётлар яратилган, лекин таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар оғзаки савол-жавоб ва суҳбат орқали назорат қилинган ва баҳоланган.

Таълим-тарбия жараёнининг якуний натижаси оғзаки савол-жавоб ва суҳбат орқали назорат қилиниши кўзланган натижани бермаганлиги сабабли, назоратнинг кенг қамровли ва мақсадга мувофиқ шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш зарурати вужудга келди.

**XVI аср ва XIX асрнинг охиригача бўлган давр**, таълим-тарбия жараёнининг сифати бўйича дастлабки тасаввурлар пайдо бўлган даврда таълим-тарбия жараёнининг якуний натижаси ва ўқитувчиларнинг педагогик

фаолиятини баҳолаш юзасидан муайян изланишлар олиб борилган, лекин мазкур изланишлар кўзланган натижани бермаган.

Атокли педагог Я.А. Коменскийнинг "Буюк дидактика" асарида асосий дидактик категориялар, ўқитиш мақсади, таълим мазмуни, билимларни назорат қилиш, таълим-тарбия жараёнининг сифатини белгилаш дидактик жиҳатдан асосланилган.

Олим томонидан педагогика фанига янги атама ва тушунчалар "билимларни назорат қилиш ва баҳолаш", "имтиҳон", "коллоквиум", "диктант" кабилар киритилди.

Маълумки, ўқитиш жараёнини баҳолашда якуний натижа сифатида таҳсил олувчилар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларга асосланади.

Таълим муассасасининг юқори малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш сифатини орттириш мақсадида беш балли баҳолаш тизими йўлга қўйилди.

**Педагогик квалиметриянинг янги ва энг янги ривожланиш даври.**

XX асрнинг бошларида таълим муассасалари прагматик позицияда, яъни таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни ва кейинчалик компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш йўлга қўйилган.

Ўша даврда Россия таълим муассасаларида таълим мазмуни ғоявий-сиёсий йўналишга урғу берилиб, таълим-тарбиянинг узвийлигига асосланган назарий тизим йўлга қўйилган ва назарий репродуктив билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва таълим-тарбиянинг якуний натижаси сифатида ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш назарда тутилган.

Педагогик квалиметриянинг энг янги ривожланиш даврида таҳсил олувчилар шахсига йўналтирилган таълим парадигмаси майдонга чиқди.

Шахсга йўналтирилган таълим асосида умуминсоний қадриятларга асосланган, педагогик муносабатлар инсонпарварлаштирилган, таҳсил олувчи шахснинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, ички ва ташқи ўқув мотивлари эътиборга олинган ҳолда таълим-тарбия жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил этиш назарияси туради.

Ушбу парадигма асосида педагогик квалиметрияда, шунингдек, таълим-тарбия тизимида ижобий ўзгаришларни вужудга келтирди. Улар жумласига:

- таълим тизимида хукмронлик қилаётган шахснинг ижтимоийлашуви ва мослашувига асосланган фронтал таълим-тарбия жараёнидан ўқитиш мақсадларини амалга оширишга имкон берадиган шахснинг индивидуал ривожланишига замин тайёрлайдиган жараёнга ўтиш;
- таҳсил олувчиларни нафақат илмий билимлар билан қуроллантирибгина қолмасдан, балки умуммаданий, умуминсоний қадриятлар асосида назарий билимлар, амалий кўникма ва малакаларни таркиб топтиришга эътиборни қаратиш;
- мажбурий ўқитиш шакллари билан биргаликда таҳсил олувчиларни мустақил таълим олиш ва мустақил тайёргарликка йўллаш;
- таълим мазмунидаги билимлар, кўникма ва малакалар, ижодий фаолият тажрибалари ва қадриятларни таркиб топтиришда фақат ўқув курсларининг

назарий масалалари билан эмас, балки интеграллашган мазмун, фанлараро боғланиш, модуллар тизимидан фойдаланишга ўтиш;

• ўқитишнинг репродуктив методлари ва анъанавий технологиялари билан бир қаторда таҳсил олувчиларнинг ижодий, танқидий ва мантиқий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш имконини берадиган инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланиш;

• таълим-тарбия жараёнининг якуний натижасини назорат қилиш ва баҳолашда билим, кўникма ва малакалар парадигмасидан воз кечиб таълим тизимини модернизациялашнинг истиқболли йўналиши сифатида қабул қилинган компетенцияларни назорат қилиш орқали шахснинг ривожланганлик ва тарбияланганлик даражасини аниқлашни йўлга қўйиш зарурлиги киритилган.

Таълим-тарбия жараёнига киритилиши назарда тутилган ижобий ўзгаришлар ўз навбатида таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малакалари ва компетенциясини баҳолаш жараёнига ўз таъсирини кўрсатади.

Педагогик квалиметриянинг фан сифатида қуйидаги концептуал асослари мавжуд:

1. Педагогик квалиметрия узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг сифати, таҳсил олувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ва сифати, педагогик кадрларнинг касбий малака даражасини аниқлаш ва умумлашган хулоса ясаш имконини яратади.

2. Педагогик квалиметрия тадқиқ этилаётган объектнинг сифат кўрсаткичини динамик категория сифатида қабул қилади ва келгусида замон билан ҳамнафаслик, узлуксиз таълим тизими олдига қўйилаётган давлат ва ижтимоий буюртмалар асосида ушбу сифат кўрсаткичи даражасининг ортишини назарда тутади.

3. Педагогик квалиметрия ўзаро узвий ва ўзаро боғланган иккита соҳа назарий квалиметрия ва амалий квалиметрия ютуқлари асосида шаклланган ва фан сифатида ривожланиб боради.

4. Педагогик квалиметрия бўлажак педагогик кадрларнинг педагогик фаолиятга тайёргарлик даражасининг малака талабларига мослиги, узлуксиз таълим тизимида педагогик фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг касбий малакаси, мазкур босқичда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг сифатини аниқлайди.

5. Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари, касбий компетенцияси (лаёқати)нинг ДТС билан меъёрланган билим, кўника ва малакаларга мослигини назорат қилади.

6. Олий таълим муассасалари, шу жумладан мавжуд кафедраларнинг педагогик кадрлар тайёрлаш сифати, ўқув режадан ўрин олган курсларнинг моддий-техник базаси ва дидактик таъминоти сифатини белгиланган тартибга мувофиқ рейтинг асосида назорат қилади ва баҳолайди.

**Педагогик квалиметриянинг мақсади ва вазифалари.**

Педагогик квалиметрия фан сифатида қуйидаги мақсадларга эришиш йўлини белгилайди:

1. Таълим хизматларининг истиқбол режаларини шакллантириш босқичида таълим давлатимизнинг ижтимоий соҳадаги устувор йўналиш эканлиги назарда тутилган ҳолда, ахборотлар глобаллашган, дунёда содир бўлаётган ғоявий-сиёсий ўзгаришлар, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари таълим муассасаларида қўлга киритилган ютуқлар, жамият ҳаётидаги маънавий-маърифий янгиланишларни эътиборга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнининг замон талабларига мос ташкил этилишини назорат қилиш имконини берадиган меъёрий талабларни ишлаб чиқиш;

2. Таълим-тарбия жараёнининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини яратиш босқичида давлат ва ижтимоий буюртмаларга асосланган ДТС, педагог кадрларга қўйиладиган малакавий талаблар асосида намунавий ўқув режалар, узлуксиз таълим тизимида жорий этилган модернизациялаштирилган ва узвийлаштирилган намунавий дастурлар, ўқув курсларининг моддий-техник, ўқув-методик таъминотининг мақсадга мувофиқлигини назорат қилиш ва сифатини баҳолаш йўлларини ишлаб чиқиш;

3. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг модернизациялаштирилган ва узвийлаштирилган намунавий дастурлар, ДТС билан меъёрланган билим, кўникма, малакалари ва лаёқатини амалга жорий этиш мақсадида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёни, ўқув ва педагогик амалиётнинг сифатини назорат қилиш ва баҳолаш меъёрларини шакллантириш;

4. Олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларни педагогик жараёнга мослаштириш, педагогик фаолиятнинг талаб даражасида олиб борилиши, устоз-шогирд йўналишида олиб борилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш меъёрларини ишлаб чиқиш;

**Педагогик квалиметриянинг фан сифатидаги асосий вазифалари:**

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Давлат дастурлари, Президент Фармони ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш мезонларини ишлаб чиқади;
- олий таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш, аккредитациялаш жараёнининг меъёрий ҳужжатлари ва рейтинг тизимини талабларини аниқлайди;
- олий таълим муассасалари таркибидаги кафедраларнинг илмий салоҳияти, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишлари ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг сифатини аниқлаш мезонларини белгилайди;
- профессор-ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишлари, ўқитиладиган курсларнинг моддий-техник, ўқув-методик мажмуаларининг сифатини аниқлаш кўрсаткичларини замон талабларига мослаштиради;
- фанлар бўйича талабаларнинг ДТС билан меъёрланган билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш, компетенцияларни таркиб топганлик даражаси ва сифатини аниқлаш бўйича стандарт ва ностандарт тест топшириқларини тузади;

Педагогик квалиметриянинг илмий-тадқиқот методлари жумласига таққослаш, олинган натижаларни математик статистик метод воситасида таҳлил қилиш ва хулоса ясаш, педагогик кадрларни суҳбатдан ўтказиш, ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказиш, экспертизадан ўтказиш, ижтимоий методларни киритиш мумкин.

**Педагогик квалиметриянинг долзарб муаммолари**

Узлуксиз таълим тизимида ташкил этилаётган таълим-тарбия жараёнининг сифатини назорат қилиш ва баҳолашда ташхислаш, экспертиза, мониторинг ва педагогик квалиметриядан фойдаланилади.

Педагогик ўлчов назариясига асосланган квалиметрик йўналиш ўзининг кенг қамровлилиги, тест жараёнининг дахлсизлиги, олинган натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш, таҳсил олувчиларнинг ривожланиш даражаси ва билимларни ўзлаштириш сифати ҳақида қатъий аниқ натижаларни олиш имконини беради.

Назарий квалиметрик йўналишда ташкил этиладиган назорат анъанавий назорат турларидан тадқиқ этилаётган объектнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари сифатини баҳолашда кўп миқдордаги ахборот ва миқдорий баҳолаш имконияти мавжудлиги билан фарқланади.

Таълим мониторингини илмий асосланган ва ўзаро узвий боғланган назорат турлари ва ахборот технологиялари асосида ташкил этилиши таълим-тарбия жараёнидан кўзланган натижа эришиш ва сифатини аниқлаш имконини беради.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг таълим мониторингида тест топшириқларидан фойдаланилади ва бу метод ёрдамида кўп сондаги таҳсил олувчиларнинг қисқа муддатда ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари сифатини аниқлаш, олинган натижаларга мувофиқ талабаларга индивидуал ёндашиш, узлуксиз таълим тизими турларидаги таълим-тарбия жараённинг сифатини аниқлаш, уларнинг ўртача қийматини аниқлаш ва баҳолаш, олинган натижаларни қайд этиш амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда таълим муассасаларида тест топшириқларидан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилган бўлиб, таълим маконида педагогик муносабатларнинг янги парадигмалари "таҳсил олувчи – ўқитувчи", "таҳсил олувчи – ота-оналар", "ўқитувчи- раҳбарият", "таълим муассасалари – таълимни бошқарув органлари" каби назорат-баҳолаш тизими амалиётга жорий этилмоқда.

Тест топшириқларининг дахлсиз ва мустақил ташкил этилиши таълим-тарбия жараёнининг сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тизимининг муҳим таркибий қисмига айланди, шу билан биргаликда тизим ҳосил қилувчи ва фаол таъсир кўрсатувчи омил сифатида майдонга чиқди.

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК КВАЛИМЕТРИЯ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

**РЕЖА:**

**1. ПЕДАГОГИК КВАЛИМЕТРИЯ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.**

**2. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК КВАЛИМЕТРИЯ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.**

**3. ПЕДАГОГИК КВАЛИМЕТРИЯ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ.**

Хорижий мамлакатларда чоп этилган адабиётлар таҳлили, квалиметрия методларидан иқтисодиётда, истеъмол буюмларни индекслаш, бунда таҳлил, экспериментел, индексли методлардан фойдаланиш методикаси Г. Азгалов, А. Костин, А. Омистелар томонидан чоп этилган The ABC of Qualimetry китобида ўз ифодасини топганлигини кўрсатди[5].

Республикамизда жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини назорат қилиш ва баҳолаш, мазкур тизимда педагогик фаолият юритаётган педагогларнинг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини аниқлашда педагогик квалиметрия методлари муҳим ўрин тутади.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинлари шу жумладан, олий таълим муассасасида педагогик фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар педагогик квалиметриянинг фан сифатида объекти, предмети, мақсади, вазифалари, принциплари, квалиметрик шкала, квалиметрик жараённинг босқичлари, педагогик квалиметрия методлари воситасида таълим-тарбия жараёнини ташхислаш ва баҳолаш, олинган натижага мувофиқ умумий хулосалаш, касбий-педагогик фаолиятда квалиметрия методларини қўллашдаги ёндашувларнинг мазмун-моҳиятини англаши лозим.

Шу билан бир қаторда профессор-ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малакалари ва компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолашда квалиметриянинг асосий методларидан бири, тест топшириқларидан фойдаланиш, стандарт ва ностандарт тест топшириқларини туза олиши, тест ўтказиш жараёнининг методикаси, олинган натижаларни экспертизадан ўтказиш, якуний натижаларни умумлаштириш, педагогнинг касбий-педагогик моделини тузиш ва моделнинг ҳар бир таркибий қисмининг эгалланганлик даражасини аниқлаш, талабаларнинг умумий ва касбий лаёқатини аниқлаш методикаси, талабалар томонидан билимларни эгаллаганлик ва тарбияланганлик даражасини аниқлаш ва педагогик хулоса ясаш малакасини эгаллаган бўлиши зарур.

---

[5] Garry G. Azgaldov Alexander V. Kostin Alvaro E. Padilla Omiste. The ABC of Qualimetry. Toolkit for measuring theimmeasurable Ridero 2015. pp 17

Педагогик квалиметрия профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини аниқлашда ҳам ўрин тутади.

Педагог кадрларнинг ўз касбий-педагогик тайёргарлиги, касбий лаёқатини баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш учун педагогик квалиметриянинг қуйидаги методларидан фойдаланилади[6]:

1. Экспертиза методи
2. Таҳлил методи.
3. Педагогик жараённи кузатиш ва таҳлил қилиш.
4. Сўровнома ўтказиш
5. Тест топшириқлари.
6. Суҳбат методи.
7. Математик-статистик таҳлил қилиш.
8. Умумлаштириш.

Таълим-тарбия жараёнида педагогик квалиметрия ютуқларидан жуда кенг миқёсда фойдаланиш истиқболлари мавжуд. Жумладан, педагогик фаолиятда таҳсил олувчиларнинг таълим муассасаларида фанлар бўйича ДТС билан меъёрланган талаблар асосида билим, кўникма, малакалар ва компетенцияларни ўзлаштириш имкониятлари, уларнинг эҳтиёжлари ва ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш ва олинган натижаларга мувофиқ уларга нисбатан индивидуал ёндашувни амалга ошириш юзасидан тавсиялар тайёрлаш;

Педагогик квалиметрия жараённи амалга оширишда қуйидаги мантиқий ёндашувлар мавжуд:

1. Педагогик квалиметрик жараённи дедуктив мантиқий йўналишда ташкил этиш;

2. Педагогик квалиметрик жараённи индуктив мантиқий йўналишда ташкил этиш;

Педагогик квалиметрик жараённинг дедуктив мантиқий йўналишда ташкил этилишига олий таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш, аккредитация-лаш, олий таълим муассасаларининг рейтингини аниқлаш жараёнларини мисол қилиб олиш мумкин.

Мазкур жараёнда экспертиза методи воситасида олий таълим муассасасида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари, ўқув курсларининг дидактик ва методик таъминоти, моддий-техник базаси таҳлил қилиниб, экспертизадан ўтказилади. Юқорида қайд этилган ҳужжатлар экспертизадан ўтгандан сўнг, олий таълим муассасасида ташкил этиладиган педагогик жараён кузатилади ва таҳлил қилинади.

Таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида талабалардан муайян масалаларни қамраб олган сўровнома ўтказилади. Сўровнома натижалари таҳлил қилиниб, йўл қўйилаётган камчиликлар аниқланади ва уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар тайёрланади.

---

[6] Garry G. Azgaldov Alexander V. Kostin Alvaro E. Padilla Omiste. The ABC of Qualimetry. Toolkit for measuring theimmeasurable Ridero 2015 pp 136

Таълим-тарбия жараёнида ўқув курслари бўйича талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш мақсадида фанлардан тузилган тест ўтказилади ва олинган натижалар таҳлил этилиб, олий таълим муассасасида ташкил этиладиган педагогик жараённинг самарадорлиги аниқланади.

Муайян ўқув фанлари бўйича талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш мақсадида суҳбат ўтказилади ва натижалар таҳлил этилади.

Юқорида қайд этилган барча жараёнлардан олинган натижалар математик-статистик метод воситасида таҳлил қилинади ва маълумотлар умумлаштирилиб, олий таълим муассасасида ташкил этиладиган педагогик жараённинг самарадорлиги ҳақида умумий хулоса тайёрланади.

Педагогик квалиметрик жараённи индуктив мантиқий йўналишда ташкил этилиши сирасига педагог кадрларнинг касбий-педагогик тайёргарлиги, касбий лаёқатини баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш жараёни киради. Бу жараёнда профессор-ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш мақсадида уларнинг педагогик фаолияти таҳлил этилади. Танловдан танловгача бўлган даврда амалга оширилган ўқув, маънавий-маърифий ишлари, илмий, илмий-методик соҳада олиб борилган изланишлари, чоп этилган илмий ишлари, масъул бўлган ўқув курси бўйича тайёрланган ўқув-методик мажмуанинг мақсадга мувофиқлиги экспертизадан ўтказилади.

Мазкур ўқитувчининг педагогик фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида намунавий машғулотлар мутахассислар ва экспертлар томонидан таҳлил этилади ва самарадорлиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Муайян ўқув курси бўйича талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолашда квалиметриянинг асосий методларидан бири, тест топшириқларидан фойдаланиш ҳам квалиметрик жараённи индуктив мантиқий йўналишда ташкил этилишига мисол бўлади.

Педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиш муаммолари қуйидагилардан иборат:

- таълим-тарбия жараёнининг сифатини тадқиқ этишнинг методологик ва дастурий таъминотини яратиш;
- педагогик квалиметрия методлари воситасида таҳсил олувчиларнинг таълим муассасаларида фанлар бўйича ДТС билан меъёрланган талаблар асосида билим, кўникма, малакалар ва компетенцияларни эгаллаганлик даражасини диагностика қилиш соҳасида фундаментал тадқиқотлар ўтказиш;
- узлуксиз таълим тизимининг умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим тизимида таълим-тарбия жараёнининг сифати мониторингини ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш;
- олий таълим муассасаларида ўқитиладиган курслар бўйича назорат-ўлчов материалларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

• талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш жараёнида My test дастури воситасида фанлар бўйича ностандарт адаптив тест топшириқларини тузиш ва амалиётга жорий этиш.

Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия жараёнида педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиш таълим самарадорлигини аниқлаш, мавжуд камчиликларга барҳам беришга замин тайёрлайди.

## ТЕСТОЛОГИЯ ФАНИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. НОСТАНДАРТ ТЕСТ – ПЕДАГОГИК КВАЛИМЕТРИЯ НАЗОРАТ ВА БАҲОЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ СИФАТИДА

**Режа:**

1. Тестология фанининг мақсади ва вазифалари
2. Тестларнинг таърифи, таснифи, методологик асослари.
3. Тестология фанининг ривожланиш босқичлари, унинг фаолият соҳалари
4. Таҳсил олувчиларларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда тест топшириқларидан фойдаланиш йўллари

Узлуксиз таълим тизими олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири таълим-тарбия жараёнида инновацион муҳитни яратиш саналади.

Аввало, инновация атамасининг маъносини таҳлил қилиш лозим.

Инновация – инглизча сўздан олинган бўлиб, ин – киритиш, новация янгилик деган маънони беради.

Ўқитишда инновацион муҳитни яратиш ўқитувчидан кўп қиррали изланиш ва амалий фаолиятни талаб этади.

Республикамизда узлуксиз таълимни жорий этиш жараёнида таълим мазмуни янгиланди, ўқув дастурлари ва ўқув фанлари бўйича ДТС модернизацияланди. Ушбу жараён таълим-тарбия жараёнининг бошқа таркибий қисмлари: ўқитиш методлари, воситалари ва шаклларини инновация киритиш орқали модернизациялашни талаб этмоқда.

Замон билан ҳамнафас педагогик фаолият юритаётган модератор ўқитувчилар юқорида қайд этилган талабларга монанд ҳолда ўқитишда интерфаол методлар, педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш бўйича дастлабки тажрибаларни эгалламоқда.

Республикамизда жорий этилган узлуксиз таълим тизимига инновация қуйидаги йўллар орқали татбиқ этилмоқда:

- ахборот ва коммуникацион технологиялар – технологик инновациялар;
- таълим-тарбия жараёнининг мазмунини янгилаш, унинг бориши ва ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирувчи технологиялар – педагогик инновациялар;
- таълим соҳасидаги замонавий иқтисодий механизмлар – иқтисодий инновациялар;
- таълим соҳасидаги замонавий тузилмалар – ташкилий инновациялар;

Маълумки, юқорида қайд этилган инновациялар таълим-тарбия жараёнига комплекс ҳолда жорий этилиши ўқитувчидан муайян методик билим, кўникма ва малакалар, шунингдек, педагогик компетентлик(лаёқат)ни талаб этади.

Ўқитувчининг замонавий методик билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши, шунингдек, педагогик компетентлик(лаёқат)нинг мавжудлиги унинг ўз педагогик фаолиятида баркамол шахсни вояга етказишни назарда тутишига асос бўлади.

Инновацион таълим муҳити ўқитувчилардан қайси билимларни эгаллаш ва амалий фаолиятни талаб этмоқда?

- ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш юзасидан амалий фаолияти.
- ўқитишнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашдаги амалий фаолияти.
- ўқитишда касбий йўналтирилганликни амалга оширишдаги фаолияти.

Таълим-тарбия жараёнида инновацион технологияларни қўллаш юзасидан ўқитувчининг амалий фаолияти қуйидаги босқичлар:

- инновацион технологияларнинг методологик асосларини ўзлаштирган ҳолда уни педагогик амалиётда қўллаш йўлларини белгилаш,
- инновацион технологиялар талаблари асосида таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш;
- ўқитишнинг барча шакллари маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари, аудиториядан ташқари машғулотлар, мустақил таълимнинг дидактик мақсадларини эътиборга олган ҳолда инновацион технологияларни танлаш ва жорий этиш;
- ўқитишнинг асосий шакллари бўлган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида ўрганиладиган мавзунинг мазмунини эътиборга олган ҳолда ахборот-коммуникацион ва педагогик инновацияларни уйғунлаштириш ва амалда қўллаш;
- мазкур жараёндан олинган натижаларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларидаги бўшлиқларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлларини белгилашдан иборат.

Олий таълим муассасасида педагогик фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш юзасидан муайян тажрибаларни эгаллаш баробарида, олинган натижаларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларидаги бўшлиқларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлларини белгилаш борасида маълум қийинчиликларга учраётганлиги сир эмас.

Мазкур жараён жадвал тарзида берилмоқда.

Дастлаб олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг яхлитлиги ва тизимлилигини тасаввур этиш лозим.

## ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИНГ ЯХЛИТЛИГИ ВА ТИЗИМЛИЛИГИ

1-жадвал




Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқитиш жараёнининг яхлитлиги ва тизимлилиги таҳлил этилганда, аввало шу муассасасида ташкил

927272
Nizomiy nomli
TDPU
kutubxonasi

этиладиган таълим-тарбия жараёнига қўйиладиган талаблар, давлат ва ижтимоий буюртмаларни аниқлаб олиш зарур.

Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисидаги Қонун" ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз ифодасини топган.

Мазкур талаблар асосида олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқитиш жараёнининг таълим мазмуни белгиланади. Мазкур мазмун ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Олий таълим муассасаларида педагогик фаолият юритадиган профессор-ўқитувчилар зиммасига мазкур мазмуннинг муайян бир қисми, яъни белгиланган ўқув курси бўйича ўқитиш жараёнини ташкил этиш вазифаси юклатилган.

Профессор-ўқитувчилар ўз зиммаларига юклатилган курс мазмунини талабалар онгига етказиш мақсадида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этади.

Талабаларнинг муайян бир ўқув курси бўйича ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш учун ўрганиладиган мавзу мазмунига мос ҳолда ўқитиш воситалари, методларини мақсадга мувофиқ танлаш, таълим мазмунига мос ўқитиш воситалари, ўқитиш методлари ўқитиш шаклларида мужассамлашади.

Олий таълим муассасаларида ўқитиш шаклларига: маъруза, лаборатория, амалий ва семинар машғулотлари, мустақил таълим, ўқув, дала, педагогик ва ишлаб чиқариш амалиётлари, битирув малакавий ишлар киради.

Профессор-ўқитувчилар мазкур ўқитиш шаклларида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш йўлларини лойиҳалаш зарур.

Таълим-тарбия жараёнида тескари алоқани амалга ошириш учун, яъни олинган натижаларни таҳлил этиш учун талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш жараёни йўлга қўйилиши лозим.

Профессор-ўқитувчилар томонидан ташкил этиладиган таълим – тарбия жараёнининг самарадорлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижаси талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш юзаки, яъни стандарт ўқув ва тест топшириқлари асосида олиб борилаётганлиги, умумий ва хусусий компетенцияларни назорат қилиш эътибордан четда қолаётганлиги, талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш жараёни ташкил этилмаётганлигини кўрсатди.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув курси мазмуни бўйича тест топшириқлари банкини тузиб, мазкур тестлардан My test дастури воситасида адаптив тест топшириқларини яратиб, талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш жараёни ташкил этилмоқда ва бу жараён таълим самарадорлигининг ортишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатаётганлиги маълум бўлди.

Шуни қайд этиш керакки, талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш жараёни олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия

жараёнининг ажралмас узвий қисми бўлиб, мазкур жараённи мақсадга мувофиқ ташкил этилиши таълим самарадорлигини орттиришга замин тайёрлайди.

Ҳар бир ўқув курсининг таълим мазмунини таҳлил қилиш учун қуйидаги назарий асосга таяниш лозим.

И.Я. Лернер томонидан таълим мазмунининг таркибий қисмларига:

1. Билимлар (илмий тушунчалар, гоялар, қонунлар, илмий назариялар);
2. Фаолият усуллари (кўникма ва малакалар);
3. Ижодий фаолият тажрибалари;
4. Қадриятлар тизими киритилган.

Амалдаги назорат турларида аксари ҳолларда билимларга урғу берилиб, таълим мазмунининг кейинги учта таркибий қисмлари: фаолият усуллари (кўникма ва малакалар), ижодий фаолият тажрибалари, қадриятлар тизими эътибордан четда қолмоқда

Ўқув курслари бўйича тузилган тест топшириқларининг аксари репродуктив даражадаги тест топшириқлари бўлиб, ишчи дастурда кўрсатилган билим, кўникма ва малакаларнинг фақат билимни аниқлаш имконини беради. Кўникма ва малакаларни аниқлаш учун тавсия этилган топшириқларнинг аксари қисми бир хил тарзда тузилган бўлиб, талабаларнинг мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш эътиборда четда қолаётганлигини кўрсатди.

Профессор-ўқитувчилар педагогик фаолиятида вужудга келаётган мазкур қийинчиликлар талабалар томонидан ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни аниқлаш ва уларни баҳолаш учун фойдаланиладиган назорат топшириқларини хилма-хиллаштириш жараёнида вужудга келаётганлиги сабабли, шу муаммони ёритиш лозим деб топилди.

Шуни қайд этиш лозимки, профессор-ўқитувчилар томонидан талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш учун тайёрланган тест топшириқлари шу курс дарслигидан олинган бўлиб, уларнинг қийинлик даражаси репродуктив, яъни ўқув материали қайта ишланмасдан, ақлий операциялар бажарилмасдан, хотирада сақланган маълумотлар асосида жавоб қайтариладиган тест топшириқлари саналади.

Мазкур тест топшириқлари талабаларнинг ўзлаштирган билимларини юзаки аниқлаш имконини беради, бу ҳолатда таълим самарадорлигини аниқлаш анча мушкул.

Шунингдек, юқорида қайд этилган қийинлик даражасига эга тестлар талабаларда таркиб топтирилган кўникма ва малакаларни аниқлаш имконига эга эмас.

Юқорида тасвирланган ҳолат олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнининг ажралмас қисми бўлган тескари алоқа, яъни назорат ва ўз-ўзини назорат жараёни талаб даражасида ташкил этилмаётганлигидан далолат беради.

Ўқитишда таълим мазмунининг таркибий қисмлари ва уларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш жадвал тарзида берилмоқда.

## ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

2-жадвал




Талабалар томонидан таълим мазмунининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган ижодий фаолият тажрибаларини аниқлашда фойдаланиладиган назорат турлари талабалар томонидан ақлий операциялар: таҳлил, синтез, таққослаш, қиёслаш, умумлаштириш ва хулосалашни, яъни ижодий фикр юритишни талаб этади.

Талабаларда ижодий фаолият тажрибаларини таркиб топтириш ва ривожлантиришда ўқув курслари мазмунидан ўрин олган Кейс-стади топшириқлари ва қийинлик даражалари продуктив, қисман-изланишли ва ижодий (креатив) тестлар муҳим ўрин тутади. Шуни қайд этиш лозимки, профессор-ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолашда квалиметриянинг асосий методларидан бири, тест топшириқларидан фойдаланиш, назорат таркибига стандарт ва ностандарт тест топшириқлари киритиши лозим.

Юқоридаги фикрлар эътиборга олинган ҳолда талабалар томонидан таълим мазмунининг барча таркибий қисмларини ўзлаштириш даражасини аниқлашда стандарт тест топшириқлари билан бир қаторда ностандарт тест топшириқларидан фойдаланиш зарурати келиб чиқмоқда.

Талабалар томонидан таълим мазмунининг асосий таркибий қисмларини аниқлашда фойдаланиладиган назорат турларидан бири тест топшириқлари бўлиб, уларни мақсадга мувофиқ ҳолда шакллантириш ва ўз ўрнида фойдаланиш учун мазкур жараённинг назарий асосларини билиш зарур.

Таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши ва унинг самарадорлигини аниқлашда ўтказиладиган назорат ва унинг турларини хилма-хиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Таълим-тарбия жараёни яхлит система бўлиб, унинг ташкил этилиши, боришини назорат қилиш, олинган натижаларга мувофиқ аввало ўқитувчининг педагогик фаолиятини таҳлил этиш, рейтинг тизимига мувофиқ таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидаги типик камчиликларни аниқлаш ва уларни коррекциялаш йўлларини белгилашни тақозо этади.

Таҳсил олувчиларнинг ўқув режадан ўрин олган курслар бўйича ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ва баҳолашда назорат турларидан бири тест топшириқлари саналади.

Тест топшириқлари дидактик материаллар сирасига мансуб бўлиб, у қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- **Тест топшириқларининг таълимий функцияси.** Тест топшириқлари таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидаги типик камчиликларни аниқлаш баробарида, уларни ўз билимларини орттириш мақсадида мунтазам ва тизимли фан асосларини ўрганишга ундайди.
- **Тест топшириқларининг тарбиявий функцияси.** Тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан тўғри жавобни топиш жараёнида муайян билиш қийинчиликларини хис этиши, муаммони ҳал этиш мақсадида ақлий операциялар: таҳлил, синтез, қиёслаш, умумлаштириш ва хулоса ясаш кабиларни бажариши орқали уларда баркамолликка замин тайёрлайдиган сифатлар: ирода, онгли интизом, муайян ўқув муаммоларини ҳал этишга сафарбарлик, чидамлилик, сабр-тоқат, ютуқларга эришиш учун билими ва кучини сарф этиши орқали шахс сифатида ривожланишига имконият яратади.
- **Тест топшириқларининг ривожлантирувчи функцияси.** Тест топшириқлари таҳсил олувчиларининг эгаллаган билим, кўникма ва

малакаларини мустаҳкамлаш, ривожлантириш, эришилган натижаларда ўзининг улуши муҳим ўрин тутишини эътиборга олган ҳолда шахс ва келгуси фаолиятидаги масъулиятини англаган ҳолда ўз-ўзини ривожлантиришга ундайди.

Юқоридаги фикрларни эътиборга олган ҳолда, тест топшириқлари дидактик материал сифатида қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1. Ҳар бир тест топшириғи тегишли таълим тури бўйича ўқув режадан ўрин олган ўқув курслари бўйича Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури асосида тузилиши шарт. Интегратив тестлар ҳам ўзаро узвий боғланган алоқалор фанлар Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилиши мақсадга мувофиқ.

2. Тест топшириғи умумий қабул қилинган атамалар асосида тузилиб, унда лексикадан чиқиб кетган, шунингдек, кам ишлатиладиган ёки кўп маънони англатадиган сўзлар, иборалар, белгилар, сифатлар ва маъжозий маънони берадиган тушунчалар бўлмаслиги керак.

3. Тест топшириқлари илмий асосланган маълумотлар асосида, ягона ўқув мақсад: ўқув жараёнида таҳсил олувчилар томонидан муайян билим ёки кўникмани ўзлаштирганлик даражасини аниқлашни назарда тутган ҳолда тузилиши лозим.

4. Таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган тест топшириғи тўрт қийинлик даражаси асосида тузилиши ва ҳар бир топшириқнинг қийинлик даражаси топшириқ паспортида кўрсатилиши керак:

- **осон (репродуктив) (I)** - таҳсил олувчилар томонидан ўқув материали қайта ишланмасдан, уларнинг хотирлаш қобилиятини аниқловчи, ҳодиса, воқеа, қонун ва атамаларнинг моҳиятини билишни талаб қиладиган даража;
- **ўртача қийин (продуктив) (II)** - таҳсил олувчилардан объектларни таҳлил қилиш, синтезлаш, таққослаш, бир нечта қонун ва қонуниятларни бир вақтда қўллаб, умумлаштириш орқали хулоса ясашни талаб қилувчи даража;
- **қийин (қисман-изланишли) (III)** – таҳсил олувчилар томонидан аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллаш, объектларни таҳлил қилиш, синтезлаш, қиёсий таққослаш, қонун ва қонуниятларни қўллаб, умумлаштириш орқали хулоса ясашни талаб қилувчи даража;
- **энг қийин (креатив) (IV)** - таҳсил олувчилар томонидан аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни кутилмаган вазиятларда вужудга келтирилган ўқув муаммоларни ҳал этишда қўллаш, таҳлил, синтезлаш, қиёсий таққослаш умумлаштириш, хулоса ясаш каби ақлий операцияларни бажаришни талаб қилувчи даража;

5. Тест топшириғининг саволи аниқ, лўнда, қисқа ифодаланган бўлиши, унда зарурий муҳим маълумотлар келтирилиши, кераксиз, ортиқча сўзларни ишлатмаслик, шунингдек, савол икки хил маънони англатмаслиги керак.

6. Стандарт тест топшириғининг жавоби тўртта бўлиб, улардан биттаси мутлақ тўғри бўлиши, муқобил жавоблар орасида "жавобларнинг барчаси тўғри", "жавобларнинг барчаси нотўғри", "тўғри жавоб йўқ", "тўғри жавоб А ва В" ёки "тўғри жавоб С ва Д" каби иборалар ишлатилмаслиги керак.

7. Тест топширигининг тўғри жавоби ҳам, нотўғри жавоблари ҳам битта мавзу доирасида бўлиши, шакл жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиши, тўғри жавоб шаклан ажралиб турмаслиги, мукобил жавоблар вариантларида сўзларни кераксиз такрорламаслик, шунингдек, тушунарли, аниқ ва қисқа бўлиши, асосли равишда танланиши талаб этилади.

8. Тест топшириги саволида тўғри жавобни топишга ёрдам берувчи сўз ва иборалар ишлатилмаслиги, орфографик ва грамматик хатоларга йўл қўйилмаслиги лозим.

9. Ўқув курслари бўйича ДТМга топшириладиган тест топшириқларининг сони 200 тадан кам бўлмаслиги, шаклан ҳар хил ва мазмунан бир хил тест топшириқлари бўлмаслиги ва такрорланмаслиги зарур. Тест топшириқларининг материаллари Microsoft Word дастурига киритишда клавиатурадаги белгилардан фойдаланиш, чизма ва расмли тестларни киритиш қатъиян ман этилади.

10. Ҳар бир тест топшириги ўз паспортига эга бўлиши уларни расмийлаштиришда қуйидаги жадвалдан фойдаланиш тавсия этилади. Унда ўқув курсининг номи, боб ва бўлим рақами, тест топширигининг қийинлик даражаси, тўғри жавоб вариантидан олдин "*" белгиси қўйилиши, тўғри жавоб эса жавоб вариантларининг биринчи устунида жойлашиши лозим.

Тестология – (инглизча сўздан олинган бўлиб, test — синов), юнонча logos — билим) сўзлари бирикмасидан иборат.

Тестология фанлараро фан бўлиб, илмий асосланган ва сифатли диагностик ўлчов методикаси ҳақидаги фан саналади.

Психологияда тестологиянинг мазмуни асосан табақалаштирилган психометриянинг мазмунига мос келади.

Тестологиянинг принциплари ва методлари психологиянинг чегарасидан чиқиб, ҳозирги кунда педагогика, тиббиёт, техника, менеджмент соҳаларида ҳам муваффақиятли қўлланиб келинмоқда.

Тестологияни қўллашда умумий хусусиятлар: тест топшириқларини тузиш методикаси, самарадорлик, вариативлик, ишончлилик, валидлик билан бир қаторда ҳар бир фан соҳасининг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, фаннинг таълим мазмуни, тестларнинг мантиқий тузилиши, тест синовининг ўтказилиш мақсади, касбий ва умумтаълим билимларни назорат қилиш ва баҳолаш тартиби ва ўлчови ҳам эътиборга олиниши лозим.

Ҳозирги замон тестология фани амалий фан бўлиб, тадқиқотчилар олдига назарий муаммолар, математик ёндашувлар, модел ва методларни тавсия этмоқда.

Тест методининг кенг тарқалиши, ривожланиши ва такомиллашувига унинг қуйидаги афзалликлари:

- тест топшириқлари тадқиқот мақсадига мувофиқ респондентларнинг билим, кўникма ва малакаларига аниқ баҳолаш имконини беради;
- ижтимоий сўровларда иштирок этган кўпсонли респондентларнинг фикр ва мулоҳазаларини аниқлаш ва умумлаштириш имконияти мавжуд;

- таҳсил олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ва баҳолаш жараёни объектив амалга оширилади, баҳоловчи томонидан субъективизмга йўл қўйиш олдини олади.
- турли гуруҳ респондентларидан олинган маълумотларни қиёсий-статистик таҳлилини ўтказиш имкон бериши кабилар замин яратган.

Тест топшириқларининг ялпи жорий этишдан аввал, танланган мақсадли гуруҳда синовдан ўтказиш, олинган натижалар ва баҳолашнинг объективлиги таҳлил қилиниши лозим.

Олинган натижалар ва тестларнинг мақсадга мувофиқлиги қуйидаги **мезонлар** бўйича таҳлил қилинади:

1. **Тест топшириқларининг қийинлик даражаси мезони.**

Тест топшириқларининг қийинлик даражаси мезони ўрганилаётган объектнинг хусусиятларини ўзида тўлиқ акс эттириб, у таҳсил олувчилар томонидан мазкур хусусиятларни аниқлаш учун бажарадиган ақлий операцияларига кўра:

- Репродуктив даража;
- Продуктив даража;
- Қисман-изланишли даража;
- Ижодий (креатив) даражада бўлиши мумкин.

**Репродуктив даражадаги тест топшириқлари** таҳсил олувчиларнинг томонидан ёдда сақланган билим, кўникма ва малакаларни таниш одатий вазиятда ахборотларни қайта ишламасдан жавоб қайтаришни талаб этади. Бу даражада тузилган тестлар таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни аниқ баҳолаш имконини бермайди.

**Продуктив даражада** тузилган тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ўрганилган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш, умумий хулоса чиқариш орқали жавоб беришни талаб этади.

**Қисман-изланишли даражадаги** тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ўрганилган объектларнинг хусусиятларини бошқа объектга кўчириш, мазкур объектларни таққослаб, кейинги объектнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида хулоса чиқариш, қисман изланиш олиб боришни талаб этади. Таҳсил олувчилар томонидан мазкур даражадаги тест топшириқларига жавоб беришда аввал ўзлаштирилган билимлар янги вазиятларга кўчирилади.

**Ижодий (креатив) даражада** тузилган тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ижодий фикр юритиш кўникмаларига эга бўлиш, мазкур тест топшириқларини бажариш жараёнида таҳсил олувчилар томонидан аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллашни талаб этади.

Дастлабки репродуктив ва продуктив даражадаги тест топшириқлари ўқув фан бўйича тасдиқланган ДТС нинг минимал даражасига, қисман-изланишли ва ижодий (креатив) даражадаги тест топшириқлари ДТСнинг максимал даражасига мос тузилиши зарур.

**2. Тест топшириқларнинг табақалаштириш мезони.**

Таҳсил олувчилар томонидан қийинчилик даражаси ва мазмунан бир хил тест топшириқларни бажариш орқали олинган натижаларига мувофиқ табақалаштириш мезони уларни кучли, ўрта ва кучсиз гуруҳларга ажратиш мумкин.

Музкур табақалаштириш орқали таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидаги тиниқ камчиликлар ва бўшлиқларни аниқлаш, уларга барҳам бериш йўлларини топиш имконини беради.

**Педагогик тестлар** – бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражасини сифатли ва самарали назорат қилиш ва баҳолашга имкон берадиган топшириқлар тизими саналади.

**Топшириқлар тизими** дейилганда, муайян мавзу, боб, бўлим ёки курс мазмунини ўзида мужассамлаштирган ва тизим ҳосил қилувчи хусусиятга эга бўлган ўқитувчи томонидан танланган топшириқлар мажмуаси тушунилади.

**Тест топшириқларининг ўзига хос шакли** оддий савол-жавобдан фарқ қилиб, тест топшириғи саволлари ва жавоблари қисқа ва лўнда бўлиши билан изоҳланади.

**Тест топшириқларининг муайян мазмуни** дейилганда курс мавзулари ва уларнинг мазмунидаги назорат қилиниши лозим бўлган ўқув материаллари тушунилади.

**Тест топшириқларининг ўсиб борувчи қийинлик даражалари** тизим шаклида мужассамлаштирилган топшириқда дастлабки тестлар репродуктив, продуктив, кейингилари қисман-изланишли ва ижодий (креатив) бўлиши назарда тутилади. Тест топшириқларининг қийинлик даражаси кўрсаткичлари тизим ҳосил қилувчи, шу билан бир қаторда топшириқлар структурасини аниқловчи омил саналади.

**Тест топшириқларининг мантиқий жиҳатдан асосланганлиги** мезони ўзида савол ва топшириқларнинг мантиқий кетма-кетликда акс эттирилиши тушунилади.

Тест топшириқлари мантиқий тузилишига кўра индуктив ёки дедуктив бўлиши мумкин.

Тест топшириқларининг жавоблари мазмунга мос, қисқа фикрли, аниқ, лўнда, тўғри ва нотўғри жумлалардан иборат бўлади. Тест топшириқларидаги тўғри ва нотўғри жавобларнинг таркибидаги сўзлар бирикмаси ва сони бир хил бўлиши талаб этилади.

**Таҳсил олувчиларнинг билим даражаси** тест топшириқлари орқали назорат қилинган ва олинган натижаларни таҳлил этиш орқали уларнинг мазкур курс бўйича ДТС билан меъёрланган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлик даражаси аниқланади.

Шуни қайд этиш керакки, тест топшириқларида билимлар структурасининг кетма-кетлиги тўғри ва нотўғри жавобларнинг мантиқий йўналишда талаб даражасида берилиши лозим.

Талаб даражасида тузилган тест топшириқларининг натижалари, яъни таҳсил олувчиларнинг тўплаган баллари ва кўрсаткичлари мазкур курс бўйича

ўқув жараёнининг мақсадга мувофиқ ташкил этилганлиги, таълимнинг индивидуаллаштирилганлиги, табақалаштирилган ёндашувнинг мавжудлиги, педагогнинг педагогик маҳорати, назоратнинг ҳаққонийлигига бевосита боғлиқ бўлади.

Ўқитувчи муайян курс бўйича таҳсил олувчиларнинг шу курс бўйича ДТС билан меъёрланган билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолаш Рейтинг тизимининг жорий, оралиқ ва якуний назорат учун тест топшириқларини тузишда аввало асосий эътиборни, ДТС талабларининг қамраб олиниши, яъни мазмуни ва шаклига, тест топшириқлари ўртасида узвийлик ва изчилликка қаратиши лозим.

**Стандарт тестлар.**

Тест топшириқларига қўйиладиган асосий талаб, ҳар бир тест муайян мазмун, таркиб, яхлитлик ва структурага эга бўлиши лозим.

Шуни назарда тутган ҳолда, у топшириқ мазмуни, бажариш тартиби, қоидаси, шу топшириқни бажариш натижасида таҳсил олувчининг эгаллаши мумкин бўлган бали ва тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлиши зарур.

Тест топшириқларининг яхлитлиги у бир мавзу, боб, бўлим ёки курс мазмунини қамраб, уларни назорат қилиш имкониятига эга эканлигида кўзга ташланади.

Ҳар бир тест топшириғи яхлит топшириқнинг бир бўлаги сифатида муайян мазмунни қамраб олади ва маълум бир вазифани бажаради, шу сабабли уларнинг бирортасини олиб ташлаш билимларни аниқлаш жараёни ва сифатига бевосита таъсир кўрсатади.

Тест топшириқларининг структурасига топшириқнинг ўзаро алоқадорлигини амалга ошириш орқали эришилади. Асосан, ҳар бир тест топшириғи бир-бири билан умумий мазмун ва эришилиши назарда тутилган натижаларнинг умумий вариацияси орқали боғлиқлигини кўриш мумкин.

Стандарт педагогик тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра гомоген ва гетероген тестларга ажратилади.

Гомоген тестлар қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифатли ва самарали назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган битта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

Гетероген тестлар қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифатли ва самарали назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган бир нечта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

**Ностандарт тестлар**

Стандарт тестлар мазмуни бўйича репродуктив ва продуктив даражада, таркиби жиҳатидан тест топшириғи саволи ва тўғри ва нотўғри жавоблардан иборат бўлса, ностандарт тестлар ўзининг мазмуни, тузилиши ва қўлланиш мақсадига кўра муайян даражада фарқ қилади.

Ностандарт тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Интегратив тестлар;
2. Адаптив тестлар;
3. Мезонли-мўлжал олиш тестлари.

**Интегратив** тестлар интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, таълим муассасаси битирувчисининг тайёргарлик даражаси ҳақида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади.

**Адаптив** тестлар автоматлаштирилган, таҳсил олувчиларга нисбатан индивидуал ёндашиш имконини берадиган, топшириқ мазмуни, бажариш тартиби, қоидаси, шу топшириқни бажариш натижасида таҳсил олувчининг эгаллаши мумкин бўлган бали ва тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлади.

Адаптив тестларнинг асосий гуруҳини пирамидали адаптив тестлар ташкил этиб, қўлланиш мақсадига кўра ўртача оғирликдаги, таҳсил олувчининг танлашига кўра аралаш, топшириқлар банкидан фақат қийин даражали бўлиши мумкин.

Адаптив тестлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг модул-кредит парадигмасида муваффақиятли қўлланиши мумкин. Бунинг учун педагог битта мавзу, боб, бўлим, курс мазмуни бўйича турли қийинчилик даражадаги бир неча вариантли тест топшириқларини тузиш ва амалда қўллаш маҳоратига эга бўлиши лозим.

**Мезонли-мўлжал** олиш тестлари таҳсил олувчиларнинг умумий тайёргарлик даражаси, мазкур курснинг ўқитилиш сифати, педагогнинг педагогик маҳорати, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Мазкур тест топшириқларини тузиш учун аввало ўқув курси мазмуни ДТС асосида таҳлил этилади, билим, кўникма ва малакалар аниқланади, уларни аниқлаш учун топшириқлар мажмуаси тузилади, мазкур топшириқлар тест топшириқларига айлантирилади ва синов ўтказилади, пировард натижада таҳсил олувчиларнинг шу курсни ўзлаштириш даражаси юзасидан хулоса тайёрланади.

Мезонли-мўлжал олиш тест синовлари орқали таҳсил олувчиларнинг билимларидаги бўшлиқлар аниқланади ва уларни бартараф этиш йўллари аниқланади.

Юқорида қайд этилган ностандарт тест топшириқларини таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ фойдаланиш жараёни таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ҳаққоний ва одилона назорат қилиш ва баҳолаш имконини беради.

Ностандарт тест топшириқларини тайёрлашда мазмун ва шакл асосий ўринни эгаллайди.

Шу сабабли, тест топшириқлари мазмунини танлаш принциплари ҳақида фикр юритиш лозим.

**1-принцип. Тест топшириқлари мазмуни синов мақсадига мослиги принципи.** Мазкур принцип таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизимининг назорат турларида тест топшириқларининг мазмуни мақсадга муаофик танланишини талаб этади.

Шуни қайд этиш керакки, рейтинг тизимининг назорат турлари жорий, оралиқ ва якуний назорат топшириқлари бир-биридан нафақат дидактик мақсади, балки мазмуни ва мазмуннинг ёритилиш даражаси билан фарқ қилишини назарда тутиш лозим.

**2-принцип. Назорат ва баҳоланаётган билимларнинг муҳимлиги принципи.**

Муҳимлик принципи тест топшириғи саволларига ўқув дастуридаги энг муҳим қонун, назария, тушунча ва кўникмаларни киритишни талаб этади. Бу жараёнда иккинчи даражали маълумотлар, рақамлар ва фактик материаллар тест топшириқларига киритиш тавсия этилмайди.

**3-принцип. Мазмун ва шакл бирлиги принципи.** Мазкур принцип тест топшириқларининг мазмуни ва шакли бир-бирига мос, яхлитликни ташкил этишини талаб этади.

Тест топшириқларининг мазмунини танлашда билимларнинг турлари ва уларнинг ўзига хослигини эътиборга олиш ва мос равишда шаклни танлаш лозим.

**4-принцип. Тест топшириқларининг мазмунан тўғрилиги принципи.**

Тест топшириқларига ўқув курси мазмунидаги объектив ва ҳақиқий билимлар киритилиши мақсадга мувофиқ. Мазмундаги баҳс ва мунозарага олиб келадиган масалалар тест топшириқларига киритилмаслиги лозим. Бу ҳолат таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ҳаққоний ва одилона назорат қилиш ва баҳолаш имконини бермайди.

**5-принцип. Тест топшириқлари мазмунида ўқув курси мазмунининг қайта тақдим этилиши принципи.**

Мазкур принцип тест топшириқларини тайёрлашда ўқув курси мазмунини тўлиқ ва етарли даражада қамраб олинишини назарда тутади. Ўқув курси бўйича ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида мавзулараро, боблараро, бўлимлараро ва фанлараро боғланишларга етарли даражада эътибор қаратилган, мазмунан бу жараён ўқув материалида ўз аксини тушунчалар ўртасидаги боғланишлар шаклида топган бўлса, бунда ҳамма мавзулар бўйича эмас, балки танланган асосий мавзулар ва боблар бўйича тест топшириқлари тайёрланади.

**6-принцип. Тест топшириқлари мазмунининг фаннинг ҳозирги замон ҳолатига мослиги принципи.**

Мазкур принцип тест топшириқлари мазмунини жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий қарашлар, ҳуқуқий меъёрлар, фаннинг ўқув курси таълим мазмунига киритилган фан янгиликларига мослашни талаб этади.

Шуни қайд этиш керакки, ўқув курси мазмуни таҳсил олувчилар томонидан шу курсга оид илмий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўзига хос ва мос проекцияни ҳосил қилади.

Юқорида қайд этилган фикрлардан кўриниб турибдики, тест топшириқларининг мазмуни ҳам замонавий, ҳам таҳсил олувчилар томонидан илмий билимларни ўзлаштириш босқичларига мос бўлиши лозим.

**7-принцип. Тест топшириқлари мазмунининг мажмуали ва мувозанатлашган бўлиши принципи.**

Мазкур принцип тест топшириқлари мазмунини танлашда мақсадга мувофиқликни келтириб чиқаради, яъни рейтинг тизимининг оралиқ ва якуний назорат учун тузилаётган тест топшириқларининг мазмуни унинг тури ва қўлланишини эътиборга олинган ҳолда боб, бўлим ёки курс мазмунини тўлиқ қамраб олишини тақозо этади.

Шунингдек, якуний назорат учун тузилаётган тест топшириқлари ўзида курснинг назарий масалалари, тушунчалар, қонунлар ва қонуниятлар, гипотезалар, фактик материаллар, масала ва машқларни мужассамлаштириши лозим.

**8-принцип. Тест топшириқлари мазмунининг тизимлилиги принципи.**

Мазкур принципга асосан, тест топшириқларининг мазмунини танлашда, мазмун таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишда тизимлилик талабларига жавоб бериши лозим. Ундан ташқари тест топшириқларининг тизимли мазмуни, бир-бири билан узвий боғланган билимларнинг умумий структурасини акс эттириши зарур.

Демак, ҳар бир тест топшириғи умумий билимлар тизимидан унинг муайян қисмини назорат қилишига эътибор қаратиш лозим.

**9-принцип. Тест топшириғи мазмунининг вариативлиги принципи.**

Тест топшириғи биринчи марта амалиётга жорий этилганда, уларнинг мазмуни таҳсил олувчиларга маълум бўлиб қолади ва тест жавоблари ҳақидаги ахборотнинг четга чиқиб кетиш ҳолларининг олдини олиш учун, мазкур принцип тест саволлари ва жавобларини кўп вариантли қилиш, уларни алмаштириб, янгилаб туришни тақозо этади. Бу ҳолатда тест топшириқларининг мазмуни ва уни бажариш қийинчилик даражасини сақлаш талаб этилади.

**Тест топшириқларига қўйиладиган талаблар.**

Тест топшириқларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- тест топшириғи мазмунининг тўғрилиги;
- саволнинг мантиқий жиҳатдан тўғри танланиши;
- тест топшириғи шаклининг тўғрилиги;
- тест топшириғининг савол ва жавобнинг қисқалиги;
- тест топшириғи элементларининг тўғри жойлашганлиги;
- тест топшириғининг тўғри жавоблари бир хил баҳоланиши;
- таҳсил олувчиларга тест топшириғининг бажариш бўйича бир хил кўрсатма берилиши;
- кўрсатмаларнинг тест топшириғи ва мазмунига мослиги

Бундан ташқари тест топшириқлари Давлат тест маркази томонидан белгиланган талабларга жавоб бериши лозим.

Тест топшириқларини тузишда мазмун асосий ўринни эгаллайди, шу сабабли ўқув курси мазмунидаги билимларни аниқлаш ва уларга мос ўқув мақсадларига эришиш даражасини белгилайдиган тест топшириқларини тузиш мақсадга мувофиқ.

Профессор-ўқитувчилар ўрганиладиган мавзунинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда Блум таксономиясига асосан ўқув мақсадларини аниқлаши ва шу асосда машғулотларни ташкил этиши лозим. Ўқув мақсадларини машғулотнинг дидактик мақсадларига мувофиқ белгиланиши таълим самарадорлигини аниқлаш ва камчиликларга барҳам берилишига замин тайёрлайди.

Ўқув мақсадлари таксономияси Бенжамин Блум томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у ўз ичига билиш, тушуниш, амалиётга қўллаш, таҳлил қилиш, синтезлаш, баҳолаш кабиларни ўз ичига олади[7].

Блум таксономиясини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

| Ўқув мақсад-лари | Таърифи | Калит сўзлар | Машғулотдаги назорат тури | Рейтинг тизимидаги тест топшириғи тури |
|---|---|---|---|---|
| Билиш | Ахборотни ўзлаштириш | 1. Аниқлаш;<br>2. Таърифлаш;<br>3. Қайта ишлаш;<br>4. Айтиб бериш;<br>5. Моҳиятини тушунтириш;<br>6. Ажратиб кўрсатиш; | Тест топшириғи<br>Оғзаки жавоб<br>Кластер тузиш<br>Оғзаки жавоб<br>Оғзаки жавоб<br>Кластер тузиш | Репродуктив<br>Продуктив<br>Қисман-изланишли<br>Креатив даража |
| Тушуниш | Аҳамиятини англаш, асосий гояни ажратиб кўрсатиш | 1. Умумлаштириш;<br>2. Қайта ишлаш;<br>3. Асосий гояни қайта ишлаш;<br>4. Мисоллар келтириш;<br>5. Ҳимоя қилиш; | Кластер тузиш<br>Кластер тузиш<br>Венн диаграмма<br>Масалалар ечиш<br>Венн диаграммаси | Продуктив<br>Қисман-изланишли<br>Креатив даража |
| Амалиётга қўллаш | Ахборотни янги кутилмаган вазиятда қўллаш | 1. Мослаштириш;<br>2. Қайта ишлаш;<br>3. Лойиҳалаш;<br>4. Моделлаштириш;<br>5. Қайта айтиб бериш; | Оғзаки жавоб<br>Кластер тузиш<br>Кластер тузиш<br>Кластер тузиш<br>Оғзаки жавоб | Репродуктив<br>Продуктив<br>Қисман-изланишли<br>Креатив даража |

[7] Bloom B.S. a.o. Handbook on Formative and Summative Evaluation of Student Learning. N.-Y., McGraw-Hill. 1971 – c.232

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Таҳлил** | Ахборотни ёки объектни қисмларга ажратиш | 1. Таққослаш<br>2. Қисмларга ажратиш<br>3. Ажратиб кўрсатиш<br>4. Қиёслаш | Венн диаграммаси<br>Кластер тузиш<br>Кластер тузиш<br>Венн диаграммасини тузиш | Қисман-изланишли<br>Креатив даража |
| **Синтез** | Ғояларни мужассамлаштириш | 1.Гуруҳларга ажратиш<br>2. Умумлаштириш<br>3. Реконструкция | Кластер тузиш<br>Венн диаграммасини тузиш<br>Кластер тузиш | Қисман-изланишли<br>Креатив даража |
| **Хулосалаш** | Ўрганилган мавзу юзасидан хулоса ясаш | 1. Баҳолаш<br>2. Танқидий фикр юритиш<br>3. Фикрга қарши фикр билдириш<br>4. Қўллаб-қувватлаш<br>5.Инкор этиш | Оғзаки жавоб<br>Оғзаки жавоб<br>Оғзаки жавоб<br>Оғзаки жавоб<br>Оғзаки жавоб | Репродуктив<br>Продуктив<br>Қисман-изланишли<br>Креатив даража |

Ушбу жадвалда ўқув мақсадлари, уларнинг изоҳи, яъни билимларни мақсадга айлантиришда фойдаланиладиган феъллар, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари давомида баҳолаш турлари, ҳамда рейтинг тизими назорат турларида фойдаланиладиган топшириқлар ўз аксини топган.

Мазкур билимларни талабалар томонидан ўзлаштирилганлигини объектив ва ҳаққоний аниқлаш ва баҳолаш мақсадида тест топшириқларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Тест топшириқларини тузиш, педагогик амалиётда қўллаш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш тестология фанининг объекти саналади.

***Талабаларнинг Блум таксономияси бўйича билишга оид ўқув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқлари***

Талабаларнинг ***Блум таксономияси бўйича*** билиш ўқув мақсадига эришганлигини назорат қилишда улар томонидан муайян мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун талаба мавзу бўйича объектларни аниқлаши, уларга таъриф бериши, маълумотларни қайта ишлашлари, ўз фикрини баён этиши, муайян жараён, объект ёки воқеанинг моҳиятини тушунтиришни, мазкур жараён, объект ёки воқеанинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатишни керак бўлади.

Ушбу фикрларни стандарт ўқув ва тест топшириғи билан амалга ошириб бўлмайди, билиш ўқув мақсадига эришилганлик даражасини аниқлашда

қуйидаги **расмли ва кўп жавобли ностандарт** тестлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мазкур тест топшириқлари таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган нафақат билимларини балки объект ва унинг қисмларини таниш, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш кўникмаларини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнини ҳаққоний ва одилона амалга ошириш имконини беради.

**1. Тўқималар турларини аниқланг ва жадвалга ҳар бир расмга мос рақамларни ёзинг.**

*1) силлиқ толали мускул; 2) кўндаланг ё`лли мускул; 3) кубсимон эпителий; 4) нейрон; 5) юрак мускули; 6) суяк; 7) ясси эпителий*



| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |

**Расмли ва кўп жавобли ностандарт тест жавоби** қуйидагича бўлади.

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2 | 3 | 6 | 1 | 7 | 5 | 4 |

**2. Тўпламлар устида бажариладиган амалларни Эйлер-Венн диаграммалари орқали аниқланг ва жадвалга ҳар бир диаграмма остига амалга мос рақамни қўйинг.**

*1) тўпламлар бирлашмаси; 2) тўпламлар кесишмаси; 3) тўпламлар айирмаси; 4) тўпламларнинг симметрик айирмаси; 5) тўлдирувчи тўплам*




| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

**Жавоби:**




| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| $A\cup B$ | $A\cap B$ | $A'$ | $A\Delta B$ | $A/B$ |

**3. Расмда берилган юрак қисмларига мос рақамларни ёзинг аниқланг.**




| **Юрак қисмлари** | **Рақамлар** |
|---|---|
| *ўнг бўлмача* | |
| *ўнг қоринча* | |
| *чап бўлмача* | |
| *чап қоринча* | |
| *аорта* | |
| *юқориги ковак вена* | |
| *пастки ковак вена* | |
| *ўпка артерияси* | |
| ўпка венаси | |

Расмли ва кўп жавобли постанларт тест жавоби:




| **Юрак қисмлари** | **Рақамлар** |
|---|---|
| *ўнг бўлмача* | **8** |
| *ўнг қоринча* | **9** |
| *чап бўлмача* | **6** |
| *чап қоринча* | **7** |
| *аорта* | **1** |
| *юқориги ковак вена* | **4** |
| *пастки ковак вена* | **5** |
| *ўпка артерияси* | **2** |
| *ўпка венаси* | **3** |

**4. Тескари матрицани топиш кетма-кетлигини мос рақамларини ёзинг.**

$$\begin{pmatrix} 1 & 2 & 1 \\ 4 & 3 & -2 \\ -5 & -4 & -1 \end{pmatrix};$$

| Ҳисоблашлар | Рақамлар |
|---|---|
| Детерминант нолдан фарқли | |
| Транспонирланган матрицани тузиш | |
| Матрица элементларини алгебраик тўлдирувчиларини хисоблаш | |
| Матрица детерминантини хисоблаш | |
| Транспонирланган матрицанинг детерминантга нисбати олинади | |

Жавоби:

| | Ҳисоблашлар | Рақамлар |
|---|---|---|
| $\begin{pmatrix} 1 & 2 & 1 \\ 4 & 3 & -2 \\ -5 & -4 & -1 \end{pmatrix};$ | Транспонирланган матрицанинг детерминантга нисбати олинади | 5 |
| | Транспонирланган матрицани тузиш | 4 |
| | Матрица элементларини алгебраик тўлдирувчиларини ҳисоблаш | 3 |
| | Матрица детерминантини ҳисоблаш | 1 |
| | Детерминант нолдан фарқли | 2 |

**5. Предикатлар устида бажариладиган амалларни бажариш кетма-кетлигини мос рақамлар билан белгиланг ва жадвалга рақамларни қўйинг.**

| **Бажариладиган амаллар** | **рақамлар** |
|---|---|
| $\neg Б(x) \wedge Д(x)$ | |
| $А(x) \Leftrightarrow \neg Б(x) \wedge Д(x) \vee С(x)$ . | |
| $\neg Б(x) \wedge Д(x) \vee С(x)$ . | |
| $\neg Б(x)$ | |

**Жавоби:**

| **Бажариладиган амаллар** | **рақамлар** |
|---|---|
| $\neg Б(x) \wedge Д(x)$ | 1 |
| $А(x) \Leftrightarrow \neg Б(x) \wedge Д(x) \vee С(x)$ . | 3 |
| $\neg Б(x) \wedge Д(x) \vee С(x)$ . | 4 |
| $\neg Б(x)$ | 2 |

**6. Мусиқа белгиларини аниқланг ва жадвалга ҳар бир расм остига мос рақамларни ёзинг.**

*1) бас калити 2) скрипка калити 3)диез белгиси 4) крешендо белгиси 5) диминуендо белгиси 6)пауза белгиси 7) бемол белгиси*



| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |

Жавоби:

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2 | 7 | 6 | 1 | 5 | 3 | 4 |

**7. Расмда берилган ноталарни аниқлаб мос рақамларни ёзинг**



| Ноталар номи | Рақамлар |
|---|---|
| До | |
| Ре | |
| Ми | |
| Фа | |
| Сол | |
| Ля | |
| Си | |

**Жавоби:**



| Ноталар номи | Рақамлар |
|---|---|
| До | 1 |
| Ре | 5 |
| Ми | 4 |
| Фа | 2 |
| Сол | 3 |
| Ля | 6 |
| Си | 7 |

***Талабаларнинг Блум таксономияси бўйича тушунишга оид ўқув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқлари***

Ўқув мақсадларининг ичида тушуниш муҳим ўрин тутади. Талабалар мазкур ўқув мақсадига эришиши учун, мавзу бўйича ўрганилаётган муаммоларнинг ечимини топиш, аҳамиятини англаш, асосий ғояни ажратиб кўрсатиши лозим бўлади.

Талабаларнинг ушбу ўқув мақсадига эришганлик даражасини аниқлаш, назорат қилиш ва баҳолашда улар томонидан ўқув материалидаги фикрларни умумлаштириш, асосий ғояни қайта ишлаш, мисоллар келтириш, ўз фикрини баён этиш ва уни ҳимоя қилиш талаб этилади. Юқорида қайд этилганидек, ушбу даражаларни стандарт ўқув ва тест топшириқлари воситасида аниқлаб бўлмайди, уларни фақат кўп жавобли ностандарт тест топшириқлари ёрдамида аниқлаш тавсия этилади.

**1. Тўқималарни уларнинг хусусиятлари билан жуфтланг.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Эпителий тўқима | А | ҳужайраларида миофибрил толачалар бўлиб, улар мускул толасининг қисқариш-ёзилиш хусусиятини таъминлайди. |
| 2 | бириктирувчи тўқима | В | У одам организмининг барча тўқима ва органлари ишини бошқаради |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3 | нерв тўқимаси | С | ўзаро зич жойлашган ҳужайралардан иборат, бу тўқима ҳужайралари тез кўпайиш хусусиятига эга. |
| 4 | мускул тўқимаси | Д | бу тўқимага суяклар, қон, лимфа, тоғай ва пайлар киради. |

| Жавоб: | 1- | 2 - | 3 - | 4 - |
|---|---|---|---|---|

**Жавоби:**

| Жавоб: | 1-С | 2 -Д | 3 - В | 4 - А |
|---|---|---|---|---|

**2. Тўпламларга берилган таърифни атамалар билан жуфтланг.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Чекли тўплам | А | Ҳар қандай тўпламнинг хос қисм тўплами деб қаралмаган тўплам |
| 2 | Чексиз тўплам | Б | Биронта ҳам элементи бўлмаган тўплам |
| 3 | Бўш тўплам | С | Элементлари сони чекли бўлган тўплам |
| 4 | Универсал тўплам | Д | Элементлари сони чексиз бўлган тўплам |

| Жавоб: | 1- | 2 - | 3 - | 4 - |
|---|---|---|---|---|

Жавоби:

| Жавоб: | 1-С | 2 -Д | 3 - Б | 4 - А |
|---|---|---|---|---|

**3. Тўпламлар устида бажариладиган амалларни таърифлари билан жуфтланг.**

| № | Амалларнинг таърифи | № | Амаллар |
|---|---|---|---|
| 1 | А ва В тўпламларнинг барча умумий элементларидан ташкил топган тўплам А ва В тўпламларнинг кесишмаси дейилади | А | $A \cup B$ |
| 2 | А тўпламнинг В тўпламга кирмаган барча элементларидан тузилган тўплам А ва В тўпламларнинг айирмаси дейилади | В | $A \Delta B$ |
| 3 | А тўпламда мавжуд бўлиб, В тўпламда мавжуд бўлмаган ҳамда В тўпламда мавжуд бўлиб, А тўпламда мавжуд бўлмаган элементлардан тузилган тўплам бу тўпламларнинг симметрик айирмаси дейилади | С | $A \cap B$ |
| 4 | А ва В тўпламларнинг камида бирига тегишли бўлган барча элементлардан ташкил топган тўплам А ва В тўпламларнинг бирлашмаси дейилади | Д | A \ B |
| 5 | Агар $A \subset B$ бўлса, Б\ А тўплам А тўпламнинг Б тўпламгача тўлдирувчи тўплам дейилади | Е | = A = B \ A |

| **Жавоб:** | **1 -** | **2 -** | **3 -** | **4 -** | **5 -** |
|---|---|---|---|---|---|

**Жавоби:**

| **Жавоб:** | **1 - С;** | **2 - Д;** | **3 – В;** | **4 - А;** | **5 - Е;** | |
|---|---|---|---|---|---|---|

**4. Ноталар бўлинишини уларнинг таърифи билан жуфтланг.**

| № | Уларнинг таърифи | № | Ноталар бўлиниши |
|---|---|---|---|
| 1 | думалоқ ичи бўялган, таёқчаси бор | А | Бутун нота |
| 2 | думалоқ ичи бўялган, таёқчаси бор, бир байроқчаси бор | В | Ярим нота |
| 3 | Думалоқ ичи бўялмаган | С | Чорак нота |
| 4 | думалоқ ичи бўялган, таёқчаси бор, икки байроқчаси бор | Д | Нимчорак нота |
| 5 | Думалоқ ичи бўялмаган, бир таёқчаси бор | Е | 16 лик нота |

| Жавоб: | 1 - | 2 - | 3 - | 4 - | 5 - |
|---|---|---|---|---|---|

| Жавоб: | 1 - С | 2 - Д | 3 -А | 4 -Е | 5 -В |
|---|---|---|---|---|---|

**5. Товушларнинг юқори ва пастга ҳаракатига мос рақамларни жадвалнинг ўнг томонига ёзинг.**

1) до 3) ре 5) ми 7) фа 2) сол 4) ля 6) си

| Товушларнинг номи | жавоб рақамлар |
|---|---|
| Товушларни юқорига | |
| Товушларни пастга | |

**Жавоб:**

| Товушларнинг номи | жавоб рақамлар |
|---|---|
| Товушларни юқорига | 1 3 5 7 2 4 6 |
| Товушларни пастга | 6 4 2 7 5 3 1 |

**6. Алтерация ва динамик белгиларни ажратинг ва мос рақамларни жадвалнинг *жавоб рақамлар* қисмига ёзинг.**

*1) форте; 2) диез; 3) бемол; 4) крешендо; 5)дубл бемол; 6) пиано; 7) диминуендо; 8)дубл диез; 9)* бекар, *10) сфорсандо; 11) фортиссимо*

| белгилар тури | жавоб рақамлар |
|---|---|
| Алтарация | |
| Динамик | |

**Жавоби:**

| белгилар тури | жавоб рақамлар |
|---|---|
| Алтарация | 2, 3, 5,8, 9 |
| Динамик | 1, 4, 6, 7, 10, 11 |

**7. Берилган гаммаларга мос рақамларни жадвалнинг рақамлар қисмигага тўғри ёзинг.**

| № | Мисол | № | Мисол | Гаммалар | Рақамлар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | с-дур | 6 | е-молл | Мажор гаммалари | |
| 2 | г-дур | 7 | д-молл | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3 | а-молл | 8 | д-дур | Минор гаммалари | |
| 4 | а-дур | 9 | ф-молл | | |
| 5 | с-молл | 10 | фис-молл | | |

Жавоби:

| № | Мисол | № | Мисол | Гаммалар | Рақамлар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | с-дур | 6 | е-молл | Мажор гаммалари | 1, 2, 4, 8, 10 |
| 2 | г-дур | 7 | д-молл | | |
| 3 | а-молл | 8 | д-дур | Минор гаммалари | 3, 5, 6, 7, 9 |
| 4 | а-дур | 9 | ф-молл | | |
| 5 | с-молл | 10 | ас-дур | | |

**8. Алтерация (А), динамик (Б) белгиларни, интервал (С) номларини аниқланг ва жадвалнинг "жавоб" қисмига ёзинг.**

| | |
|---|---|
| 1. прима | 10. пиано |
| 2. секунда | 11. квинта |
| 3. диез | 12. диминуендо |
| 4. терсия | 13. дубл бемол |
| 5. форте | 14. бекар |
| 6. крешендо | 15. секста |
| 7. кварта | 16. септима |
| 8. дубл диез | 17. фортиссимо |
| 9. бемол | 18. октава |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Жавоб** | **А -** | **В -** | **С -** |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Жавоб** | **А – 3, 8, 9, 13, 14** | **В – 5, 6, 10, 12, 17** | **С – 1, 2, 4, 7, 11, 15, 16, 18** |

***Талабаларнинг Блум таксономияси бўйича билимларни амалда қўллаш ўқув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқлари***

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш принциплари ичида назария ва амалиёт бирлиги муҳим ўрин тутади, шуни ҳисобга олган ҳолда ўқув мақсадларидан талабаларнинг ўзлаштирган назарий билимларини амалиётга қўллаш имкониятини яратиш зарур. Бунинг учун ўқитувчи ўқув топшириқларини тузишда талабаларнинг ўзлаштирган назарий билимларини янги кутилмаган вазиятда қўллашини назарда тутиши лозим. Бу топшириқларни бажариш жараёнида талабалар ўқув материалини қайта ишлаши, мослаштириши, лойиҳалаши, моделлаштириши, қайта айтиб бериши талаб этилади.

Талабаларнинг ўзлаштирган назарий билимларини амалиётга қўллаш ўқув мақсадига эришиш даражасини стандарт ўқув ва тест топшириқлари воситасида аниқлаш кўзланган натижани бермайди. Шу сабабли, қуйида берилаётган кўп жавобли, жадвалли ностандарт тест топшириқларидан фойдаланиш тавсия этилади.

**1. Ҳаракатли ва ҳаракатсиз бириккан суякларга мос рақамларни жадвалнинг ўнг томонига ёзинг.**

*1) тирсак 3) тизза 5) чакка 7) кафтусти 9) панжа*
*2) пешана 4) сон-чаноқ 6) пастки жағ 8) энса 10) болдир-товон*
*11) елка 12) тепа*

| суякларнинг бирикиш тури | жавоб рақамлар |
|---|---|
| ҳаракатли | |
| ҳаракатсиз | |

Жавоби:

| суякларнинг бирикиш тури | жавоб рақамлар |
|---|---|
| ҳаракатли | 1, 3, 4, 6, 7, 9, 10, 11. |
| ҳаракатсиз | 2, 5, 8, 12. |

**2. Қуйида берилган касалликларни меъда-ичакларнинг яллиғланиш ва юқумли касалликларга ажратинг ва мос рақамларни жадвалнинг *жавоб рақамлар* қисмига ёзинг.**

*1) гастрит; 2) қорин тифи; 3) салмонеллоз; 4) энтерит; 5) вабо. 6) дизентерия; 7) колит 8) ботулизм. 9) вирусли гепатит.*

| касаллик тури | жавоб рақамлар |
|---|---|
| меъда-ичакларнинг яллиғланиш касалликлари | |
| меъда-ичакларнинг юқумли касалликлари | |

**Жавоби:**

| касаллик тури | жавоб рақамлар |
|---|---|
| меъда-ичакларнинг яллиғланиш касалликлари | 1, 4, 7 |
| меъда-ичакларнинг юқумли касалликлари | 2, 3, 5, 6, 8, 9 |

**3. Тўплам ва мулоҳазалар устида бажариладиган амалларни мос рақамларини жадвалнинг ўнг томонига ёзинг.**

*1) бирлашма 2) дизъюнкция 3) коньюнкция 4) симметрик айирма*
*5) тўлдирувчи 6) импликация 7) инкор 8) эквиваленция 9) кесишма*
*10) айирма*

| Математик тушунчалар | Жавоб рақамлари |
|---|---|
| Мулоҳазалар | |
| Тўпламлар | |

**Жавоби:**

| Математик тушунчалар | Жавоб рақамлари |
|---|---|
| Мулоҳазалар | 2, 3, 6, 7.8 |
| Тўпламлар | 1, 4, 5, 9, 10. |

4. Қуйида берилган фикрларнинг қайсилари тўғри?

А. Бутун нота думалоқ ичи бўялган ҳолда ёзилади.

В. Сол нотаси нота чизиғининг иккинчи чизиғида жойлашган

C. Пауза – дам олиш белгиси
Д. Реприза иккига саналади.
E. Форте – динамик белги
F. Иккита бир хил товуш оралиғи октава дейилади.
G. Олтита нота чизиғи бор.

**Жавоб:**

| A | B | C | Д | E | F | G |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |

**Жавоб:**

| A | Б | C | Д | Э | Ф | Г |
|---|---|---|---|---|---|---|
| йўқ | ҳа | ҳа | йўқ | ҳа | ҳа | йўқ |

**5. Тўғри жавобларни аникланг. Жавоблар жадвалига "ҳа" ёки "йўқ" сўзларини ёзинг.**

| | |
|---|---|
| 1. Прима | 8. Кичик |
| 2. Терсия | 9. Биринчи |
| 3. Катта | 10. Иккинчи |
| 4. Субконтр | 11. Реприза |
| 5. Пауза | 12. Волта |
| 6. Контр | 13. Учинчи |
| 7. Аккорд | 14. Тўртинчи |

**Жавоб:**

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | | | |

**Жавоб.**

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Йўқ | Йўқ | ҳа | ҳа | Йўқ | ҳа | Йўқ | ҳа | ҳа | ҳа | Йўқ | Йўқ | ҳа | ҳа |

***Талабаларнинг Блум таксономияси бўйича таҳлилга оид ўқув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқлари***

Билимларни ўзлаштиришда таҳлил муҳим ўрин тутади. таҳлил ўқув мақсадига эришиш учун талабалар ахборотни ёки объектни қисмларга ажратиши, таққослаши, қисмларга ажратиши, ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиши, қиёслаши зарур бўлади. Мазкур ўқув мақсадига эришиш даражасини аниқлаш, назорат қилиш ва баҳолашда қуйидаги кўп жавобли ностандарт тестлардан фойдаланиш тавсия этилади.

1. Қуйида берилаган фикрларнинг қайсилари тўғри?
A. Одам бош скелетида мия қисми юз қисмига нисбатан катта.
B. Ҳайвонлар бош скелетининг юз қисми мия қисмига нисбатан яхши ривожланган.
C. Одам бош скелетининг юз қисми мия қисмига нисбатан яхши ривожланган.
Д. Мураккаб ва нозик кўп ҳаракатларни бажаришда, айниқса, кўл бош бармоғининг роли ниҳоятда катта.

E. Мураккаб ва нозик қўл ҳаракатларини бажаришда, айниқса, қўл кўрсаткич бармоқнинг роли ниҳоятда катта.

F. Одамнинг тик юриши унинг чаноқ суяклари ва чаноқ бўшлиғининг катталашувига сабаб бўлган.

G. Ҳайвонларнинг орқа оёқ суяклари одамнинг оёқларига нисбатан кучли ривожланган бўлишига олиб келди.

**Жавоб:** ____________________________________________

**Жавоб:** А, В, Д, F.

**2. Катта қон айланиш доирасида қон қандай органлар орқали ўтиш кетма - кетлигини ифодалаган ҳолда тегишли рақамларни катакларга ёзинг.**

*1) аорта қон томири; 2) юқориги ва пастки ковак веналар; 3) ўнг бўлмача; 4) йирик, ўрта ва майда артерия томирлари; 5) веналар; 6) тўқима ва органлар; 7) юракнинг чап қоринчаси;*

☐ → ☐ → ☐ → ☐ → ☐ → ☐ → ☐

**Жавоби**

7 → 1 → 4 → 6 → 5 → 2 → 3

**3. Кичик қон айланиш доирасида қон қандай органлар орқали ўтишини схемада ифодаланг.**

*1) ўпка артерияси; 2) ўпка алвеолалари; 3) юракнинг чап бўлмачаси; 4) юракнинг ўнг қоринчаси; 5) ўнг ва чап ўпка артериялари; 6) 4 та ўпка веналари;*

**Жавоб:**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |

**Жавоб:**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4 | 1 | 5 | 2 | 6 | 3 |

**4. Қуйида берилганлар акслантиришми ёки акслантириш эмаслигини жадвалга рақамлари орқали ёзинг.**

1) $\varphi: Z \to \{0\}$;

2) $\varphi: N/\{1\} \to P$; (*P-туб сонлар тўплами, $\varphi(n)-n$ нинг энг кичик туб бўлувчиси;*

3) $\{(x^2; x)/x \in Z\}$;

4) $\{(x;y)/x \in N$ ва x сон y сонни бўлади$\}$

5) $x \in R$ бўлганда $\varphi(x) = |x|$; $\varphi: R \to R$

6) $f(x) = e^x$; $f: R \to R^+$

| Математик тушунча | Жавоб рақамлари |
|---|---|
| Акслантириш | |
| Акслантириш эмас | |
| Инъектив акслантириш | |
| Субъектив акслантириш | |

Жавоби:

| Математик тушунча | Жавоб ракамлари |
|---|---|
| Акслантириш | 1, 2 |
| Акслантириш эмас | 3, 4 |
| Инъектив акслантириш | 5. |
| Суръектив акслантириш | 6. |

**5. Қуйида берилган фикрларнинг қайсилари тўғри?**

А. Бинар муносабат турлари: инъектив, биектив, суръектив.

Б. А тўпламнинг исталган $x$ элементи учун $xPx$ муносабат ўринли бўлса, $P$ муносабат рефлексив муносабат бўлади.

С. Ҳар қандай мусбат рационал сон бирор кесманинг узунлигини ифодалайди.

Д. Натурал соннинг 9 га бўлиниши учун шу соннинг 3 га бўлиниши зарур ва етарлидир.

Э. Натурал сонлар тўпламида аниқланган "$a$ дан бевосита кейин келади " муносабати бир ўринли алгебраик амалдир.

Ф. Теоремаларни исботлашнинг 4 та асосий усули мавжуд.

Г. 5 – туб ва мураккаб сон.

**Жавоб:** ___________ **Жавоб:В, С, Е, Ф**_________

**6. Тушириб колдирилган сўзларни ёзинг.**

1) Артериал кон босимининг нормага нисбатан ортиши ___________дейилади.

2) Артериал кон босимининг нормага нисбатан пасайиши _________дейилади.

**6. Тушириб колдирилган сўзларни ёзинг. (Жавоби)**

1) Артериал қон босимининг нормага нисбатан ортиши ***гипертония*** дейилади.

2) Артериал қон босимининг нормага нисбатан пасайиши ***гипотония*** дейилади.

### *Талабаларнинг Блум таксономияси бўйича билимларни синтезлаш ўқув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқлари*

Ўқув мақсадлари ичида билимларни синтезлаш муҳим ўрин тутади. Синтезлаш ўқув мақсадининг асосий моҳияти талабалар томонидан курс ёки мавзу мазмунидаги асосий ғояларни мужассамлаштириш, жараён ва объектларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратиш, ёки умумлаштириш, реконструкция қилиш саналади. Талабалар томонидан амалга оширилиши керак бўлган мазкур ақлий операцияларни стандарт ўқув ва тест топшириқлари воситасида назорат қилиш ва баҳолаш имконияти мавжуд эмас. Шу сабабли қуйида берилаётган кўп жавобли ностандарт тестлардан фойдаланиш тавсия этилади.

1. **Чизиқли тенгламалар системасини (ЧТС) Гаусс усулида ечиш амалларини кетма-кетлигини белгиланг.**

1. Чизиқли тенгламалар системасидан детерминант тузиб олинади.

2 Чизиқли тенгламалар системасида ихтиёрий биринчи коэффициенти 1 га тенг бўлган тенглама танлаб олинади.
3. Тузиб олинган детерминант хисобланади.
4. Танлаб олинган тенгламадан фойдаланиб, бошқа тенгламалардаги 1-номаълум йўқотилади
5. Кейинги босқичда 2-тенгламадан фойдаланиб, бошқа тенгламалардаги 2-номаълум йўқотилади.
6. Детерминантнинг 2 тартибли минорлари хисобланади.
7. Бу жараён тенгламалардаги номаълумларни йўқотиш маълум бир қадамга етгач, уларнинг ёки учбурчак, ёки трапеция кўринишидалиги аниқланади.
8. Топилган детерминантнинг жавоби билан минорлар кўпайтирилиб қўшилади.
9. Агар чизиқли тенгламалар системаси учбурчак шаклга келса, ягона ечим, трапеция шаклига келса чексиз кўп ечимга эгалиги аникланади.

Жавоби: 2, 4, 5, 7, 9

***Талабаларнинг хулоса ясашга оид ўқув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқлари***

Ўкув мақсадлари ичида хулоса ясаш якунловчи ва тизим ҳосил қилиш вазифасини бажаради. Хулоса ясаш ўкув мақсадининг асосий моҳияти талабалар томонидан ўрганилган курс ёки мавзу юзасидан хулоса ясаш саналади. Бу жараёнда талабалар томонидан таълим мазмунидаги маълумотларга баҳо бериши, танқидий фикр юритиш кўникмаларини қўллаб фикрга қарши фикр билдириши, қўллаб-қувватлаши ёки инкор этиши талаб этилади.

Мазкур жараёнда ностандарт кўп жавобли тест топшириқларидан фойдаланиш юқори самара беради.

**1. Қуйида берилаган фикрларнинг қайсилари тўғри? Жавоблар жадвалига “ҳа” ёки “йўқ” сўзларини ёзинг.**

А. Одам бош скелетида мия қисми юз қисмига нисбатан катта.

В. Ҳайвонлар бош скелетининг юз қисми мия қисмига нисбатан яхши ривожланган.

С. Одам бош скелетининг юз қисми мия қисмига нисбатан яхши ривожланган.

Д. Мураккаб ва нозик қўл ҳаракатларни бажаришда, айниқса, қўл бош бармоғининг роли ниҳоятда катта.

Е. Мураккаб ва нозик қўл ҳаракатларни бажаришда, айниқса, қўл кўрсаткич бармоғининг роли ниҳоятда катта.

F. Одамнинг тик юриши унинг чаноқ суяклари ва чаноқ бўғимлигининг катталашувига сабаб бўлган.

G. Ҳайвонларнинг орқа оёқ суяклари одамнинг оёқларига нисбатан кучли ривожланган бўлишига олиб келди.

**Жавоб:**

| A | B | C | Д | E | F | G |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ха | ҳа | йўқ | ҳа | йўқ | ҳа | йўқ |

**2. Тўғри фикрларни аниқланг. Жавоблар жадвалига "ҳа" ёки "йўқ" сўзларини ёзинг. Сунъий нафас олдириладиган киши:**

1. Текис жойга чалқанча ётқизилади.
2. Боши тагига ёстиқ қўйилади.
3. Елкаси тагига ёстиқ қўйилади.
4. Беморнинг оғзига икки қават бинт ёпилади.
5. Бир минутда 12-15 марта, ҳар 4-5 секундда оғзига пуфланади.
6. Бир минутда 20-30 марта, ҳар 2-3 секундда оғзига пуфланади.
7. Агар беморнинг юраги ишлаб турган бўлса, то унинг ўзи нафас ола бошлагунча сунъий нафас олдириш давом эттирилади.
8. Беморнинг лаби яра, тишлари қонаган бўлса, у оғиздан бурунга усулида сунъий нафас олдирилади.
9. Беморнинг лаби яра ва тишлари қонаган бўлса у оғиздан оғизга усулида сунъий нафас олдирилади.

**Жавоб:**

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | |

**Тест топшириғининг жавоби қуйидагича:**

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ҳа | йўқ | ҳа | ҳа | ҳа | йўқ | ҳа | ҳа | йўқ |

**3. Қуйидаги бериладиган фикрларнинг қайсилари тўғри бўлса "ҳа", нотўғри бўлса "йўқ" сўзларини қўйинг.**

А. Элементар алмаштиришлар матрица рангини ўзгартирмайди.
Б. Марицаларни кўпайтиришда коммутативлик хоссаси ўринли.
С. Барча жуфт натурал сонлар тўплами чекли тўпламдир.
Д. Матрица элементларининг горизонтал қаторлари унинг сатрлари, вертикал қаторлари эса унинг устунлари дейилади.
Э. Тоқ ўрнига қўйишлар тўплами группа эмас, чунки бирлик ўрнига қўйиш тоқ эмас.
Ф. Битта транспозиция натижасида ўрин алмаштиришнинг жуфт-тоқлиги ўзгармайди.
Г. Бирлик ўрнига қўйишлар яна жуфт ўрнига қўйиш бўлади.

Жавоб:

| A | B | C | Д | E | F | G |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |

Жавоб:

| A | B | C | Д | E | F | G |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ҳа | йўқ | йўқ | ҳа | ҳа | йўқ | ҳа |

Таълим-тарбия жараёнида Блум таксономиясига биноан ўқув мақсадларининг аниқланиши, талабаларнинг ўқув мақсадларига эришиш даражасини

назорат қилиш ва баҳолашда ностандарт тест топшириқларидан фойдаланиш, назоратнинг ҳаққонийлиги, кенг қамровлилигини таъминлайди.

Билим – нарса ва ходисаларнинг муҳим белги ва хусусиятлари, жараёнлар ва улар ўртасидаги боғланишлар тўғрисида фан томонидан аниқланган тушунчалардан таркиб топади.

Демак билим – тушунчалар тизимидан иборат бўлиб, тушунчаларни шакллантириш муаммоси етакчи ўринга чиқади.

Педагогик ўлчовни амалга ошириш мақсадида билимлар қуйидаги 4 та асосий соҳаларга ажратилади:

1. Дунёни англаш ҳақидаги билимлар;
2. Инсон ва инсоният ҳақидаги билимлар;
3. Ўз-ўзини англаш ҳақидаги билимлар;
4. Фаолият усуллари ҳақидаги билимлар.

Ҳар бир соҳани табиий-илмий ва гуманитар билимлар соҳасига ажратиш лозим.

Табиий-илмий ва гуманитар билим соҳалари йўналишлар бўйича назарий ва амалий билимларга ажратилади.

Педагогик амалиётда ўқув курси бўйича бериладиган таълим мазмунини тест топшириқлари воситасида назорат қилиш ва баҳолаш учун 3 турга ажратилади:

1. Тақдим этиладиган билимлар (ўқув қўлланма ва дарслик мазмуни).
2. Таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар;
3. Назорат қилиш ва баҳолашга имкон берадиган билимлар;
4. Меъёрий билимлар.

С. Блум ва унинг шогирди Р.Н. Гагне томонидан билимларнинг таснифи ишлаб чиқилган. Мазкур таснифга ижодий ёндашилган ҳолда билим турларининг мазмун-моҳияти ва уларни аниқлашда фойдаланиладиган тест топшириқларининг қийинлик даражалари белгиланди.

**БИЛИМЛАРНИНГ ТУРЛАРИ**

| № | **БИЛИМЛАРНИНГ ТУРЛАРИ** | **МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ** | **ТЕСТ ТОПШИРИҒИНИНГ ҚИЙИНЛИК ДАРАЖАСИ** |
|---|---|---|---|
| 1. | Ном ва исмлар ҳақидаги билимлар | Ўқув курси мазмунидаги буюк шахсларнинг исмлари, манба, жойлар предмет ва жисмларнинг аниқ номлари | Репродуктив даража |
| 2. | Ном ва исмларнинг мазмуни ҳақидаги билимлар | Ўқув курси мазмунидаги буюк шахсларнинг исмлари, манба, жойлар предмет ва жисмларнинг аниқ номларининг маъносини англаш | Репродуктив даража |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3. | Фактик билимлар | Фактик билимлар ўқув курси мазмунидаги назарияни бойитиш ва тўлдириш мақсадида берилади. | Репродуктив даража |
| 4. | Таърифлар | Таърифларни ёдлаш эмас, балки унинг мазмун-моҳиятини англаш, назарий тайёргарлик даражасини аниқлаш учун зарур | Продуктив даража |
| 5. | Таққослаш ва қиёслашга доир билимлар | Ўқув курси мазмунига биноан, объектларни таққослаш, ўхшашлик ва фарқли томонларни аниқлаш, умумлаштириш орқали оптимал вариантни танлаш | Продуктив даража<br>Қисман-изланишли |
| 6. | Бир-бирини инкор этиш ва зиддиятли билимлар | Ўқув курси мазмунидаги муайян ғоя ва гипотезаларнинг инкор этилиши, зиддиятларни бартараф этиб, умумий хулоса ясаш имконини беради | Продуктив даража<br>Қисман-изланишли<br>Креатив даража |
| 7. | Ассоциатив билимлар | Муаммоли вазиятларни ҳал этиш орқали ижодий фикр юритиш, ижодий фаолият тажрибаларини эгаллаш | Қисман-изланишли<br>Креатив даража |
| 8. | Классификацияга доир билимлар | Мазкур билимлар умумлашган, тизимли билимларни эгаллаш имконини беради. Тизимли билимлар ўқув курсининг асосий тушунчалари ва қонуниятларини тўғри талқин қилиш имконини беради. | Продуктив даража<br>Қисман-изланишли<br>Креатив даража |
| 9. | Сабаб-оқибат муносабатлари ҳақидаги билимлар | Таҳсил олувчилар томонидан воқеа ва ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари,оқибатлари ҳақида фикр юритиш имконини беради. | Продуктив даража<br>Қисман-изланишли<br>Креатив даража |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 10. | Жараён, алгоритмик билимлар | Кўникма ва малакаларни аниқлаш имконини беради. | Продуктив даража<br>Қисман-изланишли |
| 11. | Технологик билимлар | Ишлаб чиқариш, педагогик жараёнларни техноло-гиялаштиришга оид билимлар ва алгоритмларни аниқлаш имконини беради. | Продуктив даража<br>Қисман-изланишли<br>Креатив даража |
| 12. | Эҳтимолликка асосланган билимлар | Ўқув курси мазмунидаги гипотеза ва назарияларни исботлаш орқали ижодий фикр юритиш, ижодий фаолият тажрибаларини эгаллаш | Продуктив даража<br>Қисман-изланишли<br>Креатив даража |
| 13. | Абстракт билимлар | Идеаллаштирилган ёки муайян даражада қабул қилинган тушунчалар ва объектлар ҳақидаги билимлар | Продуктив даража<br>Қисман-изланишли<br>Креатив даража |
| 14. | Методологик билимлар | Билимларни ўзлаштириш жараёни, фаолиятни самарали ташкил этиш, атроф-муҳит ва ижтимоий шароитни ўзгартириш методлари ҳақидаги билимлар | Репродуктив<br>Продуктив<br>Қисман-изланишли<br>Креатив даража |

## ТЕСТОЛОГИЯ ФАНИ АТАМАЛАРИНИНГ ИЗОҲЛАРИ

**Тест топшириғи** – ўқув курсини ўқитишдан кўзда тутилган ўқув мақсадлари асосида муайян кўринишда шакллантирилган, таҳсил олувчилар учун бир хил шароитда ўтказиладиган, амалиётга жорий этиш натижасини сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил ва тавсиф қилиш имконини берадиган, синалувчининг ўқув курсини ўзлаштирганлик даражаси тўғрисида аниқ хулоса чиқариш имконини берадиган дидактик восита.

**Адаптив тест** – таҳсил олувчиларнинг ўқув курслари бўйича ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини компьютерда ўтказишга мўлжалланган тест топшириқлари бўлиб, уларга тавофутлаб ёндашиш имконини беради. Ушбу жараённи амалга ошириш учун ўқитувчи ўқув курси материаллари бўйича қийинчилик даражаси турлича бўлган тест топшириқлари банкини яратиши, уни компьютер хотирасига жойлаштириши лозим. Тест топшириқлари синови жараёнида тестлар экранда кетма-кет намоён бўлиб, дастлаб репродуктив,

продуктив, таҳсил олувчиларнинг тайёргарлик даражасига мувофик (стандарт талаблари назарда тутилмокда), қийинчилик даражаси кисман-изланиш ва креатив бўлган топшириқлар берилади. Ушбу тест топшириғи таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда маълум аниқликдаги натижани беради.

**Тест топшириғининг альтернатив шакллари** – ўқув курси бўйича таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниклаш мақсадида турли (очиқ, ёпиқ) шаклда, қийинчилик даражаси ортиб борувчи тест топшириқлари вариантлари ҳисобланади. Агар альтернатив шакллари валидлиги юқори бўлса, тест синовидан олинган натижалар тест топшириқларининг қайси вариантидан фойдаланишга боғлик бўлмайди. Укитувчи тест топшириқларининг вариантларини шакллантиришда уларнинг миқдор ва мазмун жиҳатдан тенг қийматли бўлишига эътибор қаратиши зарур.

**Тест топшириқларини апробациядан ўтказиш** - ўқув курси бўйича таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниклаш мақсадида тузилган тест топшириқлари амалиётга қўллашдан олдин муайян гуруҳларда апробациядан ўтказиш, уларни амалиётда қўллаш учун зарурий шарт саналади. Апробация олинган натижалар миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилиниши, таҳсил олувчилар томонидан йўл қўйилган типик камчиликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгилаш, мабодо тест топшириқларининг жавобларида хатоликлар бўлса, уларни бартараф этиш имкониятини беради.

**Ўқув курси бўйича маълумотлар базасини шакллантириш** – ўқитувчи ўзи ўқитадиган курс бўйича боблар ва мавзулар юзасидан аввал саволлар тўплами ва уларнинг жавоблари, кейин савол ва жавобларни боб ва мавзулар бўйича рақамлаб чиқиши, ушбу рақамлар асосида тест топшириғи ва уларнинг паспортини шакллантириши лозим. Ушбу материаллар мажмуаси маълумотлар базасини ташкил этиб ва ўқув курси бўйича ишлаб чиқилган ўқув-методик мажмуанинг асосий таркибий қисми саналади. Укитувчи маълумотлар базасидан ўрин олган тест топшириқларини саралаб, уларни жорий, оралиқ ва якуний назоратда фойдаланиш мақсадида гуруҳлайди.

**Ўқув курси бўйича тест топшириқлари банки** – битта ўқув курси бўйича турли муаллифлар томонидан шакллантирилган тест топшириқлари ўқув мақсадларга мувофиқ, умумий тартибга солинган, апробациядан ўтказилган, қийинчилик даражаси турлича бўлган тест топшириқлари мажмуаси бўлиб, таҳсил олувчиларнинг тайёргарлик даражасини объектив назорат қилиш ва аниқлаш имконини берадиган дидактик восита.

**Тест топшириғининг валидлиги** – таълим-тарбия жараёнидаги ўқув мақсадлари асосида тузилган тест топшириғи шу мақсадни ҳаққоний аниқлай олиши, тестни амалиётга жорий этиш орқали олинган натижаларнинг ишончлилигини белгиловчи тавсиф, яъни тест топшириғи мазмуни ва шакли жиҳатдан тестни ўтказиш мақсадлари ва синалаётган ўқув материали мазмунига мувофиқ келиши тушунилади. Шуни қайд этиш керакки, таҳсил олувчилар томонидан тест топшириқларини муваффақиятли бажарилиши, уларнинг муайян ўқув материалини талаб даражасида ўзлаштирганлик

эҳтимоли юқори эканлигидан далолат бериши лозим. Тест топшириғининг валидлиги юқори бўлса, тест синовидан олинган натижалар асосли ва уларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Тест топшириғининг конструктив валидлиги** – таълим-тарбия жараёнидаги ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини ўлчайдиган, аниқлайдиган хусусиятларнинг реаллиги ва назарий жиҳатдан тушунилиши мумкин бўлган ишончлилик кўрсаткичи.

**Тестологиянинг ривожланиш тарихи** – республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, таълим ижтимоий соҳадаги устувор йўналиш эканлиги қайд этилиб, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини орттириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Шулардан бири, олий таълим муассасаларига талабаларни тест синови орқали қабул қилишни йўлга қўйилиши саналади. Дастлаб жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг бу соҳадаги илғор тажрибалари ўрганилди ва 1992-93 ўқув йилида мамлакатимизнинг 19 та олий таълим муассасаларига қабул тажриба сифатида тест синовлари асосида қабул қилинди. Мазкур жараённинг самарадорлиги юқори бўлганлигини эътироф этган ҳолда 1993/94 ўқув йилида ушбу тажриба барча олий таълим муассасаларида жорий этилди.

1996/97 ўқув йилидан бошлаб кўп вариантли тест топшириқлари жорий этилди ва ушбу жараённинг самарадорлигига эришилди.

Тестологиянинг ривожланишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази муносиб ҳисса қўшган.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларига талабаларни тест синови орқали қабул қилишни индивидуал тарзда, яъни ҳар бир абитуриент учун алоҳида тест китобчаларининг тавсия этилиши, олинган натижаларнинг сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил этилиши, асосли хулосалар чиқарилиши, ҳар бир ўқув фани бўйича қийин ўзлаштириладиган мавзуларнинг аниқланиши, узлуксиз таълим тизимининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва умумий ўрта таълим мактабларидаги ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш имкониятини яратди.

Тестологиянинг принциплари ва методлари ҳозирги кунда педагогика, тиббиёт, техника, менеджмент соҳаларида ҳам муваффақиятли қўлланиб келинмоқда.

Тестологияни қўллашда умумий хусусиятлар: тестлар тузиш методикаси, самарадорлик, вариативлик, валидлик, ишончлилик билан бир қаторда ҳар бир фан соҳасининг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, фаннинг таълим мазмуни, тестларнинг мантиқий тузилиши, тест топшириқларини тузиш методикаси, тест синовининг ўтказилиш мақсади, касбий ва умумтаълим билимларни назорат қилиш ва баҳолаш тартиби ва ўлчови ҳам эътиборга олиниши лозим.

Ҳозирги замон тестология фани амалий фан бўлиб, тадқиқотчилар олдига назарий муаммолар, математик ёндашувлар, модел ва методларни тавсия этмоқда.

Тест методининг қуйидаги афзалликлари унинг кенг тарқалиши, ривожланиши ва такомиллашувига:

- тест топшириқлари тадқиқот мақсадига мувофиқ респондентларнинг билим, кўникма ва малакаларига аниқ баҳо бериш имконини беради;
- ижтимоий сўровларда иштирок этган кўпсонли респондентларнинг фикр ва мулоҳазаларини аниқлаш ва умумлаштириш имконияти мавжуд;
- таҳсил олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ва баҳолаш жараёни объектив амалга оширилади, баҳоловчи томонидан субъективизмга йўл қўйиш олдини олади.
- турли гурух респондентларидан олинган маълумотларни қиёсий-статистик таҳлилини ўтказишга имкон яратиши кабилар замин тайёрлади.

Тест топшириқларини ялпи жорий этишдан аввал, танланган мақсадли гурухда синовдан ўтказиш, олинган натижалар ва баҳолашнинг объективлиги таҳлил қилиниши лозим.

Шуни қайд этиш керакки, тест топшириқларида билимлар структурасининг кетма-кетлиги тўғри ва нотўғри жавобларнинг мантиқий йўналишда талаб даражасида берилиши лозим.

Талаб даражасида тузилган тест топшириқларининг натижалари, яъни таҳсил олувчиларнинг тўплаган баллари ва кўрсаткичлари мазкур курс бўйича ўқув жараёнининг мақсадга мувофиқ ташкил этилганлиги, таълимнинг индивидуаллаштирилганлиги, табақалаштирилган ёндашувнинг мавжудлиги, педагогнинг педагогик маҳорати, назоратнинг ҳаққонийлиги ва машғулотлар давомида қўлланилган инновацион технологияларга бевосита боғлиқ бўлади.

Ўқитувчи муайян курс бўйича таҳсил олувчиларнинг шу курс бўйича ДТС билан меъёрланган билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизимининг жорий, оралиқ ва якуний назорат учун тест топшириқларини тузишда аввало асосий эътиборни, ДТС мазмунини қамраб олинишин, яъни мазмуни ва шаклига, тест топшириқлари ўртасида узвийлик ва изчилликка қаратиши лозим.

**1-амалий машғулот:**

## Мавзу: ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛИ ВА КВАЛИМЕТРИК ДИАГНОСТИКАСИ

**1-модул. Олий таълим муассаси профессор-ўқитувчисининг замонавий модели ва профессиограммасини таҳлил қилиш**

Узлуксиз таълим тизимида педагогик фаолият юритаётган ўқитувчи, шу жумладан, олий таълим муассасасида ишлаётган профессор-ўқитувчининг шахси табиий уникал система бўлиб, унинг шахсий ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги замон профессор-ўқитувчисининг моделини лойиҳалаштириш мушкул.

Шунга қарамасдан, профессор - ўқитувчининг моделини умумий ва ягона ҳолда тузиш, шу билан бир қаторда, ҳар шахснинг ўз хусусиятларини ривожлантириши, ўзига хослигини сақлаб қолиши, ўз қизиқишларига мувофиқ ҳолда илгарига интилишига имкон бериш зарур.

Мутахассис модели – аниқ бир касб бўйича мутахассиснинг умумлашган образли тузилмаси бўлиб, у муайян таркибий қисмлардан иборат бўлади. Узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, мазмунан янгилашнинг илмий-назарий асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури буюртмалари, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчалари ва тамойиллари ўқитувчиларнинг умумий, касбий, илмий-назарий, педагогик-психологик, илмий-методик тайёргарлик даражасини замон талабларига мос бўлишини тақозо этади.

Шуни эътиборга олган ҳолда узлуксиз таълим тизими учун профессор - ўқитувчисининг моделини тузишга ҳаракат қилинди.

Ушбу моделни тузиш учун Республикамизда мавжуд меъёрий ҳужжатлардаги ўқитувчиларнинг умумлашган модели таҳлил қилинди. Жумладан, муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланган «Ўзбекистон Республикасида кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ва 1999-2005 йилларга мўлжалланган истиқболли режалар» тўпламида педагогнинг умумлашган модели берилган[8].

Модел асосини педагогга қўйиладиган талаблар ташкил этиб, у ўзида шахс фазилатлари, ўқита олиш, тарбиялай олиш ва таълим олувчилар билимларини адолатли баҳолай олиш ва назорат қила олиш каби таркибий қисмларни мужассамлаштирган.

Педагог шахсининг фазилатларига талабчанлик, виждонлилик, ҳазил-мутойиба ҳисси, обрў, хайрихоҳлик, адолатлилик киритилган. Буларнинг ичида обрў шахс фазилати эмас, балки шахснинг фазилатлари туфайли эришиладиган мавқеи саналади.

Бизнинг назаримизда, ўқитувчининг педагогик фаолиятига ёрдам берадиган фазилатларига илмга чанқоқлик, киришимлилик, камтаринлик,

---

[8] Ўзбекистон Республикасида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ва 1999-2005 йилларга мўлжалланган истиқболли режалар. 1-қисм. – Тузувчилар С.С. Ғуломов ва бошқалар. Тошкент – 1999.

меҳнатсеварлик, интизомлилик, фидойилик, меҳрибонлик, бағрикенглик, оламохунлик, хушмуомалалилик ва ҳ.к киритиш мақсадга мувофиқ эди.

Юқорида қайд этилган моделнинг тарбиялай олиш қисмига юксак маънавиятли, педагогик маданият ва маърифатли, шахсий одоб намунаси, нуфузи, ватанпарварлик ва бурч ҳислари, гуманитар ва гуманистик тайёргарлик, ўқув-тарбиявий ишларнинг ташкили киритилган. Мазкур талабларни шакллантиришда узлуксиз таълим тизими олдидаги давлат ва ижтимоий буюртмалар ҳисобга олиниши ва аниқ белгиланиши керак эди.

Моделнинг ўқита олиш таркибий қисмига қўллаб-қувватлаш ва ўқув жараёни муҳити, психологик-педагогик тайёргарлик, чет тилларни билиши, фанни чуқур билиш, касбий лаёқатлилик, билимдонлик, янги педагогик технологияларга эга бўлиш, илмий-услубий иш, илмий-тадқиқот иши, ўз ишини доимий такомиллаштиришга интилиш, меъёрий ҳужжатларни билиш, компьютер технологиясига эга бўлиш, ахборот база ва ресурслар киритилган. Бизнинг назаримизда, бу гуруҳдаги талаблар ўқитувчининг илмий-назарий, илмий-методик тайёргарлигига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиши лозим эди.

Ўқитувчининг умумлаштирилган моделида педагогнинг ўқита олиш ва тарбиялай олиш функцияларининг ажратилиши илмий асосланмаган, чунки бу икки функция ягона таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади, шунингдек, ўқитишнинг таълим-тарбиянинг узвийлиги принципига зид ҳолатдир. Шу билан бир қаторда мазкур модел таҳрир талаб, ундаги талабларни аниқлаштириш лозим.

Моделнинг таълим олувчилар билимларини адолатли баҳолай олиш ва назорат қила олиш таркибий қисмига талабаларнинг билимларини рейтинг-назоратини билиш ва қўллай олиш, стандартланган тестларни ишлаб чиқиш ва қўллай олиш киритилган.

Шуни қайд этиш керакки, таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнидан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва мазкур жараённинг боришига тегишли ўзгартиришлар киритиш таълим-тарбия жараёнининг ажралмас ва энг муҳим зарурий қисми саналади. Маълумки, педагогнинг ушбу тайёргарлигини унинг илмий-методик тайёргарлигидан ажратиш мумкин эмас.

Республикамизда биринчи марта тайёрланган педагогларнинг умумлаштирилган моделининг таҳлили, унинг бугунги кун талабига жавоб бермаслиги, унда узлуксиз таълим тизими олдига қўйилган талаблар ўз аксини топмаганлиги, таҳрир талаблиги, баъзи қисмларни аниқлаштириш, шунингдек, ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятидаги асосий масалаларни киритиш ва илмий-педагогик нуқтаи назаридан қайта ишлаш лозимлигини кўрсатди.

Бугунги кун талабини ҳисобга олган ҳолда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида ҳар бир фан ўқитувчиси, шу жумладан, профессор-ўқитувчисининг педагогик фаолиятидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда замонавий модели ва унга мос ҳолда профессиограммасини хусусий методик даражада тузиш зарур.

Педагогнинг модели 3-жадвалда берилмоқда.

Мазкур моделнинг асосини педагог ташкил қилиб, у шахс сифатида:

- юксак маънавиятли ва маданиятли;
- узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш учун истиқбол вазифаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир;
- ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола оладиган;
- ўзида миллий истиқлол мафкураси ва ғояларини сингдирган;
- жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган;

Юқори малакали рақобатбардош педагог кадр сифатида:

- ижодий ва ижтимоий фаол;
- ғоявий ва маънавий-ахлоқий етук бўлиши;
- юқори даражадаги илмий-назарий, педагогик-психологик, илмий-методик тайёргарлик орқали юксак касб-ҳунар маданиятига эга бўлиши назарда тутилди.

Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги таҳлил қилинганда, унинг илмий-назарий, психологo - педагогик, методик тайёргарлиги назарда тутилди.

Педагог кадрларнинг моделини тузишда қуйидагилар концептуал асос сифатида қабул қилинди[9]:

1. Педагог юқори даражадаги илмий-назарий, психолого-педагогик ва илмий-методик тайёргарлик орқали юксак касб - ҳунар маданиятига эга бўлади;

2. Педагогни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида уларнинг касбий тайёргарлигини орттиришда илмий-назарий, психолого - педагогик таркибий қисмлар билан узвий равишда илмий-методик тайёргарликни амалга ошириш зарур;

3. Ўқитувчининг педагогика олий таълим муассасаларида ўзлаштирган барча билим, кўникма ва малакалари педагогик фаолиятда хусусий методик даражада, яъни муайян фанни ўқитиш жараёнида қўлланилади. Шу боис ўқитувчининг касбий тайёргарлигининг таркибий қисмлари ичида илмий-методик тайёргарлик асосий ўринни эгаллайди.

4. Педагогнинг илмий-методик тайёргарлигининг таркибий қисмлари сифатида методологик, гносеологик, коммуникатив, лойиҳалаш ва ташкилий фаолиятга оид билим, кўникма ва малакалар белгиланди.

5. Юксак касб-ҳунар маданиятига эга бўлган мутахассис ўзида ижтимоий ва ижодий фаоллик, ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий етукликни мужассамлаштирса, юқори малакали рақобатбардош педагогик кадр саналади.

6. Педагог кадрларнинг ижтимоий ва ижодий фаоллиги, ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий етуклиги ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги ва уларнинг таркибий қисмларига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Маълумки, ғоявий-сиёсий етуклик илмий-методик тайёргарликнинг таркибий қисми бўлган методологик билим, кўникма ва малакаларга асос бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий ва ижодий фаоллик ўқитувчининг ўз касбий тайёргарлигини мунтазам орттиришига, аксинча юксак касб-ҳунар маданиятига эга бўлган

---

[9] Толипова Ж.О. Биология ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттиришнинг назарияси ва амалиёти. Монография. -Т.: Фан, 2005. -114 б.

ўқитувчининг педагогик фаолиятга ижодий ёндашувига ва ижтимоий фаоллигига ўз таъсирини кўрсатади.

7. Юқори малакали рақобатбардош педагог кадр бўлган профессор-ўқитувчиси, ўз навбатида, юксак маънавият ва маданият соҳиби, миллий истиқлол мафкураси ва ғояларини сингдирган шахс сифатида, таълим-тарбия жараёнидаги истикбол вазифаларни илгари суриш ва ҳал этиш оркали, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшади, ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билади.

8. Педагогни тайёрлашда касбий тайёргарликнинг таркибий қисмлари, юқори малакали рақобатбардош педагог кадр ва шахс сифатидаги хусусиятларини яхлит ҳолда тасаввур қилиб, уларнинг ўртасидаги узвийликни амалга ошириш зарур.

Мазкур моделнинг таркибий қисмлари ва уларнинг шаклланишини таъминловчи билим, кўникма ва малакаларнинг мажмуаси профессиограммада ўз аксини топади.

Профессиограмма – бу мутахассиснинг шахсий сифатлари ва касбий фаолият турларига кирадиган касбий талаблар ва меъёрларнинг илмий асосланган ҳолдаги тавсифи. Профессиограмма ўзида моделнинг таркибий қисмлари ва уларни шакллантиришга асос бўладиган билим, кўникма ва малакаларни ўзида мужассамлаштиради. Шу сабабли профессиограмма муайян педагогик фаолиятни амалга ошириш учун ўқитувчидан – амалий ва назарий Назарий фикр юритиш таълим-тарбия жараёнидаги умумий қонуниятлар яъни педагогик вазифаларни ҳал этишнинг принциплари ва усулларини ишлаб чиқиш, педагогик жараёнларни кузатиш, кузатиш натижаларини умумлаштириш, хулоса ясаш, ўз фаолияти билан таққослаш ва ўзи учун зарур қоидаларнинг келиб чиқишига замин тайёрласа, амалий

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПРОФЕССОР - ЎҚИТУВЧИСИНИНГ МОДЕЛИ

3 жадвал



Ўқитувчи ўз педагогик фаолиятини таҳлил қилиб, илмий-назарий асослаб, ўзига маълум педагогик принципларни ва уни амалга ошириш қоидаларини фикр юритишни, ушбу жараённи амалга ошириш учун муайян билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришни талаб этади.

фикр юритиш асосан муайян курсни ўқитишнинг хусусий вазифаларини ҳал этишга қаратилган. Ушбу фикр юритиш муайян вазиятларни таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш ва муаммоли вазиятлардан чиқиб кетиш каби кўникмаларни ўз ичига олади, ишлаб чиқади.

Педагогнинг ўз фаолиятини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва педагогик таъсир кўрсатишнинг мантиқий кетма-кетлигини ишлаб чиқиши, унинг педагогик маҳорат чўққисини эгаллаганлигини кўрсатади.

Педагогик вазифаларни ҳал этиш, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, яъни ўқитувчилардан ақлий фаолият усуллари – танқидий-таҳлилий, мантиқий фикр юритишни талаб этади.

Мазкур педагогик фаолият таълим-тарбия жараёнини асосий бўғинларга ажратиш ва истиқболдаги вазифаларни лойиҳалаш кўникмаларига асосланади.

Ўқитувчининг педагогик назарияларни яхши ўзлаштирганлиги, ўз касбдошларининг иш тажрибаларини тинмай ўрганиши, ўз педагогик фаолияти натижасини умумлаштириш ва мунтазам таҳлил ўтказиш, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга, таълим мазмуни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали восита, метод ва шаклларини танлашга имкон яратади.

Олий таълим профессор - ўқитувчисининг моделининг асосини ўқитувчи шахси ташкил этиб, у баркамол шахс сифатида давлат ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган, юксак ҳуқуқий ва умумий маданиятли, ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук, маънавий-ахлоқий етукликка эга, миллий ва умуминсоний қадриятлар таркиб топган, хорижий тилларни пухта ўзлаштириш орқали хориждаги ҳамкасблари билан ижтимоий ҳамкорликка кириша оладиган бўлиши назарда тутилмоқда.

Юқори малакали рақобатбардош педагогик кадр сифатида касбий-педагогик тайёргарлик, илмий-ижодий салоҳиятли, ижодий ва ижтимоий фаол, ҳуқуқий-меъёрий ва компьютер саводхонлигига эга кадр назарда тутилган.

Юқори малакали рақобатбардош педагогик кадр сифатида касбий-педагогик тайёргарлик даражаси педагогнинг илмий-назарий, илмий-методик, педагогик-психологик тайёргарлиги даражасига бевосита ва билвосита боғлиқ.

Олий таълим муассасаси профессор-укитувчиларининг илмий-ижодий салоҳиятли бўлиши натижасида илмий-педагогик ижод методологиясини чуқур ўзлаштирган, фундаментал ва ўқитиш методикаси фанларининг долзарб муаммолари юзасидан тадқиқот ўтказиш тажрибасига эга бўлиши, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш, инновацион лойиҳаларда фаол қатнашиши эътиборга олинган.

Шуни қайд этиш лозимки, тадқиқот давомида шакллантирилган мазкур профессиограмма олий ўқув юртида педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда, педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги ва лаёқатини назорат қилиш ва баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

## ТИНГЛОВЧИЛАР УЧУН ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ

| УФЭ | МОДУЛЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ | МЕТОДИК КЎРСАТМА | БАЛЛ |
|---|---|---|---|
| 1. | **Мақсад:** Олий таълим муассаси профессор-ўқитувчисининг замонавий модели ва профессиограммасини ўрганиш.<br>1-модул бўйича берилган материалларни диққат билан ўқиб чиқинг ва қуйидаги саволларга жавоб топинг.<br>1. Мутахассис моделига берилган таърифни ўрганинг.<br>2. Профессор-ўқитувчиларининг моделини тузиш бўйича олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилинг.<br>3. Педагог кадрларнинг моделини тузишда фойдаланилган концептуал асосларни ўрганинг. Сиз қандай ўзгартиришлар киритишни таклиф этасиз? | Кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкор-ликда ишланг | 2-балл |
| 2 | **Мақсад:** Профессор-ўқитувчининг замонавий модели ва профессиограмма асосида ўз касбий малакасини таҳлил қилиш ва баҳолаш.<br>1.Профессор-ўқитувчиларнинг моделини ўрганинг.<br>2. Моделнинг таркибий қисмлари бўйича ўзингизнинг касбий малакангизни 100 балли тизимда баҳоланг<br>3. Олинган натижалардан ўртача катталикни аниқланг ва умумий тайёргарлик даражангизни белгиланг. | | |
| 3. | Модул дастурини якунлаш.<br>Мақсад: Профессор-ўқитувчи томонидан ўз ўқув фаолиятини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш.<br>1. Модул дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг. Кўзланган мақсадга қай даражада эришдингиз?<br>2. Ўқув топшириғидаги модуллардан кўзда тутилган дидактик мақсадларни | Тўплаган балларингизни жамланг ва кейинги қаторга | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | такрорланг. Уларни бажаришда кандай кийинчиликларни енгишга эришдингиз?<br>3. Ушбу модул дастури сизнинг педагогик фаолиятингизда кандай ўзгаришлар бўлишига замин тайёрлайди деб ўйлайсиз?<br>4. Мустақил ишлаш жараёнидаги фаолиятингизни 5 балл билан баҳоланг.<br>5. Машғулот давомидаги ўз фаолиятингиздан қониқиш ҳосил қилмаган бўлсангиз матн ва модул дастури устида такроран ишланг. | ёзинг | |
| | Тингловчининг машғулот давомида тўплаган баллари | жами | балл |

## 2-амалий машғулот.
## ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ МОДЕЛИ ВА КВАЛИМЕТРИК ДИАГНОСТИКАСИ

**Режа**

**1-модул. Профессор-ўқитувчи педагогик фаолиятининг диагностикаси.**

**2.1. Маъруза машғулотини кузатиш, таҳлил қилиш ва самарадорлик коэффицентини аниқлаш.**

**2.2. Амалий машғулотни кузатиш, таҳлил қилиш ва самарадорлик коэффицентини аниқлаш.**

**2.3. Лаборатория машғулотини кузатиш, таҳлил қилиш ва самарадорлик коэффициентини аниқлаш.**

**2.4. Семинар машғулотини кузатиш, таҳлил қилиш ва самарадорлик коэффициентин аниқлаш.**

**3-модул. Профессор-ўқитувчининг педагогик фаолиятини сўровнома воситасида таҳлил қилиш.**

Педагогик квалиметрияда ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини ўрганиш, назорат қилиш ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутади.

Ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини ўрганиш дастлаб, педагогнинг ўзи ўқитадиган курснинг мазмун-моҳиятини англаши, педагогик кадрлар тайёрлашдаги ўрнини билиш, курснинг ўқув-методик таъминотини яратганлиги билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Шуни ҳисобга олган ҳолда қуйида ўқитувчиларнинг машғулотларни ўтказишга ўқув-методик тайёргарлигини ўрганиш, назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари берилмоқда. Мазкур мезонлар курсни ўқитиш шакллари: маъруза, амалий, лаборатория ва семинар машғулотларини ташкил этадиган ва ўтказадиган ўқитувчилар учун умумий саналади.

1. **Ўқитувчининг машғулотларни ўтказишга ўқув-методик тайёргарлиги – 30 балл**

| № | Баҳолаш кўрсаткичлари | Баҳолаш даражаси | |
|---|---|---|---|
| | | балл | Ўқитувчи баҳоси |
| 1 | Фан бўйича тасдиқланган ишчи ўқув дастури, маърузалар матни (ўқув-методик мажмуа, фан силлабуси, амалий машғулотлар учун топшириқлар тўплами)нинг мавжудлиги ва сифати | 2 | |
| 2 | Интернет ёки бошқа манбадан олинган (асосан инглиз тилидаги) маълумотлардан фойдаланиш сифати | 1 | |
| 3. | Маъруза мавзусига боғлиқ ҳолда Блум таксономиясига асосан ўқув мақсадларининг шакллантирилганлиги | 6 | |
| 4. | Блум таксономиясига асосан белгиланган ўқув мақсадларининг мақсадга мувофиқлиги ва амалга ошириш йўллари | 4 | |
| 5 | Таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган Кейс-стади топшириқларининг мавжудлиги | 5 | |
| 6. | Инновацион ва ахборот технологиялардан фойдаланиш учун тарқатма ва дидактик воситаларнинг мавжудлиги | 4 | |
| 7. | Таълим-тарбия жараёнида мавзулар бўйича тақдимот учун слайд, анимация, ўқув ва видеофильм ва электрон дарсликларнинг мавжудлиги | 4 | |
| 8. | Курсдан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида маъруза машғулотлари мазмунининг семинар, амалий, лаборатория машғулоти билан узвийлиги | 1 | |
| 9. | Талабаларнинг жорий, оралиқ ва якуний назорати учун тайёрланган назорат топшириқларининг қийинлик даражаси кўрсаткичлари | 1 | |
| 10. | Талабаларга берилган мустақил ишлар мазмуни, бажариш юзасидан кўрсатмалар, баҳолаш мезонлари ва уларнинг даражаси | 2 | |

**Жами 30 балл**

**2.1. Маъруза машғулотини кузатиш, тахлил қилиш ва самарадорлик коэффицентини аниқлаш.**

**Ўқитувчининг маъруза машғулотларин ташкил этиш ва ўтказиш маҳорати мезонлари**

| № | Баҳолаш кўрсаткичлари | Баҳолаш баллари | |
|---|---|---|---|
| | | Балл | Ўқитувчи бали |
| I | **Ташкилий қисм** | 10 | |
| 1 | Маъруза машғулотининг ўз вақтида ва ўз аудиториясида бошланиши, кўргазма воситаларининг мавжудлиги | 1 | |
| 2 | Маъруза машғулотининг бориши билан таништириш, маънавият дақиқаси ва қизиқарли аналогиядан фойдаланиш | 2 | |
| 3 | Маъруза машғулотининг бошланишида мавзуга оид муаммоли вазиятнинг вужудга келтирилиши, бугунги куннинг долзарб муаммоларига боғланиши | 1 | |
| 4 | Мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда касбий йўналтирилганликни амалга оширилиши | 2 | |
| 5 | Ўқув мақсадларининг шакллантирилганлиги ва талабалар зиммасига юклатилиши | 1 | |
| 6 | Маъруза машғулотининг замон талаблари, шаклан ва мазмунан календарь режага мос келиши | 3 | |
| II | **Янги мавзуни ўрганиш** | 40 | |
| 7 | Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини фаоллаштириш ва мавзулараро боғланишни амалга оширишда уларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланиш даражаси | 2 | |
| 8 | Фанлараро, бoблараро, мавзулараро боғланишнинг кенг қамровлилиги, темпи, мақсадга мувофиқлиги, узвийлиги. | 3 | |
| 9 | Мавзу мазмунидаги асосий ғоя, қонунлар, қонуниятларнинг ёритилиши, тушунчалар ва кўникмаларни шакллантириш босқичлари кетма-кетлигига амал қилинганлиги | 10 | |
| 10 | Талабаларнинг билиш фаолиятининг ташкил этилиш шакли (ялпи, индивидуал, кичик гуруҳлар) ва бошқарилиши | 5 | |
| 11 | Инновацион ва ахборот технологиялардан | 10 | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | ўз ўрнида самарали фойдаланиш даражаси | | |
| 12 | Тақдимот материалларининг сифати, мазмунининг қамраб олинганлиги, ўз вақтида фойдаланилиш ҳолати | 5 | |
| 13 | Мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда Кейс-стади топшириқларининг тузилганлиги ва ўз вақтида фойдаланилиши. | 5 | |
| **III** | **Маъруза машғулотининг мазмунан таҳлили:** | 10 | |
| 14 | Маъруза машғулоти мазмунининг ғоявий-сиёсий йўналтирилганлиги, илмий-назарий, методологик жиҳатдан асосланганлик даражаси | 2 | |
| 15 | Маъруза мазмунидаги маълумотларнинг янгилиги ва долзарблиги, талабалар онги ва қалбига миллий ғояларнинг сингдирилиши | 2 | |
| 16 | Назария ва амалиёт, таълим-тарбиянинг узвийлигига амал қилиниши | 2 | |
| 17 | Маъруза мазмунига фан янгиликлари, инновацияларнинг киритилганлиги, талаба-ларни инновациялар ва илмий-тадқиқот ишларига йўналтирилганлиги | 3 | |
| 18 | Ўқитувчининг мулоқот маданияти, нутқининг равонлиги, интонацияси, темпи ва овоз тембри | 1 | |
| **IY** | **Маъруза машғулотда талабалар фаоллиги ва ҳолати** | 10 | |
| 19 | Талабаларнинг фанни ўрганишга бўлган мотивацияси | 3 | |
| 20 | Талабалар томонидан Кейс-стади топши-рикларини бажариш жараёнида аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланиш кўникмасининг мавжудлиги | 5 | |
| 21 | Талабаларнинг маъруза машғулоти жараёнида фаоллиги ҳолати | 1 | |
| 22 | Талабаларда муомала, нутқ ва кийиниш маданияти ҳолати | 1 | |

**Жами** **70 балл**

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИ КУЗАТИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

### Машғулотларни кузатиш босқичлари

Олий таълим муассасаларида маъруза машғулоти - таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли ҳисобланади. Мазкур машғулотни кузатиш учун, аввало, маъруза машғулотининг тури (кириш, муаммоли, умумлаштирувчи), мақсади ва вазифалари, фойдаланиладиган инновацион технологияларни аниқлаб олиш зарур.

**Машғулот қуйидаги босқичларга бўлиб таҳлил қилинади:**

**Умумий маълумотлар**: гуруҳ, ўқув фани, маъруза машғулоти тури, тури (фронтал, кичик гуруҳларда ишлаш), мавзуси, машғулот ўтказилаётган вақт.

**Ўқитувчининг машғулотга тайёргарлиги**: ўқитувчида ўқув фанини ўқитиш режалаштирилган ишчи дастури, истиқбол режа, мавзули-тақвим режа, мавзу бўйича Кейс стади топшириқлари, кичик гуруҳларда ўқитиш методидан фойдаланиш имконини берадиган ўқув топшириқлари мажмуаси, мустақил таълим режаси, рейтинг тизими бўйича баҳолаш меъёрларини қамраб олган фан силабуси, машғулот ишланмаси ва технологик хаританинг мавжудлиги, ўтган ва янги мавзу бўйича талабаларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш учун топшириқларнинг етарли нусхада бўлиши;

**Эслатма**: ўқитувчида юқорида қайд этилганларнинг бирортаси бўлмаган ҳолда ўқитувчи машғулотга қўйилмаслик мақсадга мувофиқ.

**Ўқув хонасининг машғулотга тайёргарлиги**: аудиториянинг санитария-гигиена қоидаларига жавоб бериши, талаб даражасида жиҳозланганлиги, талабаларнинг ёшлик ва физиологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ёритилганлиги, мебеллар мослиги, ўқув ва кўргазма жиҳозлари ва мавзу бўйича тақлимотнинг мавжудлиги.

**Машғулотнинг ташкилий қисми**: машғулотнинг ўз вақтида бошланиши, ўқитувчи ва талабаларнинг машғулотга муносабати, саломлашиш одоби, гуруҳда онгли интизомнинг мавжудлиги, давоматни аниқлаш, ўтган мавзу ва уй топшириқларини аниқлаш, ташкилий қисм учун сарфланган вақт.

**Янги мавзу юзасидан талабаларнинг билимларини фаоллаштириш.** Фанлараро, бобларaро, мавзулараро боғланишни амалга оширилганлиги, Кейс стади топшириғи, Ақлий ҳужум ўтказилганлиги, топшириқларнинг кенг қамровлилиги, топшириқларнинг мураккаблик даражаси ва кетма-кетлиги темпи, рағбатлантиришнинг мавжудлиги, унинг ҳаққонийлиги, узвийлиги. Талабалар ўқув мотивларининг ҳолати. Ажратилган вақт.

**Ўтган мавзуни якунлаш ва янги мавзу билан боғлаш.** Ўқитувчи томонидан фойдаланилган методлар ва кўргазма воситалари, унда талабаларнинг билимларидан фойдаланиш, типик хато ва камчиликларни бартараф этиш, якунлашнинг кенг қамровлилиги, асосий тушунча ва таянч сўзларга урғу бериш, хулосалаш, ажратилган вақт.

Ўқитувчининг талабаларнинг жавоблари, билим, кўникма ва малакаларидаги камчиликларни аниқлай олиш маҳорати, талабалар интизоми ва уларни сақлаш учун қўлланилган чоралар.

**Янги мавзуни ўрганиш:**

• талабаларни янги мавзунинг ўқув мақсадлари, вазифалари, маъруза давомида кичик гуруҳларнинг машғулот давомида бажариладиган ишлар билан таништирилиши, ўқув мақсадларининг қўйилишида талабаларнинг иштироки.

• янги мавзунинг мазмуни, асосий ғоя, қонунлар, қонуниятларнинг ёритилиши, талабаларда шакллантириладиган тушунча, кўникма ва малакалар, талабалар томонидан ўзлаштириш босқичларига амал қилинганлиги.

• мавзу баёнида ўқитиш принципларига амал қилинганлиги (илмийлик, тушунарлилик, тизимлилик, кенг қамровлилик, назария ва амалиёт бирлиги, маҳаллий ҳамда қўшимча материаллар билан бойитилганлик, таълим-тарбия узвийлигини амалга ошириш ва ҳ.к.).

• мавзу баёнида фанлараро, бўлимлараро, мавзулараро боғланишнинг амалга оширилганлиги.

• мавзуни ўрганишда фойдаланилган репродуктив (оғзаки, кўргазмали, амалий) ва фаол (муаммоли, мантиқий, ижодий изланишли, дидактик ўйинли ва ҳ.к.) методлар, воситалар (кўргазмали қуроллар, лаборатория жиҳозлари, тарқатма ва дидактик материаллар, ўқув-техник ва компьютер воситаси ва ҳ.к.);

• маъруза машғулотида фойдаланилган инновацион ва ахборот технологиялар (муаммоли, модулли, дидактик-ўйинли, ҳамкорликда ўқитиш)нинг мавзу мазмунига мувофиқ танланганлиги. Инновацион технологияларнинг талабалар билиш фаолиятини ташкил этиш, билим захираси, эгалланган кўникма ва малакалари, ёшлик ва психологик хусусиятларига мослиги.

• машғулот давомида Кейс стади ва ақлий ҳужум топшириғи асосида муаммоли вазиятларнинг туғдирилиши, уларни ҳал этишда талабалар билимидан фойдаланиши, талабаларнинг билиш фаолияти ва уларнинг машғулотдаги иштироки. Янги мавзуни ўрганишга ажратилган вақт.

• маъруза машғулоти мазмунига боғлиқ ҳолда тақдимот материалларининг мавжудлиги ва ўз ўрнида мақсадга мувофиқ фойдаланилганлиги.

• ўқитувчининг нутқи, дикцияси, педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, ўқув мақсадлари ва топшириқларини қўя олиши, талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш кўникмалари, ўзини тутиши, мимикаси, ҳис - ҳаяжонини бошқара олиши, талабаларга нисбатан педагогик (авторитар ёки инсонпарварлашган) муносабати.

**Маъруза машғулотининг мазмунан таҳлили.** Маъруза мазмунан бугунги куннинг долзарб муаммоларни қамраб олинганлиги, ғоявий-сиёсий йўналтирилганлик, мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда касбий йўналтирилганликни амалга оширилиши, таълим-тарбиянинг узвийлиги.

Маъруза режасининг тўлиқ ёритилганлиги, талабаларнинг мазмундаги назария, ғоя, қонуниятлар, тушунча, атамаларни ўзлаштириш жараёнида дидактик қонуниятларга амал қилинганлиги, тушунча ва атамаларнинг изоҳининг ёритилиш даражаси.

**Машғулотни якунлаш** – якунлашнинг характери, тўлиқлиги, ўқитувчи томонидан фойдаланилган методлар ва кўргазма воситалари, унда талабалар жавобидаги типик хато ва камчиликларни бартараф этиши, якунлашнинг кенг қамровлилиги, асосий тушунча ва таянч сўзларга урғу бериши, хулосалаши, ажратилган вақт.

**Умумий хулоса ва фикрлар**

**1.Машғулот давомида йўл қўйилган камчиликлар**

____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
______________

1. **Таклиф ва мулоҳазалар**

____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
________

**Тақризчининг фамилияси, исми, шарифи** ________________________

____________________ (имзо) Сана ________________

**Эслатма:** Машғулот кузатилганда асосий эътибор ўқитувчининг педагогик фаолиятига эмас, балки талабаларнинг машғулотда иштироки, ўқув мотивларининг даражаси асос қилиб олинади. Шу сабабли машғулотда

талабаларнинг мотивацион холатини таҳлил қилиш учун кўрсатмалар берилмоқда:

**Машғулотда талабаларнинг билиш фаолияти қандай шаклларда ташкил этилди?**

Талабаларнинг хар 3 минутдаги фаоллигини аниқланг ва қуйидаги ҳолатлар бўйича таҳлил қилинг.

**Танлаш учун вариантлар берилмоқда:**

- Талабаларнинг билиш фаолиятида тўлиқ ҳолдаги сусткашлик кузатилди. Улар фаолиятида ижобий мотив ҳолати йўқ.
- Талабалар ўқув фаолиятига қийинчилик билан киришди, хар қандай ҳолатга эътибор беришди Улар фаолиятида ижобий мотивлар ихтиёрсиз ҳолатда.
- Талабалар ўқув фаолиятга ташқи омилларга эътибор бермаган ҳолда киришиб кетди. Ихтиёрий қизиқувчанлик ва ижобий мотивлар мавжуд.
- Талабалар ўқишга тўлиқ берилиб кетди, ҳалақит берувчи вазиятларга эътибор берилмади. Мақсадга йўналтирилган билишга бўлган қизиқиш, ўқув мотиви мавжуд.
- Ўқитувчи томонидан қўлланган қайси усул, хатти - ҳаракати, сўзи, интонацияси талабаларнинг мотив ҳолатини яхшилашга олиб келди.
- Машғулотда талабаларнинг мотивацион ҳолатини яхшилаш, кучайтириш ва барқарор ҳолатда тутиб туриш учун тавсия беринг. Кузатилган ҳолатлар бўйича фикр билдиринг.

Юқорида қайд этилганидек, машғулотнинг ҳамма босқичлари тўлиқ кузатилиб, таҳлил қилингандан сўнг, машғулотнинг бориши, унда талабаларнинг мотивацион ҳолати, ўқитувчининг педагогик фаолияти, ўқитувчи томонидан қўлланилган ўқитиш методлари ва педагогик технологияларнинг мавзу мазмуни, мақсади ва вазифаларига қанчалик мос келиши, машғулотнинг ютуғи ва камчиликлари, умумий хулосалар, фикр ва мулоҳазалар билдирилади.

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ ТАҲЛИЛИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Машғулот тўлиқ кузатилгандан сўнг, уни таҳлил қилиш ва расмийлаштириш амалга оширилади. Таҳлилдан машғулотнинг бориши, унинг босқичлари, ўқувчиларнинг мотивацион ҳолати, машғулотдаги ютуқ ва камчиликлар, фикр ва мулоҳазалар ўрин олади.

Машғулотнинг таҳлили унинг ютуқ ва камчиликларининг қайд этилиши ўқитувчининг келгусида машғулотни самарали ташкил этишига замин тайёрлайди.

Ўқитувчи томонидан ўтказилган машғулотни таҳлил қилиш ва уни расмийлаштириш таълим-тарбия самарадорлигини аниқлаш имконини беради.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнида тест топшириқлари тўрт даражада қўлланилади.

- **Осон (репродуктив) (I)** - талабалар томонидан ўқув материали қайта ишланмасдан, уларнинг хотирлаш қобилиятини аниқловчи, ҳодиса, воқеа, қонун ва атамаларнинг моҳиятини билишни талаб қиладиган даража;

- **Ўртача қийин (продуктив) (II)** - талабалардан объектларни таҳлил қилиш, синтезлаш, таққослаш, бир нечта қонун ва қонуниятларни бир вақтда қўллаб, умумлаштириш орқали хулоса ясашни талаб қилувчи даража;

- **Қийин (қисман-изланишли) (III)** – талабалар томонидан аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллаш, объектларни таҳлил қилиш, синтезлаш, қиёсий таққослаш, қонун ва қонуниятларни қўллаб, умумлаштириш орқали хулоса ясашни талаб қилувчи даража;

- **Энг қийин (креатив) (IY)** - талабалар томонидан аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни кутилмаган вазиятларда вужудга келтирилган ўқув муаммоларни ҳал этишда қўллаш, таҳлил, синтезлаш, қиёсий таққослаш, умумлаштириш, хулоса ясаш каби ақлий операцияларни бажаришни талаб қилувчи даража;

Ўтказилган маърузанинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида маъруза сўнгида мазкур мазмунни қамраб олган 10 та тест топшириқлари талабаларга тавсия этилади.

Тест топшириқларининг дастлабки 3 таси 1-(осон) даражада, кейинги 3 таси 2-(ўртача) даражада бўлиб[10]. 2 таси 3- (қийин) даражада, қолган 2-таси 4-(креатив) даражада бўлиши тавсия этилади.

Таълим-тарбия жараёнининг самарадорлик коэффицентини аниқлашда дастлабки 6та тест топшириқларини муваффақиятли бажарган, шунингдек, 3-.4-даражадаги тест топшириқларини ҳам тўғри бажарган талабалар сони ҳисобга олинади.

Машғулот самарадорлигини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар асос қилиб олинади:

1. **Машғулот давомийлиги Т-80**
2. **Талабаларнинг сони М-**
3. **Муайян даражадаги ўқув мақсадларига эришган талабалар сони m, мос ҳолда $m_1$, $m_2$, $m_3$, $m_4$ билан белгиланади ва уларнинг йиғиндиси $m_j$ ни ташкил этади.**

Таълим-тарбия самарадорлиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{сам} = \frac{E\ m_j\ t}{MT} \times 100$$

**Бу ерда:**

**$K_{сам}$ - таълим-тарбия самарадорлиги коэффиценти**

**Е – йиғинди;**

**$m_j$ – ўқув мақсадларига эришган талабаларнинг сони**

**t - талабалар томонидан ўқув мақсадларига эришиш учун сарфланган вақт.**

---

[10] Мазкур 6та тест ДТС билан меъёрланган билим, кўникма ва малакаларни қамраб олиши, мазкур тестларда хатоликларга йўл қўйган талаба баҳоланмайди ва таълим-тарбия жараёни самарадорлигини аниқлашда бу жавоблар ҳисобга олинмайди

**M – талабаларнинг умумий сони**

**T - машғулот давомийлиги**

Олий таълимда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини аниқлашнинг умумий кўринишга олиб келиниши ва мақсадга мувофиқлиги профессор-ўқитувчиларнинг ўз касбий-педагогик тайёргарлигини орттириш борасидаги изланишларини орттириш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш, улар ўртасида том маънодаги рақобатбардошликнинг вужудга келишига замин тайёрлайди.

## МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ

| Умумий маълумотлар | Машғулотнинг босқичлари ва бориши | Ютуғи | Камчилиги | Фикр ва мулоҳазалар |
|---|---|---|---|---|
| Ўқитувчининг и.ш.<br>Сана, гуруҳ, талабалар сони<br>Ўқув хонасининг ҳолати | I. Ташкилий қисмга ажратилган вақт.<br>Ташкилий қисмнинг ўтказилиши юзасидан фикрлар<br>Саломлашиш, давомат, ўтган мавзу ва ўқув топшириқларини аниқлаш<br>Ўқув мақсадларининг шакллантирилганлиги ва талабалар зиммасига юклатилиши<br>Машғулотнинг бориши билан таништириш. | | | |
| Ўтган мавзу юзасидан билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш | II. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашга ажратилган вақт.<br>Назорат тури, кенг қамровлилиги, темпи, баҳолашнинг, ҳаққонийлиги, узвийлиги. | | | |
| | III. Ўтган мавзуни якунлашга ажратилган вақт.<br>Якунлашнинг мазмуни, кўргазма воситалари ва талабалар билимидан фойдаланиши | | | |
| Янги мавзуни ўрганиш<br>Тайёрланган жиҳоз- | IV. Янги мавзуни ўрганишга ажратилган вақт.<br>Талабаларни мавзунинг мақсади билан таништириш, талабалар олдига вазифалар қўйиш.<br>Янги мавзуни ўрганишда фойдаланилган | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ларининг мазмунга мослиги | технологиялар ва ўқитиш методлари. мазмунининг илмийлиги. ўқитиш принципларига амал қилинганлиги | | | |
| Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шакли | Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шакли (ялпи, индивидуал, кичик гурухлар).<br>Янги мавзуни ўрганишда вужудга келган қийинчиликлар, уларни енгиш учун қўлланилган методлар ва усуллар | | | |
| | V. Янги мавзуни мустахкамлашга ажратилган вақт. Янги мавзуни мустаҳкамлашда фойдаланилган методлар. талабаларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш. Назорат шакли ва тури, кенг қамровлилиги, темпи, баҳолашнинг, ҳаққонийлиги, узвийлиги, хато ва камчиликларнинг тўғриланиши | | | |
| | VI. Янги мавзуни якунлашга ажратилган вақт.<br>Якунлашнинг мазмуни, кўргазма воситалари ва талабалар билими ва методлардан фойдаланиши | | | |
| | VII. Мустақил иш топшириғи қай йўсинда берилди, бажариладиган ишлар батафсил тушунтирилдими? Ижодий ва мустақил топшириқ тўғри берилдими? | | | |
| Тест топшириқларининг натижаси | Талабаларнинг билимларни эгаллаш даражаси | **I-даража –**<br>**II даража –**<br>**III даража-**<br>**IV даража-** | | |

**2.2 Амалий машғулотни кузатиш, таҳлил қилиш ва самарадорлик коэффицентини аниқлаш.**

| № | Баҳолаш кўрсаткичлари | Баҳолаш баллари | |
|---|---|---|---|
| | | Балл | Ўқитувчи бали |
| **I** | **Ташкилий қисм** | **10** | |
| 1 | Амалий машғулотнинг ўз вақтида ва ўз аудиториясида бошланиши, мавзу юзасидан кўргазма воситаларининг мавжудлиги | 1 | |
| 2 | Амалий машғулотнинг бориши, талабаларни бажариладиган иш тартиби, ўқув топшириқларининг мазмуни билан таништириш, ўқув мақсадларини шакллантиришда талабаларнинг иштироки | 2 | |
| 3 | Амалий машғулотининг бошланишида мавзуга оид муаммоли вазиятнинг вужудга келтирилиши, бугунги куннинг долзарб муаммоларига боғланиши | 1 | |
| 4 | Амалий иш мазмунининг талаба келгусида эгаллайдиган касбга алоқадорлиги, касбий йўналтирилганликни амалга оширилиши | 2 | |
| 5 | Ўқув мақсадларининг шакллантирилганлиги ва талабалар зиммасига юклатилиши | 1 | |
| 6 | Амалий машғулотнинг шаклан ва мазмунан календарь-режага мос келиши | 3 | |
| **II** | **Янги мавзуни ўрганиш** | **40** | |
| 7 | Амалий машғулот иш тартибини талабалар томонидан аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланиш кўникмасининг мавжудлиги | 5 | |
| 8 | Амалий иш топшириқларини бажаришда фанлараро, боблараро, мавзулараро боғланишга асосланган ўқув топшириқларининг тайёрланганлиги, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар билан узвийлиги. | 5 | |
| 9 | Амалий иш топшириқларини бажаришда асос бўладиган тушунчаларни мустаҳкамлаш ва кўникмаларни таркиб топтириш бўйича топшириқларнинг мавжудлиги ва ўз ўрнида фойдаланилиши | 5 | |
| 10 | Талабалар билиш фаолиятининг ташкил этилиш шакли (индивидуал, кичик | 10 | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | гуруҳлар) ва бошқарилиши | | |
| 11 | Амалий иш мазмунига боғлик ҳолда Кейс-стади топшириқларининг тузилганлиги ва ўз вақтида фойдаланилиши. | **10** | |
| 12 | Талабаларнинг Кейс-стади топшириқларини бажаришдаги фаоллиги | **5** | |
| III | **Амалий машғулотнинг ташкил этилиш сифати:** | **10** | |
| 13 | Амалий машғулот мазмунининг ўқитишнинг бошқа шакллари: маъруза, лаборатория, семинар, мустақил таълим ва иш билан боғлиқлик даражаси | **2** | |
| 14 | Амалий мазмунидаги маълумотларнинг янгилиги ва долзарблиги, талабалар онги ва қалбига миллий ғояларнинг сингдирилиши | **2** | |
| 15 | Назария ва амалиёт, таълим-тарбиянинг узвийлигига амал қилиниши | **2** | |
| 16 | Амалий мазмунига фан янгиликлари, инновацияларнинг киритилганлиги, талабаларни инновациялар ва илмий-тадқиқот ишларига йўналтирилганлиги | **3** | |
| 17 | Ўқитувчининг мулоқот маданияти, нутқининг равонлиги, интонацияси, темпи ва овоз тембри | **1** | |
| IУ | **Амалий машғулотда талабалар фаоллиги ва ҳолати** | **10** | |
| 19 | Талабаларнинг амалий иш топшириқларини бажаришга бўлган мотивацияси | **3** | |
| 20 | Талабалар томонидан Кейс-стади топшириқларини бажариш жараёнида аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланиш кўникмасининг мавжудлиги | **5** | |
| 21 | Талабаларнинг амалий машғулот жараёнида фаоллиги ҳолати | **1** | |
| 22 | Талабаларда муомала, нутқ ва кийиниш маданияти ҳолати, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниши | **1** | |

**Жами 70 балл**

**2.3. Лаборатория машғулотини кузатиш, таҳлил қилиш ва самарадорлик коэффицентини аниқлаш.**

**2. Ўқитувчининг лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш маҳорати мезонлари**

| № | Баҳолаш кўрсаткичлари | Баҳолаш баллари | |
|---|---|---|---|
| | | Балл | Ўқитувчи бали |
| I | **Ташкилий қисм** | **10** | |
| 1 | Лаборатория машғулотининг ўз вақтида ва ўз аудиториясида бошланиши, мавзу юзасидан лаборатория жиҳозлари ва кўргазма воситаларининг мавжудлиги | 2 | |
| 2 | Лаборатория машғулотининг бориши, талабаларни бажариладиган иш тартиби, ўқув топшириқларининг мазмуни билан таништириш | 2 | |
| 3 | Лаборатория машғулотининг бошланишида мавзуга оид муаммоли вазиятнинг вужудга келтирилиши, бугунги куннинг долзарб муаммоларига боғланиши | 1 | |
| 4 | Лаборатория иш мазмунининг талаба келгусида эгаллайдиган касбга алоқадорлиги, касбий йўналтирилганликни амалга оширилиши | 2 | |
| 5 | Блум таксономиясига биноан ўқув мақсадларининг шакллантирилганлиги ва талабалар зиммасига юклатилиши | 2 | |
| 6 | Лаборатория машғулотнинг шаклан ва мазмунан календарь режага мос келиши | 1 | |
| II | **Лаборатория ишини бажариш** | **40** | |
| 7 | Лаборатория ишини бажаришда талабалар томонидан аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланиш кўникмасининг мавжудлиги | 5 | |
| 8 | Лаборатория иш топшириқларини бажаришда фанлараро, боблараро, мавзулараро боғланишга асосланган ўқув топшириқларининг тайёрланганлиги, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар билан узвийлиги. | 10 | |
| 9 | Лаборатория иш топшириқларини бажаришда асос бўладиган тушунчаларни мустаҳкамлаш ва кўникмаларни таркиб | 5 | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | топтириш бўйича топширикларнинг мавжудлиги ва ўз ўрнида фойдаланилиши | | |
| **10** | Талабаларнинг билиш фаолиятининг ташкил этилиш шакли (индивидуал, кичик гурухлар) ва бошкарилиши | **5** | |
| **11** | Лаборатория иш мазмунига боғлиқ холда Кейс-стади ва ностандарт тест топшириқларининг тузилганлиги ва ўз вақтида фойдаланилиши. | **10** | |
| **12** | Талабаларнинг Кейс-стади топширикларини бажаришдаги фаоллиги | **5** | |
| **III** | **Лаборатория машғулотнинг ташкил этилиш сифати:** | **10** | |
| **13** | Лаборатория машғулоти мазмунининг ўкитишнинг бошқа шакллари: маъруза, амалий, семинар машғулоти, мустақил таълим ва иш билан боғлиқлик даражаси | **1** | |
| **14** | Назария ва амалиёт, таълим-тарбиянинг узвийлигига амал қилиниши | **2** | |
| **15** | Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда ностандарт ўкув ва тест топширикларидан фойдаланиш | **5** | |
| **16** | Талабаларни фан янгиликлари, инновациялар билан таништириш, талабаларни инновация ва илмий-тадқиқот ишларига йўналтирилганлиги | **1** | |
| **17** | Ўқитувчининг мулоқот маданияти, нутқининг равонлиги, интонацияси, темпи ва овоз тембри | **1** | |
| **IY** | **Лаборатория машғулотида талабалар фаоллиги ва холати** | **10** | |
| **18** | Талабаларнинг лаборатория ишини бажаришга бўлган мотивацияси | **3** | |
| **19** | Талабалар томонидан Кейс-стади ва ностандарт тест топшириқларини бажариш жараёнида аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланиш кўникмасининг мавжудлиги | **3** | |
| **20** | Талабаларнинг лаборатория машғулоти жараёнида фаоллиги ҳолати, лаборатория иши натижаси бўйича хисоботни расмийлаштириш ва асосли хулоса чиқариш | **3** | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 21 | Талабаларда лаборатория жиҳозлари, кўргазмали қуроллар билан ишлаш кўникмасининг мавжудлиги, муомала, нутқ маданияти ҳолати, махсус кийимнинг мавжудлиги, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниши | 1 | |
| | **Жами** | **70 балл** | |

**2.4. Семинар машғулотини кузатиш, таҳлил қилиш ва самарадорлик коэффициентини аниқлаш.**

**Ўқитувчининг семинар машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш маҳорати мезонлари**

| № | Баҳолаш кўрсаткичлари | Баҳолаш баллари | |
|---|---|---|---|
| | | Балл | Ўқитувчи бали |
| **I** | **Ташкилий қисм** | **10** | |
| 1 | Семинар машғулотининг ўз вақтида ва ўз аудиториясида бошланиши, мавзу юзасидан тақдимот ва кўргазма воситаларининг мавжудлиги, дидактик таъминоти | 2 | |
| 2 | Семинар машғулотининг бориши, талабаларни бажариладиган ўқув топшириқларининг мазмуни билан таништириш | 2 | |
| 3 | Семинар машғулотининг бошланишида мавзуга оид муаммоли вазиятнинг вужудга келтирилиши, бугунги куннинг долзарб муаммоларига боғланиши | 1 | |
| 4 | Семинар иш мазмунининг талаба келгусида эгаллайдиган касбга алоқадорлиги, касбий йўналтирилганликнинг амалга оширилиши | 2 | |
| 5 | Блум таксономиясига биноан ўқув мақсадларининг шакллантирилганлиги ва талабалар зиммасига юклатилиши | 2 | |
| 6 | Семинар машғулотининг шакли ва мазмунан календарь режага мос келиши | 1 | |
| **II** | **Семинар мавзусини ўрганиш** | **40** | |
| 7 | Семинарда ўрганиладиган муаммоларни ҳал этишда талабалар томонидан аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланиш кўникмасининг мавжудлиги | 5 | |
| 8 | Семинар мазмунига боғлиқ ҳолда фанлараро, боблараро, мавзулараро боғланишга асосланган ўқув топшириқларининг тай- | 10 | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | ёрланганлиги, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар билан узвийлиги. | | |
| 9 | Семинар топшириқларини бажаришда асос бўладиган тушунчаларни мустахкамлаш ва кўникмаларни таркиб топтириш бўйича топшириқларнинг мавжудлиги ва ўз ўрнида фойдаланилиши | 5 | |
| 10 | Талабалар билиш фаолиятининг ташкил этилиш шакли (индивидуал, кичик гуруҳлар) ва бошқарилиши | 5 | |
| 11 | Семинар мазмунига боғлиқ ҳолда Кейс-стади ва ностандарт тест топшириқларининг тузилганлиги ва ўз вақтида фойдаланилиши. | 10 | |
| 12 | Талабаларнинг Кейс-стади топшириқларини бажаришдаги фаоллиги | 5 | |
| III | **Семинар машғулотининг ташкил этилиш сифати:** | 10 | |
| 13 | Семинар машғулоти мазмунининг ўқитишнинг бошқа шакллари: маъруза, амалий, лаборатория машғулоти, мустақил таълим ва иш билан боғлиқлик даражаси | 1 | |
| 14 | Назария ва амалиёт, таълим-тарбиянинг узвийлигига амал қилиниши | 2 | |
| 15 | Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда ностандарт ўқув ва тест топшириқларидан фойдаланиш | 5 | |
| 16 | Талабаларни фан янгиликлари, инновациялар билан таништириш, талабаларнинг инновация ва илмий-тадқиқот ишларига йўналтирилганлиги | 1 | |
| 17 | Ўқитувчининг мулоқот ва бошқариш маданияти, нуткининг равонлиги, интонацияси, темпи ва овоз тембри | 1 | |
| IY | **Семинар машғулотида талабалар фаоллиги ва ҳолати** | 10 | |
| 18 | Талабаларнинг семинар муаммоларини ҳал этишга бўлган мотивацияси | 3 | |
| 19 | Талабалар томонидан Кейс-стади ва ностандарт тест топшириқларини бажариш жараёнида аввал ўзлаштирилган билим, | 3 | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | кўникма ва малакаларидан фойдаланиш кўникмасининг мавжудлиги | | |
| 20 | Талабаларнинг семинар машғулоти жараёнида фаоллиги ҳолати, семинар топшириқлари бўйича асосли хулоса чиқариш кўникмаларининг мавжудлиги | 3 | |
| 21 | Талабаларда онгли интизом, муомала, нутқ, кийиниш маданияти ҳолати | 1 | |

**Жами 70 балл**

Амалий, лаборатория ва семинар машғулотларининг самарадорлик коэффициенти талабалар томонидан ўқув мақсадларига эришиш натижаларига асосан аниқланади.

Машғулот самарадорлигини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар асос қилиб олинади:

3. **Машғулот давомийлиги Т-80**
4. **Талабаларнинг сони М-**
3. **Муайян даражадаги ўқув мақсадларига эришган талабалар сони m, мос ҳолда $m_1$, $m_2$, $m_3$, $m_4$ билан белгиланади ва уларнинг йиғиндиси $m_j$ ни ташкил этади.**

Маълумки, таълим-тарбия жараёнида талабалар томонидан билимлар тўрт даражада ўзлаштирилади.

**I- репродуктив даражада** ($d_1$) талабалар савол-топшириқларга ўқув материали мазмунини ўзгартирмаган ҳолда жавоб беради ва ўқитувчи ушбу даража учун репродуктив даражадаги топшириқларни тузади;

**II- продуктив даражада** ($d_2$) талабалар ўзлаштирган билимларини таниш, одатий вазиятларда ўқув материали мазмунини қайта ишлаш орқали жавоб қайтаришларига замин тайёрланади.

**III – қисман изланишли даражада** ($d_3$) талабалар ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллашлари назарда тутилади.

**IV – ижодий даражада** ($d_4$) талабалар ўзлаштирган билимларини кутилмаган ностандарт вазиятларда қўллашларига имкон яратилади.

Таълим-тарбия самарадорлиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{сам} = \frac{E\ m_j\ t \times 100}{MT}$$

**Бу ерда:**

**$K_{сам}$ - таълим-тарбия самарадорлиги коэффициенти**

**E – йиғинди;**

**$m_j$ – ўқув мақсадларига эришган талабаларнинг сони**

**t - талабалар томонидан ўқув мақсадларига эришиш учун сарфланган вақт**

**М – талабаларнинг умумий сони**

**Т - машғулот давомийлиги**

**3-модул. Профессор-ўқитувчининг педагогик фаолиятини сўровнома воситасида таҳлил қилиш.**

Педагогик квалиметрияда қўлланиладиган методлардан яна бири сўровнома ўтказиш саналади. Сўровнома ўтказиш мақсадига кўра сўрономанинг таркибидаги саволлар турлича бўлиши мумкин.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти ёки муайян факультетдаги таълим-тарбия жараёнининг ташкил этиш самарадорлиги ўрганилаётганда, мазкур жараённинг бевосита иштирокчилари бўлган талабалардан сўровнома олиниши мақсадга мувофиқ

## УНИВЕРСИТЕТ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА СЎРОВНОМА

Мухтарам талаба! Ушбу саволлар билан яхшилаб танишиб чиқиб, уларга хслисона жавоб беринг. Тўғри ва самимий жавобларингиз университетдаги таълим-тарбия жараёнини яхшилашга хизмат қилишини қайд этиб, аввалдан миннатдорчилик билдирамиз.

1. Сизга таълим бераётган устозингиз _______________________томонидан ташкил этилаётган таълим-тарбия жараёни Сизни қаноатлантирадими? Жавобингизни (+) билан ифодаланг.

| Ха | Қисман | Қониқарсиз | Жавоб беришим қийин |
|---|---|---|---|

2. Мазкур устозингиз томонидан ўтказилаётган машғулотларни таҳлил қилиб катакларнинг бирини белгиланг.

| | |
|---|---|
| **Машғулотлар қизиқарли ва тушунарли** | **Машғулотлар зерикарли ва тушунарсиз** |
| **Машғулотларда янги технологиялар қўлланилади** | **Машғулотлар жиҳозсиз ва фақат матн ёздирилади** |

3. Устозингизнинг машғулотларида талабаларнинг иштироки таъминланадими? катакларнинг бирини белгиланг.

| | |
|---|---|
| **Машғулотларда ўқув мунозаралар вужудга келтирилиб талабалар иштирок этади** | **Машғулотларда ўқув мунозаралар вужудга келтирилмайди** |
| **Машғулотлар бир хил тарзда, матн ёзиш билан ўтказилади** | **Машғулотлар мазмуни фақат дарсликдаги маълумот билан чекланилади** |

4. Талабалар билимини баҳолашда ўқитувчингиз қандай йўл тутади. (катакларнинг бирини белгиланг).

| | |
|---|---|
| Адолатли устоз | Баъзан адолатсизлик қиладиган ўқитувчи |
| Баъзан тамагирлик қиладиган ўқитувчи | Қўшимча ишларга жалб қилади |
| | Фикрингизни ёзинг |

5. Ўқитувчингиз маданий савияси тўғрисида нима дея оласиз? (катакларнинг бирини белгиланг).

| | |
|---|---|
| Юқори даражада | Паст |
| Ўрта даражада | Жавоб беришга қийналаман |

6. Ўқитувчингизнинг муомала маданиятини қандай баҳолайсиз? (катакларнинг бирини белгиланг).

| | |
|---|---|
| Юқори даражада | Баъзан қўполлик қилиш ҳолатлари учрайди |
| Талабалар шахсини ҳурмат қилган ҳолда муносабатда бўлади | Жуда қўпол, ёмон муносабатда бўлади |

7. Машғулотларда педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиладими? (Катакларнинг бирини белгиланг).

| | |
|---|---|
| Ҳа | Қисман |
| Йўқ | Жавоб беришга қийналаман |

8. Факультет декани ва кафедра мудирлари ҳақида нима дея оласиз? Жавобингизни (+) билан ифодаланг.

| Исми, шарифи | Адолатли, самимий, дўстона муносабатда бўлади | Танишбилишчиликка йўл қўяди | Баъзан қўполлик қилади | Тамагирлик қилади |
|---|---|---|---|---|
| Факультет декани | | | | |
| кафедра мудирлари | | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Ҳамкорлигингиз учун миннатдорчилик билдирамиз!

**АЛОҲИДА ФИКРЛАР, ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗ**

________________________________________________________________
________________________________________________________________
________________________________________________________________
________________________________________________________________
________________________________________________________________
________________________________________________________________
__________________________________________________

Педагогик кадрларнинг касбий малакасини аниқлаш мақсадида муайян муаммога бағишланган сўровнома ўтказилади. Мазкур сўровномани тасаввур қилиш учун намуна келтирилмоқда.

1-сўровнома

Ҳурматли ҳамкасблар!

Сизлардан қуйидаги саволларга холисона жавоб беришингизни сўраймиз.

Исми шарифингиз___________________________

иш стажингиз ___ йил

Таълим муассасасининг манзили________________________________

Қайси ўқув курсларидан машғулот олиб борасиз?_________________

1. Таълим технологиялари ҳақида нималарни биласиз ва педагогик фаолиятда қўллаганмисиз? Жавобларнинг бирини белгиланг.

| | |
|---|---|
| Педагогик фаолиятимда қўллаганман, яхши натижа олганман | Тўлиқ тушунчага эгаман, лекин педагогик фаолиятимда фойдаланиш учун етарли даражадаги кўникмалар шаклланмаган |
| Педагогик фаолиятимда қўллаганман, лекин кутилган натижани ола олмаганман | Тўлиқ тушунчага эга эмасман изланишим керак |

2. Инновацион технологиялар ҳақида тўлиқ маълумот олишга тўсқинлик қиладиган сабабларни кўрсатинг.

| | |
|---|---|
| Ушбу мавзуни тўлиқ ёритган методик қўлланмалар йўқ | Қўшимча маълумот олиш манбаи йўқ |
| Ушбу масалада методик ёрдамга муҳтожман | Ўзимда хоҳиш йўқ |

3. Педагогик фаолиятингизда фойдаланадиган инновацион технологияларнинг номини ёзинг.

| | |
|---|---|
| Хусусий-методик даражадаги технологияларни ёзинг | Локал даражадаги технологияларни ёзинг |
| Ушбу мавзуни тўлиқ ёритган методик қўлланмалар йўқ | Қўшимча маълумот олиш манбаи йўқ |
| | Ўзимда хоҳиш йўқ |

Сўровнома орқали аниқланиши керак бўлган параметрларга қараб саволларни яна давом эттириш мумкин.

Суровнома ўтказилгандан сўнг уларнинг жавоблари таҳлил этилади, математик-статистик метод воситасида хулоса тайёрланади.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг ўзларидан ҳам ўзининг педагогик фаолиятини таҳлил этиш ва хулоса чиқариш мақсадида суровнома ўтказилиши мумкин. Бу ҳолда ўқитувчининг муайян муаммо бўйича фикр-мулоҳазалари ёки ўқитишнинг долзарб муаммолари бўйича фикрларини ўрганиш мумкин.

## ТИНГЛОВЧИЛАР УЧУН ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ

| Ў Ф Э | МОДУЛЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ | МЕТОДИК КЎРСАТМА | БАЛЛ |
|---|---|---|---|
| 1. | **Мақсад:** Профессор-ўқитувчи педагогик фаолиятининг диагностикасини ўрганиш<br>**1**-модул бўйича берилган материалларни диққат билан ўқиб чиқинг ва қуйидаги саволларга жавоб топинг.<br>1.Маъруза машғулотини кузатиш, таҳлил қилиш ва самарадорлик коэффицентини аниқлаш бўйича берилган маълумотларни таҳлил қилинг. Сиз яна қандай квалиметрик кўрсаткичларни киритишни тавсия этасиз?<br>2. Амалий машғулотни кузатиш, таҳлил қилиш ва самарадорлик коэффицентини аниқлаш бўйича берилган маълумотларни таҳлил қилинг. Сиз яна қандай квалиметрик кўрсаткичларни киритишни тавсия этасиз?<br>3. Лаборатория машғулотини кузатиш, таҳлил қилиш ва самарадорлик коэффицентини аниқлаш бўйича берилган маълумотларни таҳлил қилинг. Сиз яна қандай квалиметрик кўрсаткичларни киритишни тавсия этасиз?<br>4. Семинар машғулотини кузатиш, таҳлил қилиш ва самарадорлик коэффицентини аниқлаш бўйича берилган маълумотларни таҳлил қилинг. Сиз яна қандай квалиметрик кўрсаткичларни киритишни тавсия этасиз? | Кичик гурух аъзолари билан ҳамкор-ликда ишланг | 1-балл |
| 2. | **Мақсад:** Профессор-ўқитувчининг педагогик фаолиятини сўровнома воситасида таҳлил қилиш бўйича берилган намуналарни ўрганиш.<br>**3**-модул бўйича берилган материалларни диққат билан ўқиб чиқинг ва қуйидаги саволларга жавоб топинг.<br>1. Профессор-ўқитувчининг педагогик фаолиятини сўровнома воситасида таҳлил қилиш бўйича берилган намуналарни ўрганиб чиқинг.<br>2. Профессор-ўқитувчининг педагогик фаолиятини сўровнома воситасида ўрганиш бўйича фикрингизни билдиринг. | Кичик гурух аъзолари билан ҳамкорликда ишланг | 2-балл |
| 3. | Модул дастурини якунлаш.<br>Мақсад: Профессор-ўқитувчи томонидан ўз ўқув фаолиятини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш.<br>1. Модул дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг. Кўзланган мақсадга қай даражада эришдингиз?<br>2. Ўқув топшириғидаги модуллардан кўзда тутилган | Тўплаган баллари нгизни | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | дидактик мақсадларни такрорланг. Уларни бажаришда қандай қийинчиликларни енгишга эришдингиз?<br>3. Ушбу модул дастури сизнинг педагогик фаолиятингизда қандай ўзгаришлар бўлишига замин тайёрлайди деб ўйлайсиз?<br>4 Мустақил ишлаш жараёнидаги фаолиятингизни 5 балл билан баҳоланг.<br>5. Машғулот давомидаги ўз фаолиятингиздан қониқиш ҳосил қилмаган бўлсангиз матн ва модул дастури устида такроран ишланг. | жамланг ва кейинги қаторга ёзинг | |
| | Тингловчининг машғулот давомида тўплаган баллари | жами | балл |

**3-амалий машғулот**

**Мавзу: Тест топшириқларнинг турлари ва уларнинг тавсифи**

**Амалий машғулотнинг мақсади:** Тингловчиларни тест топшириқларнинг турлари ва уларнинг тавсифи билан таништириш. Тингловчиларда стандарт ва ностандарт тест топшириқларини тузиш ва таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш учун зарур бўладиган методик билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш.

Адабиётлар таҳлили педагогик тестлар стандарт (битта жавобли) ва ностандарт (кўп жавобли)ларга ажратилишини кўрсатди.

Стандарт тестлар амалиётга жорий этилаётганлиги сабабли унга таъриф ва тавсиф берилишнинг зарурати йўқ.

Стандарт тестлар мазмуни бўйича репродуктив ва продуктив даражада, таркиби жиҳатидан тест топшириғи савол, тўғри ҳамда нотўғри жавоблардан иборат бўлса, ностандарт тестлар ўзининг мазмуни, тузилиши ва қўлланиш мақсадига кўра муайян даражада фарқ қилади

Ностандарт тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Интегратив тестлар;
2. Адаптив тестлар;
3. Мезонли-мўлжал олиш тестлари.

Интегратив тестлар интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, таълим муассасасининг битирувчисининг тайёргарлик даражаси ҳақида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади.

Адаптив тестлар автоматлаштирилган, таҳсил олувчиларга нисбатан индивидуал ёндашиш имконини берадиган, топшириқ мазмуни, бажариш тартиби, қоидаси, шу топшириқни бажариш натижасида таҳсил олувчининг эгаллаши мумкин бўлган бали ва тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлади.

Адаптив тестларнинг асосий гуруҳини пирамидали адаптив тестлар ташкил этиб, қўлланиш мақсадига кўра: ўртача оғирликдаги, таҳсил олувчининг

танланига кўра аралаш, топшириклар банкидан факат кийин даражали бўлиши мумкин.

Адаптив тестлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг модул-кредит парадигмасида муваффақиятли қўлланиши мумкин. Бунинг учун педагог битта мавзу, боб, бўлим, курс мазмуни бўйича турли қийинчилик даражалаги бир неча вариантли тест топшириқларини тузиш ва амалда қўллаш маҳоратига эга бўлиши лозим.

Мезонли-мўлжал олиш тестлари таҳсил олувчиларнинг умумий тайёргарлик даражаси, мазкур курснинг ўқитилиш сифати, педагогнинг педагогик маҳорати, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Мазкур тест топшириқларини тузиш учун аввало ўқув курси мазмуни ДТС асосида таҳлил этилади, билим, кўникма ва малакалар аниқланади, уларни аниқлаш учун топшириқлар мажмуаси тузилади, мазкур топшириқлар тест топшириқларига айлантирилади ва синов ўтказилади, пировард натижада таҳсил олувчиларнинг шу курсни ўзлаштириш даражаси юзасидан хулоса тайёрланади.

Мезонли-мўлжал олиш тест синовлари орқали таҳсил олувчиларнинг билимларидаги бўшлиқлар аниқланади ва уларни бартараф этиш йўллари белгиланади.

Юқорида қайд этилган ностандарт тест топшириқларини таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ фойдаланиш жараёни таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ҳаққоний ва одилона назорат қилиш ва баҳолаш имконини беради.

Ностандарт тест топшириқларини тайёрлашда мазмун ва шакл асосий ўринни эгаллайди.

**Амалий машғулот давомида тингловчилар томонидан бажариладиган топшириқлар юзасидан методик кўрсатма**

1. Тест топшириғининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талабларни ўрганинг.
2. Тест топшириқларининг қийинлик даражасига кўра ўзингиз ўқийдиган курс бўйича репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий даражадаги тест топшириқларини тузинг.
3. Тест топшириқларининг мазмуни ва сифатига ДТМ томонидан қўйиладиган талабларни ўрганиб чиқинг.
4. Ўзингиз ўқийдиган курс бўйича тузган репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий даражадаги тест топшириқларини ДТМ томонидан қўйиладиган талабларга мослаштиринг.
5. Қуйида берилаётган стандарт тестларнинг турларини ўрганинг.

**И.А.Каримовнинг**
**"Юксак маънавият – енгилмас куч" асари бўйича топшириқлар**
Ёпиқ тестлар

**1. "Тажрибамдан кўрдимки, азми катъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшироқдир." Бу ҳикматли гап кимга тегишли эканлигини топинг.**

А. Амир Темур
В. Алишер Навоий
С. Ал - Хоразмий
Д. Беруний

**2. Хорижий мамлакат ва шаҳарларнинг қайси бирида Ибн Сино хотирасига ҳайкал қуйилган?**

А. Бельгия
В. Москва
С. Токио
Д. Боку

**3. Аҳмад Фарғонийга қайси шаҳарда ҳайкал қуйилган?**

А. Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида.
В. Россиянинг пойтахти Москва шаҳрида
С. Япониянинг пойтахти Токио шаҳрида
Д. Озарбайжоннинг пойтахти Боку шаҳрида

**4. Қайси аср "Беруний асри" деган номни олган?**

А. XI аср
В. XI асрнинг охири
С. X аср
Д. XII аср

**5. Ойдаги кратерларнинг иккитасига буюк ватандошларимиз номи қўйилган. Уларнинг номлари берилган жавобни топинг.**

А. Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек.
В. Аҳмад Фарғоний, Беруний
С. Мирзо Улуғбек, Ал - Хоразмий
Д. Аҳмад Фарғоний, Ал - Хоразмий

Очиқ тестлар

**1. "Тажрибамдан кўрдимки, азми катъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшироқдир." Бу ҳикматли гап .........га тегишли.**

А. Амир Темур
В. Алишер Навоий
С. Ал - Хоразмий

Д. Ахмад Фарғоний

**1. Хорижий мамлакат ..........да Ибн Сино хотирасига хайкал қўйилган.**

А. Бельгия

В. Москва

С. Токио

Д. Боку

**3. Ахмад Фарғонийга ........ шаҳарда хайкал қўйилган.**

А. Миср пойтахти Қоҳира шахрида.

В. Россиянинг пойтахти Москва шахрида

С. Япониянинг пойтахти Токио шахрида

Д. Озарбайжоннинг пойтахти Боку шахрида

**4. ........ аср "Беруний асри" деган номини олган.**

А. XI аср

В. XI асрнинг охири

С. X аср

Д. XII аср

**5. Ойдаги кратерларнинг иккитасига буюк ватандошларимиздан .........номлари қўйилган. Жумлани тўлдиринг.**

А. Ахмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек

В. Ахмад Фарғоний, Беруний

С. Мирзо Улуғбек, Ал Хоразмий

Д. Ахмад Фарғоний, Ал Хоразмий

Қуйида берилаётган ностандарт тест топшириқларини таҳлил қилинг ва уларнинг турлари, таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш жараёнидаги ўрнини аниқланг.

**1. Rasmga qarab bosh miya qismlarini aniqlang va jadvalga mos raqamlarni yozing.**

| bosh miya qismlari | raqamlar |
|---|---|
| uzunchoq miya | |
| Varoliyev ko`prigi | |
| o`rta miya | |
| oraliq miya | |
| miyacha | |
| miya katta yarim sharlari | |



**Жавоби:**




| bosh miya qismlari | raqamlar |
|---|---|
| uzunchoq miya | 1 |
| Variliyev ko`prigi | 2 |
| o`rta miya | 3 |
| oraliq miya | 4 |
| miyacha | 5 |
| miya katta yarim sharlari | 6 |

Ушбу тест топшириғи тахсил олувчиларнинг ўзлаштирган нафақат билимларини балки объект ва унинг қисмларини таниш, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш кўникмаларини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнини ҳаққоний ва одилона амалга ошириш имконини беради.

**2. Bezlarni ularning funksiyasi bilan juftlang.**

| № | Bezlarning xususiyati | № | bezlar |
|---|---|---|---|
| 1 | Bu bez to'rtta bo'lib, qalqonsimon bezning orqa yuzasiga yopishib turadi | A | buyrak usti bezlari |
| 2 | aralash bez, birinchi bel umurtqasi ro'parasida joylashgan | B | ayrisimon bez |
| 3 | bo`yinning oldingi qismida hiqildoqni old va yon tomonlaridan yopib turadi | C | qalqon oldi bezlari |
| 4 | Bu bez to'sh suyagining orqa yuzasida joylashgan | D | me`da osti bezlari |
| 5 | urug`don va tuxumdon kiradi | E | jinsiy bezlar |
| 6 | o`ng va chap buyraklarning ustki qismida joylashadi | F | qalqonsimon bez |

| Javob: | 1 - | 2 - | 3 - | 4 - | 5 - | 6 - |
|---|---|---|---|---|---|---|

**Жавоби:**

| Javob: | 1 - C; | 2 - D; | 3 - F; | 4 - B; | 5 - E; | 6 - A |
|---|---|---|---|---|---|---|

**5. Harakatli va harakatsiz birikkan suyaklarga mos raqamlarni jadvalning o`ng tomoniga yozing.**

1) tirsak 3) tizza 5) chakka 7) kaftusti 9) panja 11) yelka
2) peshana 4) son-chanoq 6) pastki jag` 8) ensa 10) boldir-tovon
12) tepa

| suyaklarning birikish turi | javob raqamlar |
|---|---|
| harakatli | |
| harakatsiz | |

**Жавоби:**

| suyaklarning birikish turi | javob raqamlar |
|---|---|
| harakatli | 1, 3, 4, 6, 7, 9, 10 11. |
| harakatsiz | 2, 5, 8, 12. |

**6. Quyida berilgankasalliklarni me'da-ichaklarning yallig'lanish va yuqumli kasalliklarga ajrating va mos raqamlarni jadvalning *javob raqamlar* qismiga yozing.**

*1) gastrit; 2) qorin tifi; 3) salmonelloz; 4) enterit, 5) vabo; 6) dizenteriya; 7) kolit; 8) botulism, 9) virusli gepatit*

| kasallik turi | javob raqamlar |
|---|---|
| me'da-ichaklarning yallig'lanish kasalliklari | |
| me'da-ichaklarning yuqumli kasalliklari | |

**Жавоби:**

| kasallik turi | javob raqamlar |
|---|---|
| me'da-ichaklarning yallig'lanish kasalliklari | 1, 4, 7 |
| me'da-ichaklarning yuqumli kasalliklari | 2, 3, 5, 6, 8, 9 |

7. Quyida berilagan fikrlarning qaysilari to'g'ri?

A. Odam bosh skeletida miya qismi yuz qismiga nisbatan katta.

B. Hayvonlar bosh skeletining yuz qismi miya qismiga nisbatan yaxshi rivojlangan.

C. Odam bosh skeletining yuz qismi miya qismiga nisbatan yaxshi rivojlangan.

D. Murakkab va nozik qo'l harakatlarni bajarishda, ayniqsa, qo'l bosh barmog'ining roli nihoyatda katta.

E. Murakkab va nozik qo'l harakatlarni bajarishda. ayniqsa, qo'l ko'rsatkich barmoqning roli nihoyatda katta.

F. Odamning tik yurishi uning chanoq suyaklari va chanoq bo'shlig'ining kattalashuviga sabab bo'lgan.

G. Hayvonlarning orqa oyoq suyaklari oamning oyoqlariga nisbatan kuchli rivojlangan bo'lishiga olib keldi.

**Javob:**

_______________________________________________

**Javob:** A, B, D, F

**8. To'g'ri javoblarni aniqlang. Sun'iy nafas oldiriladigan kishi ____________**

1. Tekis joyga chalqancha yotqiziladi.
2. Boshi tagiga yostiq qo'yiladi.
3. Yelkasi tagiga yostiq qo'yiladi.
4. Bemorning og'ziga ikki qavat bint yopiladi.
5. Bir minutda 12-15 marta, har 4-5 sekundda og'ziga puflanadi.
6. Bir minutda 20-30 marta, har 2-3 sekundda og'ziga puflanadi.

7. Agar bemorning yuragi ishlab turgan bo'lsa, to uning o'zi nafas ola boshlaguncha sun'iy nafas oldirish davom ettiriladi.
8. Bemorning labi yara tishlari qonagan bo'lsa u og'izdan burunga usulida sun'iy nafas oldiriladi.
9 Bemorning labi yara va tishlari qonagan bo'lsa u og'izdan og'izga usulida sun'iy nafas oldiriladi.

**Жавоби: 1, 3, 4, 5, 7, 8**

**9. Quyida berilagan fikrlarning qaysilari to'g'ri? Javoblar jadvaliga "ha" yoki "yo'q" so'zlarini yozing.**

A. Odam bosh skeletida miya qismi yuz qismiga nisbatan katta.
B. Hayvonlar bosh skeletining yuz qismi miya qismiga nisbatan yaxshi rivojlangan.
C. Odam bosh skeletining yuz qismi miya qismiga nisbatan yaxshi rivojlangan.
D. Murakkab va nozik qo'l harakatlarni bajarishda, ayniqsa, qo'l bosh barmog'ining roli nihoyatda katta.
E. Murakkab va nozik qo'l harakatlarni bajarishda, ayniqsa, qo'l ko'rsatkich barmoqning roli nihoyatda katta.
F. Odamning tik yurishi uning chanoq suyaklari va chanoq bo'shlig'ining kattalashuviga sabab bo'lgan.
G. Hayvonlarning orqa oyoq suyaklari oamning oyoqlariga nisbatan kuchli rivojlangan bo'lishiga olib keldi.

| A | B | C | D | E | F | G |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |

**Javob:**

| A | B | C | D | E | F | G |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ha | ha | yo'q | ha | yo'q | ha | yo'q |

**10. Berilgan misollarga mos raqamlarni jadvalning raqamlar qismiga yozing.**

| № | Misol | № | Misol | Muskulning ishi | Raqamlar |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | qo'lni oldinga ko'tarib turish | 6 | qo'lni yuqoriga ko'tarib turish | **Muskulning statik ishi** | |
| 2 | yurish | 7 | sakrash | | |
| 3 | qaldirg'och holati | 8 | yozish | **Muskulning dinamik ishi** | |
| 4 | yugurish | 9 | startoldi holati | | |
| 5 | tik turish | 10 | gapirish | | |

**10. Berilgan misollarga mos raqamlarni jadvalning raqamlar qismigaga yozing. Жавоби:**

| № | Misol | № | Misol | Muskulning ishi | Raqamlar |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | qo'lni oldinga ko'tarib turish | 6 | qo'lni yuqoriga ko'tarib turish | **Muskulning statik ishi** | 1,3,5,6,9 |
| 2 | yurish | 7 | sakrash | | |
| 3 | qaldirg'och holati | 8 | yozish | **Muskulning dinamik ishi** | 2,4,7,8,10 |
| 4 | yugurish | 9 | startoldi holati | | |
| 5 | tik turish | 10 | gapirish | | |

**11. Eritrotsitlarga (A), leykotsitlarga (B), trombotsitlarga (C) xos xususiyatlarni aniqlang va jadvalning "javob" qismiga yozing.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1) o'rtasi ozroq botiq, yumaloq shaklga ega | | | |
| 2) ular organizmga kirgan mikroblarni yutib, eritib yuboradi | | | |
| 3) yadrosi bo'lmaydi | | | |
| 4) 1 mm³ qonda 4—6 million, o'rtacha 5 million dona bo'ladi | | | |
| 5) mikroblar va zararlangan hujayralarni yutib halok bo'ladi | | | |
| 6) 2—5 kun yashaydi | | | |
| 7) soni normal bo'lishi uchun ovqat tarkibida oqsil, temir yetarli miqdorda bo'lishi zarur | | | |
| 8) soni kamayganda qonning ivish xossasi buziladi | | | |
| 9) odam yuqumli kasalliklar bilan kasallanganda soni ko'payadi | | | |
| **Javob** | **A -** | **B -** | **C -** |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Javobi** | **A - 1, 3, 4, 7;** | **B - 2, 5, 6, 9;** | **C - 3, 5, 6, 8;** |

**12. Katta qon aylanish doirasida qon qanday organlar orqali o'tish ketma - ketligini ifodalagan holda tegishli raqamlarni kataklarga yozing.**

1) aorta qon tomiri; 2) yuqorigi va pastki kovak venalar; 3) o'ng bo'lmacha; 4) yirik, o'rta va mayda arteriya tomirlari; 5) venalar; 6) to'qima va organlar; 7) yurakning chap qorinchasi ;

☐ → ☐ → ☐ → ☐ → ☐ → ☐ → ☐

Жавоби:

7 → 1 → 4 → 6 → 5 → 2 → 3

**13. Kichik qon aylanish doirasida qon qanday organlar orqali o`tishini sxemada ifodalang.**

1) o`pka arteriyasi; 2) o`pka alveolalari; 3) yurakning chap bo`lmachasi; 4) yurakning o`ng qorinchasi; 5) o`ng va chap o`pka arteriyalari; 6) 4 ta o`pka venalari;

**Javob:**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |

**Javob:**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4 | 1 | 5 | 2 | 6 | 3 |

**14. Yurak va qon tomirlar faoliyatining boshqaruvchilar va ularning faoliyati o`rtasidagi muvofiqlikni jadvalda tog`ri ifodalang.**

BOSHQARUVCHILAR FAOLIYATI

A. Simpatik nerv tolalari

B. Parasimpatik nerv tolalari

C. Buyrakusti bezining adrenalin gormoni

D. Gipofiz bezining vazopressin gormoni

BOSHQARUVCHILAR

1) kuchaytiradi

2) susaytiradi

| A | B | C | D |
|---|---|---|---|
| | | | |

**Жавоби:**

| A | B | C | D |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 1 | 1 |

**15. Muskullarni va ularning nafas olishda va nafas chiqarish harakatidagi muvofiqlikni aniqlang.**

MUSKULLAR HARAKATI

A. Tashqi qovurg`alararo muskullar qisqaradi

B. Ichki qovurg`alararo muskullar qisqaradi harakati

C. Diafragma qisqaradi

D. Bo`yin muskullari qisqradi

E. Qorin muskullari qisqaradi

NAFAS OLISH

1) nafas olish harakati

2) nafas chiqarish

| A | B | C | D | E |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

**Жавоби:**

| A | B | C | D | E |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 1 | 1 | 2 |

**16. Naqtalar o`rniga mos raqamlarni qo`ying.**

Nerv markazlaridagi nerv hujayralari qo'zg'algan vaqtda ............

Nerv markazlaridagi nerv hujayralari tormozlanish vaqtida ............

1) ular ish bajaradi;

2) nerv hujayralari dam oladi;

3) nerv hujayralari o'ziga energiya to'playdi;

4) nerv markazining ishi yaxshilanadi;

5) refleks hosil bo'ladi.

**Жавоби:**

Nerv markazlaridagi nerv hujayralari qo'zg'algan vaqtda **1, 5.**

Nerv markazlaridagi nerv hujayralari tormozlanish vaqtida **2, 3, 4.**

## ТИНГЛОВЧИЛАР УЧУН ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ

| УФЭ | МОДУЛЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ | МЕТОДИК КЎРСАТ-МА | БАЛЛ |
|---|---|---|---|
| 1. | **Мақсад:** Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолашда стандарт ва ностандарт тест топшириқларини тузишни ўрганиш.<br>1-модул бўйича берилган материалларни диққат билан ўқиб чиқинг ва қуйидаги саволларга жавоб топинг.<br>2. Стандарт ва ностандарт тест топшириқларининг ўхшашлиги ва фарқини эътиборга олган ҳолда Венн диаграммасини тузинг.<br>3. Ностандарт тест топшириқларининг турларини аниқланг ва улардан педагогик фаолиятингизда фойдаланиш йўлларини белгиланг.<br>4. Ностандарт тест топшириқларини ўрганинг ва ўзингиз ўқийдиган курс мазмунидан муайян мавзу бўйича тест топшириқларини шакллантиринг.<br>5. Сиз қандай ўзгартиришлар киритишни таклиф этасиз? | Кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда ишланг | 2-балл |
| 2. | **Мақсад:** Тингловчилар томонидан талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма малакалари ва компетенцияларини назорат | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | қилиш ва баҳолаш мақсадида шакллантирилган ностандарт тест топшириқларини таҳлил қилиш.<br>1. Сизга тавсия этилган ностандарт тест топшириқларини намуна сифатида қабул қилиб, ўзингиз ўқийдиган курс бўйича 15 та тест топшириғини тузинг.<br>2. Курс бўйича шакллантирилган ностандарт топшириқларини тақдимотга тайёрланг.<br>3. Ўзингиз тузган тест топшириқларининг афзаллиги, камчилиги ва уни тузишда учраган қийинчиликлар юзасидан фикр билдиринг. | | 5-балл |
| 3. | Модул дастурини якунлаш.<br>Мақсад: Ўз фаолиятини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш.<br>1. Модул дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг. Кўзланган мақсадга қай даражада эришдингиз?<br>2. Ўқув топшириғидаги модуллардан кўзда тутилган дидактик мақсадларни такрорланг. Уларни бажаришда қандай қийинчиликларни енгишга эришдингиз?<br>3. Ушбу модул дастури сизнинг педагогик фаолиятингизда қандай ўзгаришлар бўлишига замин тайёрлайди деб ўйлайсиз?<br>4. Мустақил ишлаш жараёнидаги фаолиятингизни 5 балл билан баҳоланг.<br>5. Амалий машғулот давомидаги ўз фаолиятингиздан кўникиш ҳосил қилмаган бўлсангиз матн ва модул дастури устида такроран ишланг. | Тўплаган балларингизни жамланг ва кейинги каторга ёзинг | |
| | Тингловчининг машғулот давомида тўплаган баллари | жами | балл |

## 4-амалий машғулот

## Мавзу: Тест топшириғининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий тест топшириқларини тузиш

**Амалий машғулотнинг мақсади:** Тингловчиларни тест топшириғининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий тест топшириқлари тавсифи, тест топшириқларининг мазмуни ва сифатига ДТМ томонидан қўйиладиган талаблар билан таништириш, тингловчиларда мазкур тест топшириқларини тузиш ва таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш учун зарур бўладиган методик билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш.

Педагогик амалиётда аксари ҳолларда стандарт тест топшириқларидан фойдаланилади. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларидаги таълим муассасаларининг иш тажрибасини ўрганиш натижасида талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма, малакалар ва таянч ва хусусий компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолашда ностандарт тест топшириқларидан ижобий натижани бераётганлигини кўрсатди.

Мазкур ностандарт тест топшириқлари My test дастурига киритилиб, адаптив тест топшириқларига айлантирилади ва амалиётга жорий этилади.

Маълумки, тест топшириқларининг қийинлик даражаси ўрганилаётган объектнинг хусусиятларини ўзида тўлиқ акс эттириб, у таҳсил олувчилар томонидан мазкур хусусиятларни аниқлаш учун бажарадиган ақлий операцияларига кўра:

- Репродуктив даража;
- Продуктив даража;
- Қисман-изланишли даража;
- Ижодий (креатив) даражада бўлиши мумкин.

**Репродуктив даражадаги тест топшириқлари** таҳсил олувчиларнинг томонидан ёдда сақланган билим, кўникма ва малакаларни таниш одатий вазиятда ахборотларни қайта ишламасдан жавоб қайтаришни талаб этади. Бу даражада тузилган тестлар таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни аниқ баҳолаш имконини бермайди.

Репродуктив тест топшириқларидан намуна келтирилмоқда:

**Продуктив даражада** тузилган тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ўрганилган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш умумий хулоса чиқариш орқали жавоб беришни талаб этади.

Мазкур тест топшириқлари аввалги мавзуда ўрганилган объектнинг кейинги мавзуда ўрганилган объект билан қиёслашни амалга ошириш имконияти бўлганлиги сабабли, мавзулараро боблараро ва фанлараро боғланишни талаб этади.

**Қисман-изланишли даражадаги** тест топшириклари таҳсил олувчилар томонидан ўрганилган объектларнинг хусусиятларини бошқа объектга кўчириш, мазкур объектларни таққослаб, кейинги объектнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида хулоса чиқариш, қисман изланиш олиб боришни талаб этади. Таҳсил олувчилар томонидан мазкур даражадаги тест топширикларига жавоб беришда аввал ўзлаштирилган билимлар янги вазиятларга кўчирилади.

**1- Топшириқ Қуйидаги фикрларни уларнинг муаллифлари билан жуфтланг ва белгиланган жойга ёзинг:**

| № | Фикрлар | | Фикрларнинг муаллифлари |
|---|---|---|---|
| 1 | "Театр – бу ибратхонадур" | А | Алишер Навоий |
| 2. | «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур.». | Б | Маҳмудхўжа Беҳбудий |
| 3. | «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» | В | Абдулла Авлоний |
| 4. | «Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз» | Г | Ислом Каримов |
| 5 | «Темур баланд бўйли, тик қоматли, кенг пешонали, калласи катта, бағоят кучли ва салобатли,... ҳақгўй киши эди» | Д | Баҳоуддин Нақшбанд |
| 6. | «Соҳибкирон бобомиз қўлида найза эмас, отнинг жиловини тутиб тургани маъқул" | Е | Амир Темур |
| 7. | «Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир» | Ж | Ибн Арабшоҳ |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | |

**1. Саналарни содир бўлган воқеалар билан жуфтланг:**

| № | Саналар | | Воқеалар |
|---|---|---|---|
| 1. | 2001 | А | «Алпомиш» достони хам миллатчилик руҳидаги асар сифатида қораланиб, қатағонга учраган эди. |
| 2. | 1998 йил | Б | Мамлакатимизда «Оила йили» деб эълон қилинди |
| 3. | 2007 йилда | В | Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кабул қилинди |
| 4. | милодий 870 йили | Г | Ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди. |
| 5. | ўтган асрнинг | Д | АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | 50-йиллари | | йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани |
| 6. | 1992 йил | Е | Юртимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни нишонланадиган бўлди |
| 7. | 1989 йил | Ж | Маърифатпарвар зиёлиларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси ишлаб чиқилди ва жорий этилди. |
| 8. | 1929 йилда | З | Собиқ СССР ҳудудида мудҳиш оммавий сиёсий қатағонлар бўлди. |
| 9. | 1993 йил | И | Тарихимиздаги яна бир мумтоз сиймо - Имом Мотуридий таваллуд топган. |
| 10. | 1937-1953 йилларда | К | Юртимизда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди |

**Ижодий (креатив) даражада** тузилган тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ижодий фикр юритиш кўникмаларига эга бўлиш, мазкур тест топшириқларини бажариш жараёнида таҳсил олувчилар томонидан аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллашни талаб этади.

Қуйидаги жумлалардаги хатоликни топинг:

1. «Авесто»нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган тамойил «Эзгу фикр, эзгу мулоҳаза, эзгу сўз».
2. ЮНЕСКО томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган.
3. Имом Бухорий «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарафга сазовор бўлган.
4. Америкалик фан тарихчиси Сартон XI асрни «Фарғоний асри» деб таърифлайди.
5. Мирзо Улуғбекка Москва, Токио ва Боку шаҳарларида муҳташам ҳайкаллар ўрнатилган.

## 10-ТОПШИРИҚ ЖАВОБЛАРИ

1. «Авесто»нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган тамойил «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал».
2. АЙСЕСКО томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган.
3. Имом Бухорий «муҳаддислар султони» деган юксак шарафга сазовор бўлган. Имом Мотуридий
   ислом оламида «Мусулмонларнинг эътиқодини
   тузатувчи» деган номга сазовор бўлган.
4. Америкалик фан тарихчиси Сартон XI асрни «Беруний асри» деб таърифлайди.
5. Алишер Навоийга Москва, Токио ва Боку шаҳарларида муҳташам ҳайкаллар ўрнатилган. Мирзо Улуғбекка ҳайкал Литвада қўйилган.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ ДАВОМИДА ТИНГЛОВЧИЛАР ТОМОНИДАН БАЖАРИЛАДИГАН ТОПШИРИҚЛАР ЮЗАСИДАН МЕТОДИК КЎРСАТМА

1. Тест топшириғининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талабларни ўрганинг.

2. Тест топшириқларининг қийинлик даражасига кўра ўзингиз ўқийдиган курс бўйича репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий даражадаги тест топшириқларини тузинг.

3.Тест топшириқларининг мазмуни ва сифатига ДТМ томонидан қўйиладиган талабларни ўрганиб чиқинг.

4. Ўзингиз ўқийдиган курс бўйича тузган репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий даражадаги тест топшириқларини ДТМ томонидан қўйиладиган талабларга мослаштиринг

### Тест топшириқларини шакллантириш алгоритмлари

**I-Алгоритм.** Ўқув курси бўйича саволлар тўпламини тузинг. Саволларни боблар, мавзулар бўйича рақамланг. Масалан, агар савол 1-боб, 1-мавзудан олинган бўлса, у холда 1.1. рақамини, кейинги саволларни ҳам шу тарда рақамланг. Ушбу рақамлар тест топшириғининг паспортини тузиш учун керак бўлади.

**II-Алгоритм**. Саволлар тўпламидан ўрин олган саволларнинг жавобларини аниқланг ва ёзинг. Уларнинг қисқа, лўнда, мантиқий ва стилистик жихатдан талаб даражасида бўлишига эришинг.

**III-Алгоритм.** Савол ва унинг тўғри жавобига мос муқобил жавобларни шакллантиринг. Бу жараёнда муқобил жавоблар битта мавзу доирасида ва тўғри жавобга мазмунан яқин бўлишига эътибор қаратинг.

**IY-Алгоритм.** Тест топшириқларининг турларини эътиборга олган ҳолда қайси турда (стандарт: ёпиқ, очиқ, ностандарт: адаптив, интеграл, мослли-мўлжалли, кўп жавобли, тасвирли ёки чизмали) шакллантиришни белгиланг.

**Y-Алгоритм.** Тест топшириқларининг қийинлик даражасини аниқланг ва уни (I, II, III, IY) ёнига ёзинг.

**YI-Алгоритм.** Тест топшириғи асос қилиб олинган тушунчанинг муҳимлик даражасига қараб, уни Рейтинг тизимининг қайси назорат турида фойдаланишни белгиланг.

**YII-Алгоритм.** Тест топшириғининг паспортини қуйидаги жадвал асосида шакллантиринг.

## ТЕСТ ТОПШИРИГИ ПАСПОРТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

### ТЕСТ ТОПШИРИГИ ПАСПОРТИ

| Курс боби | Курс бўлими | Қийинлик даражаси | Тест топшириги | Тўгри жавоб | Муқобил жавоб | Муқобил жавоб | Муқобил жавоб |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1 | 1 | Аҳмад Фаргоний хотирасига қайси хорижий мамлакатнинг пойтахтида ҳайкал қўйилган? | *Миср пойтахти Коҳира шаҳрида | Россия пойтахти Москва шаҳрида | Япония пойтахти Токио шаҳрида | Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида |

### ШУ САВОЛ БЎЙИЧА ОЧИҚ ВА ЁПИҚ ТЕСТ

| № | ОЧИҚ ТЕСТ | № | ЁПИҚ ТЕСТ |
|---|---|---|---|
| 1.1.1. | 1.Аҳмад Фаргонийга ...... мамлакатнинг пойтахти ......да ҳайкал қўйилган?<br>А. Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида.<br>В. Россиянинг пойтахти Москва шаҳрида<br>С. Япониянинг пойтахти Токио шаҳрида<br>Д. Озарбайжоннинг пойтахти Боку шаҳрида | 1.1.1. | 1. Аҳмад Фаргонийга қайси мамлакатнинг пойтахтида ҳайкал қўйилган?<br>А. Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида.<br>В. Россиянинг пойтахти Москва шаҳрида<br>С. Япониянинг пойтахти Токио шаҳрида<br>Д. Озарбайжоннинг пойтахти Боку шаҳрида |

**VIII-Алгоритм.** Ўкув курси мазмуни бўйича тузилган саволлар тўплами, улар асосида тузилган тест топшириқлари мажмуаси. Рейтинг тизимининг назорат турлари: жорий, оралиқ ва якуний назорат учун гуруҳланган тестларни ўкув-методик мажмуадан ўрин олган мавзуларни назорати учун шакллантирилган саволлар таркибига киритинг.

## ТИНГЛОВЧИЛАР УЧУН МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ

## ЎЗИНГИЗ ЎҚИЙДИГАН КУРС БЎЙИЧА ЖОРИЙ НАЗОРАТ УЧУН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

1. Жорий назорат топшириқлари шу мавзунинг мазмунини қамраб олиши лозим.
2. Мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда назорат топшириқларида:

- Очиқ тест топшириқлари;
- Ёпиқ тест топшириқлари;
- Кўп жавобли тест топшириқлари;
- Стандарт ва ностандарт тест топшириқлари бўлиши лозим.

3. Тест топшириқларининг қийинлик даражаси репродуктив (30%), продуктив (30%), қисман-изланишли (20%) ва креатив тест топшириқлари (20%) миқдорда бўлиши тавсия этилади.
4. Мавзулар бўйича шакллантирилган ностандарт тест топшириқларини My test дастурига киритинг ва амалиётга жорий этиш йўлларини белгиланг.

## ЎЗИНГИЗ ЎҚИЙДИГАН КУРС БЎЙИЧА ОРАЛИҚ НАЗОРАТ УЧУН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

1. Оралиқ назорат топшириқлари ўрганилган боб ёки бўлим мазмунини қамраб олиши лозим.
2. Боб ёки бўлим мазмунидан келиб чиққан ҳолда назорат топшириқларида:

- Очиқ тест топшириқлари;
- Ёпиқ тест топшириқлари;
- Кўп жавобли тест топшириқлари;
- Стандарт ва ностандарт тест топшириқлари бўлиши лозим.

3. Тест топшириқларининг қийинлик даражаси репродуктив (30%), продуктив (30%), қисман-изланишли (20%) ва креатив тест топшириқлари (20%) миқдорда бўлиши тавсия этилади.
4. Боб ёки бўлим мазмунини қамраб олиб шакллантирилган ностандарт тест топшириқларини My test дастурига киритинг ва амалиётга жорий этиш йўлларини белгиланг.

## ЎЗИНГИЗ ЎҚИЙДИГАН КУРС БЎЙИЧА ЯКУНИЙ НАЗОРАТ УЧУН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

1. Якуний назорат топшириқлари ўрганилган курс мазмунини қамраб олиши лозим.
2. Курс мазмунидан келиб чиққан ҳолда назорат топшириқларида:

- Очиқ тест топшириқлари;
- Ёпиқ тест топшириқлари;
- Стандарт ва ностандарт тест топшириқлари бўлиши лозим.

3. Тест топшириқларининг қийинлик даражаси репродуктив (40%), продуктив(30%), қисман-изланишли (30%) миқдорда тест топшириқлари бўлиши тавсия этилади.

4. Курс мазмунини қамраб олинган ва шакллантирилган ностандарт тест топшириқларини My test дастурига киритинг ва амалиётга жорий этиш йўлларини белгиланг.

## ТИНГЛОВЧИЛАР УЧУН ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ

| УФЭ | МОДУЛЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ | МЕТОДИК КЎРСАТМА | БАЛЛ |
|---|---|---|---|
| 1. | **Мақсад:** Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолашда стандарт ва ностандарт тест топшириқларини тузишни ўрганиш.<br>1-модул бўйича берилган материалларни диққат билан ўқиб чиқинг ва қуйидаги саволларга жавоб топинг.<br>1. Стандарт ва ностандарт тест топшириқларининг ўхшашлиги ва фарқини эътиборга олган ҳолда Венн диаграммасини тузинг.<br>2. Ностандарт тест топшириқларининг турларини аниқланг ва улардан педагогик фаолиятингизда фойдаланиш йўлларини белгиланг.<br>3. Ностандарт тест топшириқларини ўрганинг ва ўзингиз ўқийдиган курс мазмунидан муайян мавзу бўйича тест топшириқларини шакллантиринг.<br>4. Сиз қандай ўзгартиришлар киритишни таклиф этасиз? | Кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда ишланг | 2-балл |
| 2. | **Мақсад:** Тингловчилар томонидан талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш мақсадида шакллантирилган ностандарт тест топшириқларини таҳлил қилиш.<br>1. Сизга тавсия этилган ностандарт тест | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | топширикларини намуна сифатида кабул килиб, ўзингиз ўкийдиган курс бўйича 15 та тест топширигини тузинг.<br>2. Курс бўйича шакллантирилган ностандарт топширикларини такдимотга тайёрланг.<br>3. Ўзингиз тузган тест топширикларининг афзаллиги, камчилиги ва уни тузишда учраган кийинчиликлар юзасидан фикр билдиринг. | | |
| 3. | Модул дастурини якунлаш.<br>Максад: Ўз фаолиятини таҳлил килиш, ўз-ўзини баҳолаш.<br>1. Модул дастурининг дидактик максадини ўкиб чикинг. Кўзланган максадга кай даражада эришдингиз?<br>2. Укув топширигидаги модуллардан кўзда тутилган дидактик максадларни такрорланг. Уларни бажаришда кандай кийинчиликларни енгишга эришдингиз?<br>3. Ушбу модул дастури сизнинг педагогик фаолиятингизда кандай ўзгаришлар бўлишига замин тайёрлайди деб ўйлайсиз?<br>4. Мустакил ишлаш жараёнидаги фаолиятингизни 5 балл билан баҳоланг.<br>5. Амалий машгулот давомидаги ўз фаолиятингиздан коникиш ҳосил килмаган бўлсангиз матн ва модул дастури устида такроран ишланг. | Тўплаган балларингиз-ни жамланг ва кейинги каторга ёзинг | |
| | Тингловчининг машгулот давомида тўплаган баллари | жами | балл |

## ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК КВАЛИМЕТРИЯ МОДУЛИДАН КЕЙС-СТАДИ ТОПШИРИКЛАРИ

### 1-кейс

Республикамизда олий таълим муассасаларига тест синовлари оркали кабул килиш йўлга кўйилган. Тест синовларининг афзалликлари мавжуд бўлишига карамасдан, ўкишга кабул килинган талабаларнинг билимларида муайян камчиликлар учрайди. Уларнинг баъзиларида нутк ва мулокот маданияти паст даражада, ўз фикрини баён этиш, фикрини асослаш кўникмалари, ижодий ва мустакил фикр юритиш кўникмалари таркиб топмаганлиги маълум бўлади.

**Саволлар:**

1. Муаммо нимадан иборат?

2. Мазкур муаммони ҳал этиш учун профессор-ўқитувчилар қандай ишлар олиб бориши лозим деб ўйлайсиз?

3. Сиз бу муаммога қандай ечимлар таклиф қиласиз?

**Манба:** Педагогик квалиметрияга доир адабиётлар.

**Тингловчилар учун кўрсатмалар:**

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ дахлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга ҳаракат қилинг.
5. Ўз фикрингизни баён этинг.

**Кейсни ечиш жараёни:**

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан танишиш орқали кичик гуруҳда муҳокама қилинади.

2. Тингловчи кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда муаммони ҳал этишга замин тайёрлайдиган омилларни аниқлайди.

3. Муаммони ҳал этишга имкон берадиган омиллардан энг муҳимлари ажратиб олинади.

4. Кичик гуруҳ аъзолари умумий фикр асосида энг муҳим омилларни баён этади.

5. Кичик гуруҳларнинг фикрлари таҳлил этилади ва умумий хулоса ясалади.

**Ўқитувчининг ечими**

1-омил: Давлат Тест маркази томонидан фанлар бўйича тузилган тест топшириқлари стандарт тестлар бўлиб, абитуриентларнинг фан асосларини ўзлаштириш даражасини аниқлашга эмас, балки уларнинг хотирасининг кучлилик даражасини аниқлайди.

2-омил: Профессор-ўқитувчилар ўқишга қабул қилинган талабаларнинг нутқ ва мулоқот маданияти, ўз фикрини баён этиш, фикрини асослаш кўникмалари, ижодий ва мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида ностандарт ўқув ва тест топшириқларидан фойдаланиши лозим.

**2-кейс**

Олий таълим муассасасининг "Аноним хатлар" қутисига табиий фанлар факультетида педагогик фаолият юритаётган Ҳасан Ҳусановичнинг таъмагирлиги, талабаларга тазйиқ ўтказиши ҳақида маълумот келиб тушди.

Факультет декани Ҳасан Ҳусанович машғулот олиб борадиган гуруҳ талабалари билан Ҳасан Ҳусанович иштирокида умумий тарзда суҳбат ўтказди. Суҳбат давомида хат кўрсатилган фактлар тасдиқланмади. Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?

**Саволлар:**

1. Факультет декани ушбу масалани ўрганишда қандай хатога йўл қўйди?
2. Ушбу масала қандай ўрганиш лозимлиги ҳақида тавсия ишлаб чиқинг.

3. Нима сабабдан суҳбат давомида талабалар томонидан Ҳасан Ҳусановичнинг педагогик фаолиятидаги камчиликлар борасида фикр билдирилмади?

4. Сиз ушбу муаммони қандай ҳал этган бўлардингиз?

**Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Инсон ҳуқуқлари декларацияси", "Олий таълим тўғрисида"ги Низом, Олий таълим муассасаларининг Устави[11], Педагогик квалиметрия.

**Тингловчилар учун кўрсатмалар:**

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга ҳаракат қилинг.
5. Ўз фикрингизни баён этинг.

**Кейсни ечиш жараёни:**

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан танишиш орқали кичик гуруҳда муҳокама қилинади.
2. Тингловчи кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда муаммони ҳал этишга замин тайёрлайдиган омилларни аниқлайди.
3. Муаммони ҳал этишга имкон берадиган омиллардан энг муҳимлари ажратиб олинади.
4. Кичик гуруҳ аъзолари умумий фикр асосида энг муҳим омилларни баён этади.
5. Кичик гуруҳларнинг фикрлари таҳлил этилади ва умумий хулоса ясалади.

**Ўқитувчининг ечими**

Факультет раҳбарлари ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги камчиликларни ўрганишда хатоликка йўл қўйган. Бу ҳолатда педагогик квалиметриянинг аноним сўровнома методидан фойдаланиш ва олинган натижаларни муҳокама этилиши лозим эди

**3-кейс**

Факультет илмий Кенгашида "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" танловига номзодлар танланмоқда. Бакалавриат йўналишининг 3 курсида турли курслардан машғулот олиб борадиган 2 та профессор-ўқитувчининг педагогик фаолияти ва эришилган натижалар таҳлил этилмоқда. Ҳар иккала устознинг ҳамма кўрсаткичлари бир хил, лекин талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштирган билимлари таҳлилида фарқ мавжуд.

Биринчи устоз талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштирган билимларини стандарт тест топшириқлари билан баҳолаган ва 100% ўзлаштириш ва 60% таълим самарадорлигига эришган.

---

[11] Олий таълим. Меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Тузувчилар И. Мажидов ва бошқ. Т.: "Тафаккур бўстони", 2013

Иккинчи устоз талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштирган билимларини ностандарт тест топшириқлари билан баҳолаган ва 98% ўзлаштириш ва 50% таълим самарадорлигига эришган.

Илмий кенгаш йиғилиши биринчи устозни танловда ғолиб деб топган ва рағбатлантирилган.

**Саволлар:**

1. Факультет илмий Кенгаши ушбу масалани ўрганиш ва таҳлил қилишда қандай хатога йўл қўйди?
2. Ушбу масала қандай ўрганиш лозимлиги ҳақида тавсия ишлаб чиқинг.
3. Сиз қандай фикрдасиз. Илмий кенгаш йиғилиши тўғри қарор қабул қилдими?
4. Сиз ушбу муаммони қандай ҳал этган бўлардингиз?

**Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Инсон ҳуқуқлари декларацияси", "Олий таълим тўғрисида"ги Низом, Олий таълим муассасаларининг Устави. Педагогик квалиметрия.

**Тингловчилар учун кўрсатмалар:**

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ дахлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга ҳаракат қилинг.
5. Ўз фикрингизни баён этинг.

**Кейсни ечиш жараёни:**

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан танишиш орқали кичик гуруҳда муҳокама қилади.
2. Тингловчи кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда муаммони ҳал этишга замин тайёрлайдиган омилларни аниқлайди.
3. Муаммони ҳал этишга имкон берадиган омиллардан энг муҳимлари ажратиб олинади.
4. Кичик гуруҳ аъзолари умумий фикр асосида энг муҳим омилларни баён этади.
5. Кичик гуруҳларнинг фикрлари таҳлил этилади ва умумий хулоса ясалади.

**Ўқитувчининг ечими**

Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларининг Уставида ва "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" танловига номзодларни танлашда ижодкор, янгиликка интилувчан ва педагогик жараёнга инновацияларни жорий этган устозларга эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатилган.

Биринчи устознинг талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштирган билимларини стандарт тест топшириқлари билан юзаки баҳолаган ва олинган натижа амалда ўзини оқламаслиги аниқ. Бу ҳолатда иккинчи устоз томонидан талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштирган билимларини ностандарт тест топшириқлари билан

баҳолаганлиги унинг ижодкорлигини билдиради ва эришилган натижанинг ишончлилиги юқори.

Илмий кенгаш йиғилиши тўғри қарор қабул қилиши учун мазкур жараённи чуқур ўрганиши, интегратив ностандарт тест топшириқлари асосида талабалар билимини аниқлаш лозим эди.

## ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК КВАЛИМЕТРИЯ МОДУЛИДАН ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

**1. Квалиметрия сўзининг луғавий маъноси тўғри кўрсатилган жавобни топинг.**

A. Квалиметрия сўзи лотинча qualis-сифат, қадимий юнончә metros- ўлчов деган маънони билдиради.

B. Квалиметрия сўзи инглизча бўлиб, qualis-сифат, юнонча metros- ўлчов деган маънони билдиради.

C. Квалиметрия сўзи инглизча бўлиб, qualis сифат, metros даража деган маънони билдиради.

Д. Квалиметрия сўзи французча бўлиб, qualis касбий малака талаблари, метрос ўлчов деган маънони билдиради.

**2. Ҳозирги замон квалиметрия кўрсаткичлари қандай гуруҳларга ажратилади?**

A. табиий ва ижтимоий

B Физик ва кимёвий

C. Талаб ва шкала

D. Ишлаб чиқариш ва истеъмол маҳсулотлари

3. **Табиий(1) ва ижтимоий (2) кўрсаткичларни гуруҳланг.** а. физикавий б. воқеа ва ҳодисалар в. кимёвий г. педагогик жараён д. биологик е. шахс саводхонлиги

A. 1 а,в,д 2 б,г,е  B. 1 а,в,е 2 б,г,д  C. 1 б,г,е 2 а,в,д  D. 1 а,б,в 2 д,г,е

**4. Табиий квалиметрик кўрсаткичлар қандай гуруҳларга ажратилади?**

A. Физикавий, кимёвий, биологик

B. Шкала, индекс, модел

C. Талаблар, шкала, сифат белгиси

D. Давлат талаблари, модел ва математик статистик

**5. Объект ва маҳсулотларнинг сифатини ташхислаш ва баҳолаш қачондан бошлаб йўлга қўйилган?**

A. Эрамиздан аввалги XV аср  B XV аср  C. XIX аср  D. XX аср

**6. Дастлабки сифат кўрсаткичларга асосланган товаршунослик кафедраси қачон ва қаерда ташкил этилган?**

A 1549 йили Италиядаги Падуан университети

B. 1559 йили Италиядаги Падуан университети

C. 1569 йили Италиядаги Падуан университети

D. 1579 йили Италиядаги Падуан университети

**7. Дастлабки сифат кўрсаткичларга асосланган товаршунослик кафедраси қайси олий ўқув юртида ташкил этилган?**

A. Италиядаги Падуан университети

B. Италиядаги ҳунармандлар мактаби

C. Америкадаги гимназия

D. Европадаги олий ўқув юртларида

**8. XIX-XX- асрнинг бошларида объект ва маҳсулотларни баллар воситасида баҳолаш ва стандартлаштириш қайси мамлакатларда йўлга қўйилган?**

A. АҚШ ва Европа мамлакатлари

B. АҚШ ва Канада

C. АҚШ ва Франция

D. АҚШ ва Африка мамлакатлари

**9. Квалиметриянинг тармоқлари тўғри берилган жавобни топинг.**

A. Назарий, махсус, ва амалий

B. Назарий, методологик ва амалий

C. Махсус, педагогик ва тиббий

D. Махсус, амалий ва моделлаштириш

**10. Назарий квалиметрия нимани ўрганади?**

A. аниқ объект лойиҳаланади (абстракцияланади) ва унинг сифат кўрсаткичларининг умумий қонуниятлари ва математик моделларини ишлаб чиқади.

B. турли хилдаги ва ҳар хил мақсадда фойдаланиладиган аниқ объектнинг сифатини баҳолашнинг аниқ методикаси ва математик моделини ишлаб чиқади.

C. техника, ишлаб чиқариш, инсон меҳнати фаолияти, турли лойиҳа ва жараёнларнинг сифатини баҳолайди

D. педагогик жараён ва ўқитувчининг педагогик фаолиятининг сифатини белгилайди

**11. Махсус квалиметрия нимани ўрганади?**

A. аниқ объект лойиҳаланади (абстракцияланади) ва унинг сифат кўрсаткичларининг умумий қонуниятлари ва математик моделларини ишлаб чиқади.

B. турли хилдаги ва ҳар хил мақсадда фойдаланиладиган аниқ объектнинг сифатини баҳолашнинг аниқ методикаси ва математик моделини ишлаб чиқади.

C. техника, ишлаб чиқариш, инсон меҳнати фаолияти, турли лойиҳа ва жараёнларнинг сифатини баҳолайди

D. педагогик жараён ва ўқитувчининг педагогик фаолиятининг сифатини белгилайди

**12. Амалий квалиметрия нимани ўрганади?**

A. аниқ объект лойиҳаланади (абстракцияланади) ва унинг сифат кўрсаткичларининг умумий қонуниятлари ва математик моделларини ишлаб чиқади.

B. турли хилдаги ва ҳар хил мақсадда фойдаланиладиган аниқ объектнинг сифатини баҳолашнинг аниқ методикаси ва математик моделини ишлаб чиқади.

C. техника, ишлаб чиқариш, инсон меҳнати фаолияти, турли лойиҳа ва жараёнларнинг сифатини баҳолайди

D. педагогик жараён ва ўқитувчининг педагогик фаолиятининг сифатини белгилайди

**13. Педагогик квалиметрия нимани ўрганади?**

A. аниқ объект лойиҳаланади (абстракцияланади) ва унинг сифат кўрсаткичларининг умумий қонуниятлари ва математик моделларини ишлаб чиқади.

B. турли хилдаги ва ҳар хил мақсадда фойдаланиладиган аниқ объектнинг сифатини баҳолашнинг аниқ методикаси ва математик моделини ишлаб чиқади.

C. техника, ишлаб чиқариш, инсон меҳнати фаолияти, турли лойиҳа ва жараёнларнинг сифатини баҳолайди

D. педагогик жараён ва ўқитувчининг педагогик фаолиятининг сифатини белгилайди

**14. Ижтимоий квалиметрия умумий квалиметриянинг қайси тармоғига мансублигини топинг**

A. Амалий квалиметрия B. Назарий квалиметрия

C. Махсус квалиметрия D. Статистик квалиметрия

**15. Педагогик квалиметрия умумий квалиметриянинг қайси тармоғига мансублигини топинг**

A. Амалий квалиметрия B. Назарий квалиметрия

C. Махсус квалиметрия D. Статистик квалиметрия

**16. Педагогик квалиметриянинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиш тарихини шартли равишда нечта даврга бўлиб ўрганилади?**

A.3 B.4 C.5 D.6

**17. Педагогик квалиметриянинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиш тарихини шартли равишда бўлинган даврларни топинг**

A. Антик давр ва Ўрта асрлар, XVI – аср ва XIX-асрнинг охиригача бўлган давр, янги ва энг янги ривожланиш даври

B. Эрамиздан аввалги XV аср, XVI – аср ва XIX-асрнинг охиригача бўлган давр, янги ва энг янги ривожланиш даври

C. Эрамиздан аввалги XV аср, XVI – аср ва XIX-асрнинг охиригача бўлган давр, янги ва энг янги ривожланиш даври

D. Эрамиздан аввалги X аср, XVI – аср ва XIX-асрнинг охиригача бўлган давр, янги ва энг янги ривожланиш даври

**18. Педагогик квалиметриянинг ривожланишига асос бўладиган дидактик категориялар қайси педагог олим томонидан фанга киритилган?**

A. Я.А. Коменский B. Я.А. Герд

C. Ю.К. Бабанский D. Ю.И. Лернер

**19. Атоқли педагог Я.А. Коменскийнинг "Буюк дидактика" асарида қайси дидактик категориялар фанга киритилган?**

A. Ўқитиш мақсади, таълим мазмуни, билимларни назорат қилиш, таълим-тарбия жараёнининг сифатини белгилаш;

B. Билимларни сифатли етказиш, педагогик фаолиятни дидактик асослаш

C. Таълим-тарбиянинг узвийлиги

D. Таълим мазмуни, ўқитиш воситалари ва методларининг узвийлиги

**20. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда "имтиҳон", "коллеквиум", "диктант" каби атамалар қайси олим томонидан педагогика фанига киритилган?**

A. Я.А. Коменский   B. Я.А. Герд

C. Ю.К. Бабанский   D. Ю.И. Лернер

**21. Репродуктив даражадаги тест топшириқларига хос хусусиятларни топинг.**

1. билим, кўникма ва малакаларни таниш одатий вазиятда қўлланилади. 2. ахборотларни қайта ишламасдан жавоб қайтариш талаб этилади. 3. ўрганилган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш. 4. умумий хулоса чиқариш орқали жавоб беришни талаб этаилади. 5. ўрганилган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш. 6. ўрганилган объектларнинг хусусиятларини бошқа объектга кўчириш. 7. кейинги объектнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида хулоса чиқариш. 8. аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллашни талаб этилади

A. 1.2. B. 3.4. C. 5.4. Д. 7.8.

**22. Продуктив даражадаги тест топшириқларига хос хусусиятларни топинг.**

1. билим, кўникма ва малакаларни таниш одатий вазиятда қўлланилади. 2. ахборотларни қайта ишламасдан жавоб қайтариш талаб этилади. 3. ўрганилган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш. 4. умумий хулоса чиқариш орқали жавоб беришни талаб этаилади. 5. ўрганилиши лозим бўлган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш. 6. ўрганилган объектларнинг хусусиятларини бошқа объектга кўчириш. 7. кейинги объектнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида хулоса чиқариш. 8. аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллашни талаб этилади

A. 1.2. B. 3.4. C. 5.4. Д. 7.8.

**23. Қисман-изланишли даражадаги тест топшириқларига хос хусусиятларни топинг.**

1. билим, кўникма ва малакаларни таниш одатий вазиятда қўлланилади. 2. ахборотларни қайта ишламасдан жавоб қайтариш талаб этилади. 3. ўрганилган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш. 4. умумий хулоса чиқариш орқали жавоб беришни талаб этаилади. 5. ўрганилган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш. 6. ўрганилган объектларнинг хусусиятларини бошқа объектга кўчириш. 7. кейинги объектнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида хулоса чиқариш. 8. аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллашни талаб этилади

A. 1.2. B. 3.8. C. 5.4. Д. 6.7.

**24. Ижодий (креатив) даражадаги тест топшириқларига хос хусусиятларни топинг.**

1. билим, кўникма ва малакаларни таниш одатий вазиятда қўлланилади. 2. ахборотларни қайта ишламасдан жавоб қайтариш талаб этилади. 3. ўрганилган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш. 4. умумий хулоса

чиқариш орқали жавоб беришни талаб этилади. 5. ўрганилган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш. 6. ўрганилган объектларнинг хусусиятларини бошқа объектга кўчириш. 7. кейинги объектнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида хулоса чиқариш. 8. аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллашни талаб этилади

А. 1.2. В. 3.4. С. 5.6. Д. 7.8.

**25. Тест топшириқлари мантиқий йўналиши бўйича (1), таркиби жиҳатидан (2) гуруҳларга ажратилади?**

а) индуктив б) дедуктив в) гомоген г) гетероген д) интегратив е) адаптив.

А. 1-а.б 2-в.г. В. 1-в.г. 2- а.б. С. 1-д.е. 2-в.г. Д. 1-а.б 2-д.е.

**26. Гомоген тестларга хос хусусиятларни топинг.**

А. қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, битта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

В. қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, бир нечта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

С. интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, тайёргарлик даража ҳақида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади.

Д. автоматлаштирилган, индивидуал ёндашиш имконини берадиган, умумлаштириш имконини берадиган тест топшириқлари саналади.

**27. Гетероген тестларга хос хусусиятларни топинг.**

А. қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, битта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

В. қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, бир нечта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

С. интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, тайёргарлик даража ҳақида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади.

Д. автоматлаштирилган, индивидуал ёндашиш имконини берадиган, умумлаштириш имконини берадиган тест топшириқлари саналади.

**28. Интегратив тестларга хос хусусиятларни топинг.**

А. қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, битта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

В. қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, бир нечта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

С. интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, тайёргарлик даража ҳақида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади.

Д. автоматлаштирилган, индивидуал ёндашиш имконини берадиган, умумлаштириш имконини берадиган тест топшириқлари саналади.

**29. Адаптив тестларга хос хусусиятларни топинг.**

А. қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, битта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

В. қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, бир нечта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

С. интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, тайёргарлик даража ҳақида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади.

Д. автоматлаштирилган, индивидуал ёндашиш имконини берадиган, умумлаштириш имконини берадиган тест топшириқлари саналади.

**30. Қийинчилик даражаси бўйича пирамидали тестлар тестларнинг қайси гуруҳига мансуб?**

А. гомоген. В. гетероген С. адаптив Д. интегратив

**31. Фактик билимларни аниқлаш учун қандай қийинлик даражасига эга бўлган тестлар тузилади?**

А. репродуктив. В. продуктив С. қисман изланишли Д. ижодий (креатив)

**32. Таққослаш ва қиёслашга доир билимларни аниқлаш учун учун қандай қийинлик даражасига эга бўлган тестлар тузилади?**

А. репродуктив. продуктив В. қисман изланишли, ижодий (креатив)

С продуктив, қисман-изланишли Д. репродуктив, ижодий (креатив)

**33. Ассоциатив билимларни аниқлаш учун учун қандай қийинлик даражасига эга бўлган тестлар тузилади?**

А. репродуктив, репродуктив В. репродуктив, қисман изланишли

С. продуктив ижодий (креатив) Д. қисман изланишли, ижодий (креатив)

**34. Таърифларни аниқлаш учун учун қандай қийинлик даражасига эга бўлган тестлар тузилади?**

А. репродуктив В. қисман изланишли

С. продуктив Д ижодий (креатив)

**35. Блум таксономияси бўйича билиш ўқув мақсадини аниқлаш учун қандай қийинлик даражасига эга бўлган тестлар тузилади?**

А. репродуктив, репродуктив В. репродуктив, қисман изланишли

С. продуктив ижодий (креатив) Д. барча даражадаги тестлар

**36. Блум таксономияси бўйича тушуниш ўқув мақсадини аниқлаш учун қандай қийинлик даражасига эга бўлган тестлар тузилади?**

А. репродуктив, репродуктив В. продуктив, қисман изланишли, ижодий (креатив) С. продуктив ижодий (креатив) Д. барча даражадаги тестлар

**37. Блум таксономияси бўйича таҳлил ўқув мақсадини аниқлаш учун қандай қийинлик даражасига эга бўлган тестлар тузилади?**

А. репродуктив, репродуктив В. қисман изланишли, ижодий (креатив) С. продуктив ижодий (креатив) Д. барча даражадаги тестлар

**38. Блум таксономияси бўйича синтез ўқув мақсадини аниқлаш учун қандай қийинлик даражасига эга бўлган тестлар тузилади?**

А. репродуктив, репродуктив В. қисман изланишли, ижодий (креатив) С. продуктив ижодий (креатив) Д. барча даражадаги тестлар

**39. Жараён, алгоритмик билимларни аниқлаш учун учун қандай қийинлик даражасига эга бўлган тестлар тузилади?**

А. репродуктив, репродуктив В. продуктив, қисман изланишли

С. продуктив ижодий (креатив) Д. қисман изланишли, ижодий (креатив)

**40. Сабаб-оқибат муносабатлари ҳақидаги билимларни аниқлаш учун учун қандай қийинлик даражасига эга бўлган тестлар тузилади?**

А. репродуктив, репродуктив, қисман изланишли

В. продуктив, қисман изланишли

С. продуктив, қисман изланишли, ижодий (креатив)

Д. репродуктив,қисман изланишли, ижодий (креатив)

**41. Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадларини шакллантиришда амалиётга қўллаш мақсадидан кейин келадиган мақсад берилган жавобни топинг**

А таҳлил В. синтез С. тушиниш D. хулоса

**42.Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадларини шакллантиришда таҳлил мақсадидан кейин келадиган мақсад берилган жавобни топинг**

А.Синтез В.Билиш С.Таҳлил D.Амалиётга қўллаш

**43.Блум таксономияси бўйича билиш ўқув мақсадининг моҳиятини топинг.**

А. Ахборотни ўзлаштириш

В.Аҳамиятни англаш, асосий ғояни ажратиб кўрсатиш

С.Ахборотни янги кутилмаган вазиятда қўллаш

D. Ғояларни мужассамлаштириш

**44.Блум таксономияси бўйича синтез мақсадининг моҳиятини топинг**

А.Ғояларни мужассамлаштириш

В.Ахборотни ўзлаштириш

С.Аҳамиятни англаш, асосий ғояни ажратиб кўрсатиш

D.Ахборотни янги кутилмаган вазиятда қўллаш

**45.Билим – .....лар тизимидан иборат. Жумлани тўлдиринг.**

А.Тушунча В.Кўникма С.Малака D.Ғоя

**46.Билимга берилган тўлиқ жавобни топинг.**

А.нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белги ва хусусиятлари, жараёнлар тўғрисида фан томонидан аниқланган тушунчалардан таркиб топади.

В.объектларнинг муҳим белги ва хусусиятлари, жараёнлар тўғрисида фан томонидан аниқланган тушунчалардан таркиб топади.

С.объектларнинг муҳим белги ва хусусиятлари, жараёнлар тўғрисида фан томонидан аниқланган ғоялардан таркиб топади.

D.нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белги ва хусусиятлари, жараёнлар тўғрисида фан томонидан аниқланган қонунлардан таркиб топади.

**47.Билимларнинг таснифи ким томонидан ишлаб чиқилган?**

А.С. Блум ва унинг шогирди Р.Н. Гагне

В.С. Блум

С.Я.А. Герд

D.Р.Н. Гагне

**48.Тест топшириқлари ..... сирасига мансуб. Жумлани тўлдиринг.**

А.Дидактик материаллар

В.Ўқитиш восита

С.Ўқитиш методи

D.Таълим мазмунини ёритадиган материаллар

**49. Тест топшириқларининг дидактик функциялари тўлиқ берилган жавобни топинг.**

A.Таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, назорат

B.Мақсадга йўналтириш, рағбатлантириш, назорат

C.Таълимий, тарбиявий, мақсадга йўналтириш, рағбатлантириш

D.Ўқув мақсадларига эришиш ва назорат қилиш

**50.Тест топшириқларининг таълимий функцияси берилган жавобни топинг.**

A.Ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалардаги типик камчиликларни аниқлаш баробарида, талабаларни ўз билимларини орттириш мақсадида мунтазам, тизимли фан асосларини ўрганишга ундайди.

B.Баркамолликка замин тайёрлайдиган сифатлар: ирода, онгли интизом, муайян ўқув муаммоларини ҳал этишга сафарбарлик, чидамлилик, сабр-тоқат, ютуқларга эришиш учун билими ва кучини сарф этиши орқали шахс сифатида ривожланишига имконият яратади

C.Эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш, эришилган натижаларда ўзининг улуши муҳим ўрин тутишини эътиборга олган шахс ва келгуси фаолиятидаги маъсулиятини англаган ҳолда ўз-ўзини ривожлантиришга ундайди

D.ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалардаги типик камчиликларни аниқлаш, ирода, онгли интизомни вужудга келтириш, шахс ва келгуси фаолиятидаги маъсулиятини англаган билимларни орттиришга ундайди

**51.Тест топшириқларининг тарбиявий функцияси берилган жавобни топинг.**

A.Баркамолликка замин тайёрлайдиган сифатлар: ирода, онгли интизом, муайян ўқув муаммоларини ҳал этишга сафарбарлик, чидамлилик, сабр-тоқат, ютуқларга эришиш учун билими ва кучини сарф этиши орқали шахс сифатида ривожланишига имконият яратади

B.ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалардаги типик камчиликларни аниқлаш баробарида, талабаларни ўз билимларини орттириш мақсадида мунтазам, тизимли фан асосларини ўрганишга ундайди.

C.Эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш, эришилган натижаларда ўзининг улуши муҳим ўрин тутишини эътиборга олган шахс ва келгуси фаолиятидаги маъсулиятини англаган ҳолда ўз-ўзини ривожлантиришга ундайди

D.ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалардаги типик камчиликларни аниқлаш, ирода, онгли интизомни вужудга келтириш, шахс ва келгуси фаолиятидаги маъсулиятини англаган билимларни орттиришга ундайди

**52. Тест топшириқларининг ривожлантирувчи функцияси берилган жавобни топинг.**

A.Эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш, эришилган натижаларда ўзининг улуши муҳим ўрин тутишини эътиборга олган шахс ва келгуси фаолиятидаги маъсулиятини англаган ҳолда ўз-ўзини ривожлантиришга ундайди

B.ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалардаги типик камчиликларни аниклаш баробарида, талабаларни ўз билимларини орттириш мақсадида мунтазам, тизимли фан асосларини ўрганишга ундайди.

C.Баркамолликка замин тайёрлайдиган сифатлар: ирода, онгли интизом, муайян ўкув муаммоларини ҳал этишга сафарбарлик, чидамлилик, сабр-токат, ютуқларга эришиш учун билими ва кучини сарф этиши оркали шахс сифатида ривожланишига имконият яратади

D.ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалардаги типик камчиликларни аниклаш, ирода, онгли интизомни вужудга келтириш, шахс ва келгуси фаолиятидаги маъсулиятини англаган билимларни орттиришга ундайди.

**53.Олий таълим муассасаларида таълим мазмуни нечта таркибий кисмдан иборат бўлиши аникланг**

A.4 B.3 C.2 D.5

**54.Компетенциянинг луғавий маъносини топинг.**

A.лотинча competens – лаёқатли, кобилиятли

B.юнонча competens – лаёқатли, билимли

C.инглизча competens – лаёқатли, укувли

D.французча competens – укувли, билимли

**55.Олий таълим муассасаларида таълим мазмунининг таркибий кисмлари тўлик берилган жавобни топинг**

A.Билим, кўникма, малакалар, ижодий фаолият тажрибалари, кадриятлар

B.Билим, кўникма, малакалар ижодий фаолият тажрибалари

C.Компетенциялар, ижодий фаолият тажрибалар кадриятлар

D.Билим, кўникма, малака, компетенциялар

**56.Педагогик квалиметриянинг методи берилган жавобни топинг.**

A.Экспертиза B.Оғзаки баён C.Индуктив D.Дедуктив

**57. Педагогик квалиметрия методи берилган жавобни топинг.**

A.Таҳлил B.Кўргазмали C.Амалий D.Интерфаол

**58.Педагогик квалиметриянинг методи берилган жавобни топинг.**

A.Математик статистик B.Математик моделлаштириш C.Математик микрургия D.Математик таҳлил

**59. Педагогик квалиметриянинг методи берилган жавобни топинг.**

A.Педагогик жараённи кузатиш ва таҳлил килиш

B.Педагогик жараённи лойиҳалаш ва бошқариш

C.Педагогик жараёнга инновация киритиш ва бошқариш

D.Педагогик жараёнга инновацион технологияларни жорий этиш

**60.Педагогик квалиметриянинг методи берилган жавобни топинг.**

A.Сухбат методи B.Огзаки баён C.Маъруза D.Ҳикоя

## ПЕДАГОГИК КВАЛИМЕТРИЯ МОДУЛИДАН АССИСМЕНТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Педагогик квалиметрия модулидан ассисмент топшириқлари тингловчи томонидан мустақил бажарилади, бу жараёнда тингловчи битирув лойиҳа ишини тайёрлаш бўйича танлаган модулини ўқитишда фойдаланиладиган жорий ва оралиқ назорат учун тест топшириқларини шакллантириши лозим.

## ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

1. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган жорий (10та) ва оралиқ назорат (30 та) тест топшириқларининг умумий сони 40та бўлиб, шу модулнинг мазмунини камраб олиши лозим.

2. Мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда назорат топшириқларида:

- Очиқ тест топшириқлари;
- Ёпиқ тест топшириқлари;
- Кўп жавобли тест топшириқлари;
- Стандарт ва ностандарт тест топшириқлари бўлиши лозим.

2. Тест топшириқларининг қийинлик даражаси репродуктив (30%), продуктив (30%), қисман-изланишли (20%) ва креатив тест топшириқлари (20%) миқдорда бўлиши тавсия этилади.

3. Мавзулар бўйича шакллантирилган ностандарт тест топшириқларини Ispring ёки My test дастурига киритинг ва адаптив тест топшириқларига айлантиринг.

Педагогик квалиметрия модулидан ассисмент топшириқлари мустақил шаклида қабул қилинади ва 2,5 балл билан баҳоланади.

**Ассисмент топшириқларининг мезонлари**

| № | Ассисмент топшириқларининг мезонлари | Балл |
|---|---|---|
| 1. | Тест топшириқлари мазмуни синов мақсадига мослиги | 0.2 |
| 2. | Мазмун ва шакл бирлигига амал қилинганлик | 0,2 |
| 3. | Тест топшириқларининг мазмунан тўғрилиги | 0,2 |
| 4. | Тест топшириқлари мазмунининг мажмуали ва мувозанатлашган бўлиши | 0,2 |
| 5. | Тест топшириқлари мазмунининг тизимлилиги | 0,2 |
| 6. | Тест топшириқлари мазмунининг ўқув мақсадларга мослиги | 0,5 |
| 7. | Тест топшириғининг савол-жавобнинг қисқалиги ва мантиқий йўналишига эгалиги | 0,3 |
| 8. | Кўрсатмаларнинг тест топшириги ва мазмунига мослиги | 0.2 |
| 9. | Тест топшириқларини My test yoki Ispring дастури воситасида адаптив тестларга айлантирилиши | 0,5 |
| | Жами | 2,5 |

## ХОТИМА

Якуний сўз ўрнида тингловчи СамДУ доценти Фахриддин Шодиев томонидан ёзилган шеърни бериш лозим деб топилди.

## КВАЛИМЕТРИЯ

Тафаккурнинг маёғи
Квалиметрия қўлида.
Бу фан ақл чироғи,
зиёлилар йўлида.
Бунда ғоя, юксалиш,
сифатидур шахснинг.
Ахлоқу, хорижий тил
марказидур бахснинг.
Ҳуқуқ-ла танишасан,
Компьютер билан
тиллашасан,
Квалиметрия
керакми –
касбингла бирлашасан.
Ўхшатмайди ўзгага,
ўзгаради анъана.
Ўлчов, сифат
бор жойда,
тер тўкканга – тантана.
Таниш-билиш
кетмайди,
шумга ҳаво етмайди,
Квалиметрия
модулидан
жаримаси бор ўтмайди.
Тўрга чиқиб кетасан,
ўрга тушиб кетасан.

Квалиметрия –
камолот,
Юлдузларга етасан!
Тартиб тутар табиат,
талаб қаттиқ меҳрдан.
Квалиметрия мезони,
Сирли ҳатто сеҳрдан.
Ўзинг-ла танишасан,
ичингда ҳол сўрайсан.
Аҳвол чатоқ, рейтинг
паст,
ўйланиб довдирайсан.
Ҳечкиси йўқ, кўзгу бу
кара, унгу сўлингга.
Ўз устингда ишласанг,
қайтасан, шоҳ
йўлингга.
Уқмоқ эрта кечи йўқ,
Чин юракдан
тиришсанг.
Нима кетти, бир марта
ўз-ўзингни урушсанг.
Сен инсонсан, коинот
пойингда тиз чўкади.
Квалиметрия –кафолат,
Ялқовликни тўкади.

Дангасалик елкангдан
тушиб кетсин
ишқилиб,
Устозга айланасан,
ҳар бир ишни беш
қилиб.
Ҳайрат эмас, талаб бу
изланишни
бошлашдир
Ўз меҳнати қадрига
етганлар
тарозининг тошидир.
Ён босмайди ғамликка,
ва кўнмайди камликка,
салтанати сифатдир –
ақли тортар жамликка.
Жамиятнинг гултожи,
билсанг ўша инсондир.
Унга ўхшамаганлар,
ўзин топмай сарсондир.
Ўздан ўзмоқ шу фанда,
Комиллик-ҳур,
Ватанда,
Квалиметрия талаби –
Ўрнингни топ,
жаҳонда!

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 24 б.

2. И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.-176 б.

3. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. Т.: "Ўзбекистон".-Т.: 2011.-440 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 25-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-1533-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикасида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ва 1999-2005 йилларга мўлжалланган истиқболли режалар.1-қисм. // Тузувчилар С.С. Ғуломов ва бошқалар - Тошкент: 1999.

7. Аванесов В.С. Теория и практика педагогических измерений (материалы публикаций) Подготовлено ЦТ и МКО УГТУ-УПИ, 2005 г.

8. Аванесов В.С. "Образовательные стандарты нуждаются в изменении". УШ. № 46. декабрь 1998г.

9. Аванесов В.С. Современные методы обучения и тестового контроля знаний. - Владивосток, 1999. - 125с

10. Аванесов В.С. Композиция тестовых заданий. 2 изд. М. Адепт. 1998. - 217с.

11. Баля Г.А. Теория учебных задач: Психолого-педагогический аспект. - М.: Педагогика, 1990.- 184с.

12. Garry G. Azgaldov.Alexander V. Kostin Alvaro E. Padilla Omiste. The ABC of Qualimetry. Toolkit for measuring theimmeasurable Ridero 2015

13. Дыранкова Е.Т. Знания и уровневые показатели их усвоения / Содержание и технология контроля за качеством среднего образования. Тез. докл. рег. научно-практ. конф. работников образования. Оренбург, 1998 - 89с.

14. Федюкин В.К. Квалитология: Учебное пособие. Часть 1. - СПб.: Изд-во СПбГИЭУ, 2002.

15. Педагогическая квалиметрия: историко-методологический аспект. // Педагогика. 2012. №2 стр. 108-111.

16. Толипова Ж.О. Педагогическая квалиметрия. Маърузалар матни ва амалий машғулотлар. .-Т.: ТДПУ 2015. -108 б.

17. Толипова Ж.О. Биология ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлиги даражасини оргтиришнинг назарияси ва амалиёти. Монография.-Т.: Фан. 2005. -114 б.

18. Федюкин В.К.Основы квалиметрии. - М.: Изд-во «ФИЛИНЪ»,2004.

19. Фомин В.Н. Квалиметрия. Управление качеством. Сертификация. - М.: Ассоциация авторов и издателей «ТАНДЕМ». Изд-во «ЭКМОС» 2002.

20. Ямбург, Е.А. Школа для всех. Адаптивная модель. Теоретические основы и практическая реализация. М. Новая школа. 1997. -352с.

- http:// www.disser.h10.ru/pedagog.html
- http://www.ziyonet.uz/
- http://www.istedod.uz/
- http://www.pedagog.uz/

МУНДАРИЖА

Сўзбоши........................................................................ 3
Педагогик квалиметрия фанининг мақсади ва вазифалари. илмий-тадқиқот методлари. долзарб муаммолари........................................ 4
Таълим-тарбия жараёнида педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиш истиқболлари ва муаммолари........................................ 12
Тестология фанининг методологик асослари. Нестандарт тест -- педагогик квалиметрия назорат ва баҳолаш технологияси сифатида.................... 15
Тестология фани атамаларининг изоҳлари........................................ 47
1-амалий машғулот. Профессор-ўқитувчиларнинг замонавий модели ва квалиметрик диагностикаси........................................ 51
2-амалий машғулот. Педагогик жараённинг модели ва квалиметрик диагностикаси........................................ 58
3-амалий машғулот. Тест топшириқларнинг турлари ва уларнинг тавсифи. 82
4-амалий машғулот. Тест топшириғининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий тест топшириқларини тузиш........................................ 93
Тингловчилар учун мустақил иш топшириқлари........................................ 98
Тингловчиларнинг педагогик квалиметрия модулидан кейс-стади топшириқлари........................................ 100
Тингловчиларнинг педагогик квалиметрия модулидан ўз-ўзини назорат қилиш тест топшириқлари........................................ 104
Педагогик квалиметрия модулидан ассисмент топшириқлари ........ 113

Хотима........................................ 114
Фойдаланилган адабиётлар........................................ 115